

**ДЖУРАЕВА ФЕРУЗА ШУКУРОВНА**

**АРАБ ХИТОБАЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**МОНОГРАФИЯ**



**ДЖУРАЕВА ФЕРУЗА ШУКУРОВНА**

**АРАБ ХИТОБАЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**МОНОГРАФИЯ**



## **ASES KONGRE ORGANİZASYON VE YAYINCILIK**

Kanununun hükümlerine göre kitabı yayımlanan yayınevının izni olmaksızın elektronik, mekanik, fotokopi veya herhangi bir kayıt sistemi ile çoğaltılamaz, kısmen veya tamamen

Yayımlanamaz, depolanamaz.

Basım Tarihi: 24.03.2026

ISBN: 978-625-92363-2-2

**ДЖУРАЕВА ФЕРУЗА ШУКУРОВНА**

## **АРАБ ХИТОБАЛАРИ ПОЭТИКАСИ**

**МОНОГРАФИЯ**

Baskı, Yayım ve Dağıtım ASES KONGRE ORGANİZASYON YAYINCILIK

Sertifika No: 63715

**Джураева Феруза Шукуровна**

Араб хитобалари поэтикаси: Монография / Ф.Ш.Джураева.

Тошкент, 2025. – 139 б.

УК 811. 411. 21

КБК: 81. 2(533)

Д – 48

Монография Ориентал университети илмий доирасида амалга оширилган бўлиб, араблар ҳаётининг энг қадим замонларида пайдо бўлган илк насрий жанрга мансуб оғзаки нутқ намуналари – хитобаларнинг қадим араб халқи ҳаётидаги ўрнини, бу жанрнинг илк ўрта асрлардаги тараққиётини, хитобаларда қўлланилган бадиият унсурларини илмий таҳлил этишга бағишланган. Монографияда берилган қадим араб хитобаларининг гўзал таржималари келажакдаги араб адабиёти насрига ва поэтикасига оид қатор илмий ишлар учун ҳам фойдали манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, нафақат шарқшунослар, балки бадиият ихлосмандлари, ўзбек адабиётшунослари учун ҳам бирдек қизиқарли ва бу соҳадаги илмий тадқиқотларнинг ривожини учун салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

**Масъул муҳаррир:**

ф.ф.д. проф., **Шорустам Шомусаров.**

**Такризчилар:**

ф.ф.д. проф., **С.А.Рустамий**

фалсафа фанлари доктори(PhD) **Б.Бегматова**

Монография Ориентал университети Кенгашининг 2025 йил 23 декабрдаги мажлисининг 4-сонли баённомаси билан нашрга тавсия қилинган. Ориентал университети, 2025.

## МУҚАДДИМА

Дунё адабиётшунослигида поэтика масаласи ҳар доим бирдек муҳим ва долзарб бўлиб келган. Охириги йилларда жаҳон адабиётшунослигида поэтика масалаларига қизиқишнинг янада ортаётгани – бадиият тушунчаси ҳар қандай адабий асарга баҳо беришдаги асосий мезонлардан бири эканидан далолат беради. Адабиётшуносликнинг назарий асослари, адабий танқидчиликнинг муайян бадиий асарга баҳо бериш мезонлари айнан поэтик хусусиятларга таянади ва бадиий асарнинг тўлақонли қимматини тиклашда поэтика энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон адабиёти таркибида қадим араб адабиётининг назарий, илмий тарихини яратишда унинг энг қадимий насрий ва шеърий намуналарини поэтик жиҳатдан тадқиқ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Араблар ҳаётининг энг қадим замонларида пайдо бўлган илк насрий жанрга мансуб оғзаки нутқ намуналари – хитобаларнинг қурилишига хос умумий хусусиятлар, уларнинг услуб ва бадиий воситалар тизими, ушбу насрий жанрнинг ўзидан кейинги араб ҳамда бошқа халқлар адабиётига кучли таъсири айни мақсадга етишда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбек адабиётшунослиги ва замонавий тилшунослигида нотиклик назарияси муаммолари, айниқса риторик поэтикага алоҳида диққат қаратилаётгани соҳанинг муҳим масалаларини ўрганишни тақозо қилмоқда. Ўзбек ёшлари тафаккури ва илмий салоҳиятларини ривожлантириш асосида, ўзбек миллий – маънавий қадриятларини мустаҳкамлаш замирида кўпроқ шарқона исломий маданий меросдан куч олиш тамойиллари етакчилик қилади. Илк ўрта асрлар араб хитобаларининг ҳам шарқона дунёқараш маҳсули сифатида ўрганилиши ўзбек шарқшунослигини янги илмий натижалар билан бойитади. Хитобанинг алоҳида бадиий жанр сифатида тадқиқ қилинмаганлиги ўзбек шарқшунослигидаги долзарб масалалардан биридир.

Жаҳон адабиётшунослигида риторика – нотиклик санъатини ўрганишга қадим замонлардаёқ киришилган. Дастлаб Аристотель, Платон, Плутарх,

Цицерон<sup>1</sup> асарларида тилга олинган, кейинроқ В.И.Аксенов, А.А.Тахо-Годи, Г.З.Апресян, А.Ф.Лосев, А.Сатторов<sup>2</sup> ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Ўзбек адабиётшунослигида ҳам С.Иномхўжаев, А.Арипова, Н.Бекмирзаев, Н.Ғойибов, Р.Жуманиёзов, И.Қаҳҳоровлар<sup>3</sup> нотиклик санъати, нутқ маданияти масалалари бўйича тадқиқот олиб борганлар.

«Нотиклик санъати» поэтикаси муаммосига адабиётшунос, тилшунос, араб адабиёти тарихчилари камдан-кам мурожаат қилганлар. Арабларда хитоба деб юритиладиган жанр дунёда риторика номи билан аталадиган санъатдир. Дунё адабиётшунослигида риторика бадиияти<sup>4</sup> ва ўрта асрлар араб поэтикаси<sup>5</sup> ҳақида маълумот берувчи асарлар бор. Бироқ, таъкидлаш лозимки, араб адабиётида шеърият поэтикаси нафақат араб адабий танқидчилиги, балки дунё араб адабиёти мутахассислари томонидан ҳам атрофлича таҳлил қилинган. Араб адабиётида хитобани расман адабий жанр сифатида қабул қилиш эса узок йиллар мутахассислар ўртасида баҳс бўлган. Афсуски, ҳозир ҳам араб хитобалари, хусусан, уларнинг бадиияти етарли даражада ўрганилмаган.

---

<sup>1</sup> Аристотель. Риторика. Поэтика. – Москва, 2000; Платон. Диалоги. – Москва, 1986; Плутарх. Сравнительные жизнеописания. – Москва. СПб., 2006; Цицерон М.Т. Три трактата об ораторском искусстве. – Москва, 1972; Платон. Сочинения. В 3-х т. / Под общ. ред. А. Ф. Лосева и В. Ф. Асмуса. Пер. с древнегреч. Т. 3. Ч. 2. Москва, 1972; Аристотель. Поэтика. Масъул муҳаррир И. Султон. Русчадан М.Маҳмудов таржимаси. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

<sup>2</sup> Аксенов В.И. Искусство художественного слова / Под общ. ред. В.Н.Шацкой. – Москва: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1962; Античные риторика / Под ред. А.А.Тахо-Годи. – Москва, 1978; Апресян Г. З. Ораторское искусство. – Москва, 1969; Лосев А.Ф. «Риторика» и ее эстетический смысл. В кн.: Античные риторика. Москва, 1978; Лосев А.Ф. Художественные каноны как проблемы стиля. - Вопросы эстетики, 1964; Лосев А.Ф. О понятии художественного канона. В кн.: Проблема канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. Москва, 1973; Сатторов А. «Поэтика» Аристотеля на Востоке. (К проблеме взаимосвязей художественной мысли Востока и Запада). В кн.: Мушкिलоти Ибни Сино. (Мероси адаби, анъана ва алока). – Душанбе, 1980.

<sup>3</sup> Қаранг: Иномхўжаев С. Ўтмиш шарқ нотиклиги. – Тошкент, 1972; Иномхўжаев С. Нотиклик санъати сирлари. – Тошкент, 1986; Арипова А. Ҳ. Нотиклик нутқининг лисоний-услугий воситалари: Филол. фан. номз. дис. – Тошкент, 2002; Бекмирзаев Н. Нотиклик асослари: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006; Ғойибов Н. Нотиклик санъати: Маърузалар курси / Н.Ғойибов, Д.Юсубов, А. Мавлонов. – Тошкент, 2012; Жуманиёзов Р. Нотиклик санъати.-Тошкент, 2016; Қаҳҳоров И. Нотиклик санъати. –Тошкент, 2015.

<sup>4</sup> Қаранг: Shurter, E.D.B. The Rhetoric of Oratory. The Macmillan Company, 1920; Buehler, E.C. and Johannesen, R.L. Building the Contest Oration. New York: The H.W. Wilson., 1965; Biesecker, B.A. Rethinking the Rhetorical Situation from within Thematic of Difference. Philosophy & rhetoric, 22(2). – P.110-130, 1989; Steel, C. Roman Oratory. Cambridge: Cambridge University Press. 2006; Cothran, M. What is classical rhetoric? Memoria Press, 2018; Wells, S. Robert Burton's rhetoric. An anatomy of early modern knowledge. The Pennsylvania State University Press, 2019.

<sup>5</sup> Крачковский И.Ю. «Китаб ал-бади'». Избранные сочинения. Т.6. – С. 97-179, – М. – Л., 1960; Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке // Изб. Соч., Т. 2., – М.-Л., 1956; Куделин А.Б. Мотив в традиционной арабской поэтике VIII -X вв. В кн.: Восточная поэтика. Специфика художественного образа. Москва, 1983; Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, 1983; Cantarino V. Arabic Poetics in the Golden Age: Selection of texts accompanied by a preliminary study. – Leiden: Brill, 1975; Classical Arabic Literature: A Library of Arabic Literature Anthology. Selected and translated by Geert Jan van Gelder. – NY: New York University Press, 2013; El Sadda H. Figurative Discourse in Medieval Arabic Criticism: Introduction and Translation. – Alif: Journal of Comparative Poetics, 12, 1992.

Илк ўрта асрлардаги араб хитобаларининг Аристотель риторикасидан ўзининг кутилмаган вазиятларда тайёргарлик кўрилмасдан айтилиши билан фарқланиши, асл арабий негизда шаклланган ва ривожланган нотиклик санъати намунаси эканлиги; араб хитобаларининг қадим араб оғзаки ижоди анъаналари руҳида бўлгани ва шундай сақланиб қолгани; ўрта асрларда хитобаларнинг адабий-эстетик меъёрлари шакллангани, хитоба композицион структураси мантиқий изчилликда тартиблангани, поэтик ҳамда риторик воситалар биргаликда хитобанинг шаклий-мазмуний яхлитлигини таъминлагани каби адабиётшуносликнинг муҳим меъёрий хусусиятлари чуқур таҳлил этилган.

Бунга қўшимча равишда, илк ислом даврига келиб, хитобалар композициясида анъанавий аниқ таркибий қурилиш пайдо бўлгани, араб хитобаларининг шакл компонентлари, улардаги поэтик элементлар жоҳилият, илк ислом ва уммавийлар даврида ўзгаришсиз қолгани, фақат мазмуний ўзгаришлар юз бергани ҳамда илк ўрта асрлар араб хитобаларининг тингловчига таъсир этиш тамойиллари, ишонтириш ва шу орқали эргаштириш мотивларидан иборат эканлигига ҳам илмий нигоҳ билан қаралган.

Монографияда Аҳмад Закий Сафутнинг «Жамҳарату хутаб ал араб»<sup>6</sup> (Араб хитобалари тўплами)га киритилган қадим араб хитобалари матнлари танлаб олинган ва улардаги юксак бадиият унсурлари асосли тарзда таҳлил ва талқин этилган.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, монографияда шунингдек, илк ўрта асрлар араб хитобаларининг генезиси, динамикаси ва ривожланишига алоқадор бутун дунё шарқшунослари ва араб олимларининг асарлари, мавзуга оид тарихий, адабий манбалар бир бутун қилиб йиғилган ва ўрта аср хитобалари ҳақидаги мавжуд илмий қарашлар янги илмий назарий ёндашув асосида таҳлил қилинган; хитобалар арабларда энг қадим замонлардан бошлаб оддий мулоқот шаклидан нотиклик санъати даражасига кўтарилгани ижтимоий-сиёсий, лисоний-поэтик, тарихий омиллар асосида исботланган,

---

أحمد زكي صفوت، جمهرة خطب العرب في العصور العربية الزاهرة، ج 2، 1، المكتبة العلمية، القاهرة<sup>6</sup>  
(Ушбу манба кейинги ўринларда «Сафут. А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. (Ж. 2.)» – С. деб юритилади.)

араб хитобаларидаги поэтик восита ҳамда усулларни таҳлил этиш орқали хитобанинг ўрта асрларда жуда тараққий қилган адабий жанр эканлиги тасдиқланган; хитобалар арабларда илк поэтик тушунчалар учун асос бўлганлиги далилланган; илк ўрта асрлар араб хитобалари кейинги давр араб адабиёти, хусусан, рисола жанри учун асос бўлгани ҳақидаги қарашлар умумлаштирилган.

# І БОБ. АРАБ АДАБИЁТИДА ХИТОБА ЖАНРИ ВА УНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ ТАДРИЖИЙ БОСҚИЧЛАРИ

## 1.1. Араб адабиётида хитоба илк насрий жанр сифатида

Араб адабиётида хитоба қадимий насрий жанрлардан бири ҳисобланади ва у тарихнинг маълум даврларида араб адабиётида етакчи мақомга эга бўлган. Хитоба атамаси турли манбаларда турлича тушунчаларни ифодалаш учун қўлланилгани сабабли тадқиқотимиз бошидаёқ мазкур атама англатадиган хитоба тушунчасига ойдинлик киритиб олишни лозим топдик.

Арабча-ўзбекча қомусий луғатда *خطابة* “хитоба” 1) хатиблик, ваъзхонлик; 2) фаннул хитаба нотиклик санъати, *خطابة* “хатоба” 1) нутқ сўзлаш; “фаннул хатоба” - нотиклик санъати; 2) хутба ўқиш; 3) *мнт.* фараз ва мақбул нарсалардан иборат қиёс; *خطبة* “хутбатун” 1) кулранг, кўкимтир ранг; 2) нутқ; 3) хутба, диний хутба, ваъз, – деб қайд қилинган.<sup>7</sup> Аммо бошқа арабий луғатларда:

" و خطب الخاطب على المنبر، الخُطابة، بالفتح، و الخُطبة، بالضم، و ذلك : الكلام المنثور و المسجع و نحوه ، رجل خطيب: حسن الخطبة"<sup>8</sup>

*Хитоб айтувчи минбардан нутқ сўзлади, "хатоба" (фатҳа билан) ва "хутба" (дамма билан;) насрий, сажли ва шунга ўхшаши калом; хатиб киши: хутбаси (нутқи) яхши (инсон).*

"*خطابة أحسن الخطاب، و هو المواجهة بالكلام*"<sup>9</sup> ،

*Хатоба энг яхши хитоб (мурожаат) бўлиб, у сўз орқали юзлашишидир-тарзидаги мисол келтирилган.*

Ибн Манзурнинг қайдича, хитоба “*хатб*” сўзидан келиб чиққан ва муҳим воқеа-ҳодиса ёки ҳалокатни англатган ҳамда арабларда хитобалар

<sup>7</sup> Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий луғат. Ж.1. – Б.784.

<sup>8</sup> ألفاموس المحيط، مجد الدين محمد بن يعقوب الفيروز آبادي، مؤسسة الرسالة، بيروت، لبنان، ص 81.

الزمخشري، (د.ت)، أساس البلاغة، ج1، دار الكتب العلمية، بيروت، لبنان، ص 112.

фавқулудда вазиятларда айтилган<sup>10</sup>. Бироқ “хтб” ўзагидан ясалган иккинчи хатоба(тун) масдари нотиклик хатти-ҳаракатини, баъзан санъат даражасига кўтарилган нутқни англатади ва адабий танқидда “балоғат” атамаси билан бирга ҳам ишлатилади”<sup>11</sup>.

Шунингдек, Ибн ан-Надимнинг фикрича, “хатоба” ва “балоға” атамалари “сўзга чечанлик”, “нотиклик” маъносидаги синонимлардир, икки сўзнинг фарқи – “хатоба” хато бўлиб, “балоға” шаклида ёзилган. У ўзининг “Фихрист”ида нотиклар номларини “خطباء – хутаба’у”<sup>12</sup> атамаси остида санаб ўтади ва хатибларни “بلغاء – булаға’у”, яъни балоғат илми соҳиблари, дейди<sup>13</sup>.

Ҳанс Вернинг замонавий стандарт араб тили луғатида хитоба ўрта асрлардаги *хатоба* риторика – балоғат, нотиклик ва юқори даражадаги сўз санъати билан кўшилган, бу икки атама ҳам ўрта асрлардаги хутба (нутқ, маъруза, калом-дискурс) билан боғланган<sup>14</sup>. Ўзбек тилида *хутба* сўзи фақат масжидларда исломий маросимларда махсус диний вакил томонидан анъанавий матнни ўқиш маъносида тушунилмаслиги учун биз бутун тадқиқотимиз давомида ўзбек тили соҳиблари учун табиий яқинликни акс эттирган “хитоба” атамасини айна шу “хатоба” ва “хутба” маъносида танладик ва кўлладик. Аммо жума намозининг бир қисми сифатида, ҳайит байрамида ёки никоҳ маросимида ўқиладиган хутба билан илк ислом даврида араб адабиётида, хусусан, насрида етакчилик қилган хитобаларни айна бир нарса деб ўйлаш ножоиздир. Сабаби бундай хутбалар илк ислом анъаналарининг таркибий қисми сифатида, тилга олинган вазиятларда ҳамisha бир хил айтилади ва тингловчиларга ушбу диний одатларнинг муқаддаслиги ва аниқ қоидалар билан амалга оширилиши лозимлиги хабар берилади.

Хитоб мулоқотда юзага чиқадиган ижтимоий ҳодисадир. Бироқ, оддий нутқдан фарқли равишда аниқ бир мақсадга ишонтириш ва шу орқали

<sup>10</sup> ابن منظور، لسان العرب، ج 3، ص 1194.

<sup>11</sup> Qutbuddin T.Khutba. – P.182.

<sup>12</sup> Изох: диссертация ишида келтирилган арабий сўзлардаги ҳамза товуши “” белгиси билан ифодаланган.

<sup>13</sup> ابن النديم محمد ابن إسحاق، الفهرست، ص 130.

<sup>14</sup> Wehr Hans. The dictionary of Modern Written Arabic. – P. 246.

тингловчиларни эргаштириш мақсадида айтиладиган араб хитобаси бадий нутқ бўлиб, унда таъсирчанликни оширадиган кўплаб риторик ва поэтик воситалардан фойдаланилади, шу хусусиятига кўра насрий ижод маҳсули ҳамдир.

Кузатишларимиз нотиклик санъати – хитоба ёки “фанну-л-хитоба”, балоғат – нотиклик санъати (демак, хитоба), илму-л-байан объекти – хитоба, риторика – хитоба маъноларида қўлланилишини кўрсатди. Масалан, француз шарқшуноси Пьер Ларше ал-Қазвинийнинг “Талхис”ида риторикани “илму-л-балағати” деб, “илму-л-балағати”, ўз навбатида, яна уч қисм “илму-л-байан”, “илму-л-маъани” ва “илму-л-бадиъ”га бўлинишини эътироф этаркан, фанда ушбу атамалар юзасидан турлича фикрлар мавжудлигини таъкидлайди. Унингча, баъзи олимлар риторикани тўлалигича, “илму-л-байан” десалар, бошқалар риторика бу - “илму-л-маъани” ёки яна бошқа мутахассислар “илму-л-маъани” ва “илму-л-бадиъ”ни риторика деб биладилар”<sup>15</sup>. Ўрта аср араб манбаларида айни атаманинг турлича талқин қилинишини ва уни аристотельча риторикага нисбатанлигини тушунтираркан, олим шундай хулосага келади: “Одатда, “илму-л-балағати” риторика деб таржима қилинади. Бу бизнинг, яъни ғарб анъаналаримиздаги риторикадир, аммо Аристотелнинг “Риторика”си араб тилига “Ал-хатоба” деб таржима қилинган эди. Хатоба, яъни риторика этимологик жиҳатдан араблардаги сўзга чечанликка бориб етади: “хатуба” – нотик, сўзга уста бўлмоқ феъли ўзагидан ясалган “хатиб” арабларда сўзга усталиги учун муайян қабила ўз вакилини нутқ сўзлаши учун танлаб олган шахсдир. Ва, айни вақтда, у Европа маданияти ва адабиётидаги “оратор” вазифасини ўтай бошлаган. Худди шундай, халқ вакили сифатида жамоат олдида сўзамоллик билан айтилган нутқ “хитоба” масдари шаклида риторика маъносида ишлатила бошланган. Бироқ араблардаги “илму-л-балағати” билан Аристотель риторикаси ўртасида ҳеч қандай генетик алоқа

---

<sup>15</sup> Larcher P. Arabic Linguistic Tradition II: Pragmatics. –P.4. Available at: [www.academia.edu](http://www.academia.edu)

йўқ. Араб анъаналари хитоба ва шеърни риторик силлогизм – “ал-қияс ал-хатобиййу” сифатида танийди”<sup>16</sup>.

“Илму-л-балағати” ва риторика атамалари ўртасидаги алоқадорликни Мейсамининг охириги йилларда яратган “Араб адабиёти энциклопедияси”<sup>17</sup>да ҳам учратиш мумкин: “Риторика ва поэтика атамалари классик ва ғарб анъаналаридаги фанларда пайдо бўлган. Риторикага энг яқини бу – нотиклик санъати, яъни “илму-л-балағати”. “Илму-л-балағати”, ўз навбатида, синтактик стилистика, тасаввур назарияси ва риторик фигураларни ўз ичига олади. Поэтика эса унинг аниқ нусхаси сифатида шеърят танқидчилигида, “нақду-ш-шиър”да ишлатилади. Поэтика яхши шеърятнинг тузилиши ҳақидаги йўл-йўриқдан кўра, танқидчилик назарияси деб тушунилади. Бунда энди поэтика ва риторика адабиёт билан иш кўрувчи метадискурслардан бири сифатида улкан интеллектуал функцияни шакллантирди. Бу икки атамани бир сўз билан адабиёт назарияси деб аташ мумкин бўлди”, – деб шарҳларкан, ғарб олими араб нотиклик санъати – хитобани юнонларнинг риторикасига нисбатан олинганда “илму-л-балағати”, – деб номлайди ва “илму-л-балағати”ни эса поэтика, яъни араблардаги “нақду-ш-шиърга” яқинлаштиради.

Араб олимларидан баъзилари эса “илму-л-балағати” ва риторика – хитобани икки хил ёндашув асосида таснифлайдилар: “хитобадан кўзланган мақсад ҳужжат-далилларни етарли қилиб кўрсатиш ҳисобланса, хитоба; агар хитобада кўпроқ бадий санъатларга эътибор қаратмоқ лозим бўлса, балоғат деб таржима қилиш мумкин”<sup>18</sup>.

Бизнинг бу ўринда хитоба тушунчаси, унинг адабиётшуносликдаги талқинларини келтиришдан мақсадимиз – ушбу қадим араб адабий жанрининг наср ва назм учун илк сўз санъати сифатида асос бўлганини таъкидлаш. Хитобани поэтикага нисбат берилиши замирида ҳам, бизнингча, ушбу қадим сўз санъатининг айнан бадий мукамаллиги ётади. Бироқ яқин-яқингача араб

---

<sup>16</sup> Юқоридаги асар. –Б.15.

<sup>17</sup> Encyclopedia Of Arabic Literature. Volume 1. Edited by Julie Scott Meisami. – P.651.

<sup>18</sup> Қаранг: .48 ص 2005، ولي محمد الإستعارة في محطات يونانية و عربية و غربية، دار الأمان،

адабиётшунослари, адабий танқидчилари ва ёзувчилари, қолаверса, дунё шарқшунослари араб насрини араб шеъриятига қараганда кам ўрганганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Шунинг учун З. Муборак араб танқидчиларининг Қуръони каримдан бошқа илк ўрта асрлар адабиёти ёки насрий жанри намуналарини таҳлил қилмаганликларини афсус билан айтади<sup>19</sup>.

Араб халқи тарихи ва адабиётини ўрганган кўплаб олимлар жоҳилият давридаёқ адабий насрий жанрлар бўлганлигини эътироф этадилар<sup>20</sup>, чунки араблар азалдан сўзга чечан, уста нотик бўлганлар. Шарқшунос И.М. Фильштинский фикрларига эътибор қаратамиз: “Нотиклик санъати анъаналари арабларда узоқ қадимиятга бориб тақалади. Исломгача бўлган даврлардаёқ арабистонликлар – кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли йилнинг муайян фаслида кўргазмалар ташкил қилишар ва у ерда бадавий шоир ҳамда нотиклар шеър санъати ва нотиклик бўйича беллашар эдилар. Бундай мусобақалар арабларда бутун ўрта асрлар мобайнида бўлган”<sup>21</sup>.

“Араблар қадимдан нотикликни, тилдан маҳорат билан фойдаланишни кадрлаганлар. Шубҳа йўқки, жоҳилият давридан бизгача етиб келган араб сўз санъати эрамининг биринчи асрларидаёқ араб халқлари бадий тахайюлининг тараққий этганлигидан дарак беради”.<sup>22</sup> “Араблар ўзларининг жоҳилият замонларида насрий жанрларга катта эътибор қаратгани мавжуд манбалардан маълум. Бу ўзига хослик нотиклар (хатиблар)нинг хутбалари, котибларнинг рисоалари орқали машҳур бўлди”<sup>23</sup>.

Араб сўз санъатининг юксалгани, бундай иқтидор қадим замонлардаёқ мавжуд бўлган хитоба – омма олдида юксак бадий нутқ қила олганликларида яққол намоён бўлишига оид қарашлар ўрганилаётган соҳа бўйича ёзилган ва эълон қилинган ишларнинг қарийб барчасида учрайди. Шундай экан, илк ўрта асрларда умуман араб насри бўлмаган деган қараш қанчалик тўғри? Хитоба –

<sup>19</sup> زكي مبارك، النشر الفني في القرن الرابع الهجري، ج1، ص57.

<sup>20</sup> Қаранг: Arabic literature to the end of the umayyad period The Cambridge history of arabic literature; Xitti P. History of the Arabs. Part one, Pre Islamic age; Nicolson R.M.A. A Literary History of the Arabs.

<sup>21</sup> Фильштинский И.М. История арабской литературы V – X века. – С. 245.

<sup>22</sup> Arabic literature to the end of the umayyad period. The Cambridge history of arabic literature. – P.115.

<sup>23</sup> Фильштинский И.М. Кўрсатилган асар. – Б. 245.

нотиқлик аслида қандай жанр эди, унинг адабий жанр эканлигидан шубҳаланиш нимага асосланган? Хитоба араб адабиётида қандай ўрин тутди?

Араб адабиётининг асосий жанрларидан бири хутбани ўрганишга қизиқишнинг камлиги, эҳтимол, ўрта асрлар араб танқидчиларида нотиқлик санъатига аниқ ёндашув бўлмаганидандир. Балки европалик олимлар “хитоба тараққий этмаганлиги сабабли унга жиддий аҳамият қаратмагандирлар; балки хитобани адабиёт эмас, фалсафага дахлдор деб билгандирлар”<sup>24</sup>; балки европалик олимлар ўз тадқиқотларида “хитобани балоғат ёки риториканинг алоҳида жанри сифатида мавжуд бўлмаган деб билгандирлар”<sup>25</sup>; умуман, бу каби қарашлар ҳар қандай изланувчини иккилантириши табиий.

Бундай қарама-қарши фикрларнинг барчаси арабларда хитоба жанри ўтган йиллар мобайнида кўп ва ҳар томонлама тадқиқ қилинмагани, эҳтимол, бевосита араб адабий танқидчилиги нигоҳи билан чуқур таҳлил қилинишига эҳтиёж борлиги билан изоҳланар. Фикримизча, дунёга ўзининг нотиқлиги ва мўъжизавий тили билан машҳур халқнинг айни икки жиҳатини ўзида қамраган хитоба (оддий кундалик нутқдан санъат даражасига кўтарилган бадиий нутқ) жанрини жиддий ўрганиш зарур ва бу бадиият билимдонлари учун бирдек қизиқ мавзу. Тадқиқот давомида арабларда исломгача насрий жанр умуман бўлмаган; мавжуд бўлганда ҳам, ёдлаш қийин бўлгани боис бизгача етиб келмаган; ҳозирда жоҳилият асри насри деб кўрсатилаётган кўплаб адабий асарлар исломдан кейин, ёзма ҳолга келтириш пайтида ровийлар томонидан ўйлаб топилган<sup>26</sup>, араб хитобаларида юнон ва рим маданиятининг таъсири бор<sup>27</sup> қабилидаги зид фикрлар учради. Масалан, З. Муборак шундай ёзади: “Кўплаб араб тили ва араб адабиёти тарихи мутахассисларининг эътирофича, арабларда нубувват асригача на сиёсий, на адабий воқелик мавжуд бўлган. Фақат ислом арабларни худди ўлимдан кейин қайта тирилтирди ва

<sup>24</sup> Қаранг: Qutbuddin T.Khutba. – P.179.

<sup>25</sup> Қаранг: Halldén P. What is Arab Islamic Rhetoric? Rethinking the History of Muslim Oratory Art and Homiletics. International Journal of Middle East Studies, 2005. – P. 19-38.

<sup>26</sup> Қаранг: Noth A., Lawrence C. The Early Arabic Historical Tradition. – P. 87.

<sup>27</sup> Қаранг: Аль-Фахури Х., Хусайн Т., Фильштинский И.М., Марсэ ва бошқаларнинг ўрта аср араб адабиётига бағишланган асарларида шундай фикрлар учрайди.

лоқайдликдан уйғотди. Уламоларнинг бундай иттифоқи икки хил асосга таянади. Ислом тарихини ўрганувчи мусулмон тарихчилари диний хусусиятларни ёқловчилар бўлиб, фақат ислом арабларни халқ сифатида яратди, уларни зулматдан нурга, йўқликдан борликқа олиб чиқди, – дейдилар. Араб тили ва адабиёти тарихи мутахассислари исломгача араблар томонидан афзал кўрилган хитобалар, сажли парчалар ва мақолларнинг кўплаб матнларига шубҳа билан қарайдилар. Шундай фикрловчилардан бири Халил Митран бўлиб, у Муҳаммад Ҳайкал билан бирга 1928 йилда кўрган жоҳилият даври араб адабий мажмуаси (хитобалари) бир нашр (босма табоқ) дан ҳам ошмаслигига ишора қилади”<sup>28</sup>. З.Муборакнинг эътирофича, бундай хато фикрга эргашувчилар ҳам кўп бўлган.” Шундайлардан Тоҳа Ҳусайн ва Мсье Марсени айтиш мумкин. Уларнинг назариясига кўра, араблар жоҳилиятда жуда содда ибтидоий ҳаёт тарзига асосан яшаганлар. Табиийки, бундай жўн ҳаётда уларнинг бадиий насрга эҳтиёжи бўлмаган. Негаки, наср чуқур ақл тили ҳисобланган. Арабларга шеъриятдагина имкон берилган. Шеърият (айнан) хаёллар ва ҳис-туйғулар тилидир”<sup>29</sup>.

Тадқиқотимиз объекти бўлган илк ўрта асрлар хитобаларини етарли даражада кенг илмий тадқиқ қилиш амалга оширилмагани юзасидан араб ва бошқа халқлар адабиётшунослари томонидан турли сабаблар кўрсатилади. Биз бу ўринда бир неча тарихий ва араб адабий манбаларида келтирилган илк ўрта асрларга тааллуқли хитоба намуналарининг асл матн эмаслиги ҳақидаги даъвони рад қиламиз. Негаки бундай адабий манбалар турли даврларда, турли ҳудудларда турли шахслар томонидан ёзилган, йиғилган ва бизгача етиб келган. Эҳтимол, бундай мажмуалар муаллифлари бир-биридан беҳабар хитобаларни йиғандир, турли ровийлардан ёзиб олингани-ку табиий. Аммо исломгача Арабистон ярим оролида мавжуд бўлганлиги инкор этилаётган хитобалар матни айнан бир хил; баъзан мазмуни ўзгармаган, бироз шакли ўзгарган бўлиши мумкин. Бундай бир хиллик эса тасодифий бўлиши мумкин

---

<sup>28</sup> Мубарак З. Кўрсатилган асар. – Б. 35.

<sup>29</sup> Юқоридаги асар. – Б. 36.

эмас, шу боис араб хитобаларининг асллигига, ҳаққонийлигига шубҳа қилмаймиз.

Араб хитобаларида Аристотель риторикасининг таъсири бор деган қарашни шундай тушунтириш мумкин: хатиблар хитоба айтар экан, аниқ мақсадни кўзлайди. Оммага мўлжалланган, унга таъсир этиш кўзланган нутқ қайси замон, қандай тингловчига айтилишидан қатъи назар, хитобага берилгандек таърифланиши табиий. Қолаверса, айтиб берилган нарсани бирдан ортиқ халқ бир-бирдан беҳабар қашф қилиши ёки муайян табиий қонуният бирдан ортиқ жамиятда маълум вақт давомида қайта-қайта ишга тушиши ва буни аввал билган халқ биринчи бўлиб эълон қилиши, табиийки, бошқа халқ вакилларининг бундай ижодга қодир эмаслигини англатмайди. Бизнингча, илк ўрта асрлар араб хитобалари на юнон, на рим риторикаси ёки бошқа хорижий таъсирлар остида пайдо бўлган, у араб бадиий тахайюлининг натижасидир. Қолаверса, тарихий-сиёсий вазият, ўша давр араб халқлари ижтимоий аҳволи ҳам бунга имкон бермасди. Зеро, шафқатсиз табиий шароитларда яшаган бадавий араблар Аристотель риторикаси ёхуд шунга ўхшаш асарларни кўриши, эшитиши, уни ёдлаб, шундай услубни сақлаган ҳолда ўз қабиладошлари ёки қавамдошларига айтиб бериши мумкин эмас.

Араб хитобаларининг пайдо бўлиши ва шаклланишида эллинистик маданиятнинг таъсири борлиги хусусидаги қарашларга ҳам қўшилмаймиз. Бизнинг бунга муносабатимиз Т. Қутбуддиннинг қарашлари билан бир хил: “Хутба ўзининг асл маданиятига шу қадар томир отганки, араб хутбасида жуда кам миқдорда хорижий маданият излари бор. Ислом келишидан аввал ҳам, кейин ҳам хутбанинг ривожланишига юнонлар, форслар, ҳиндлар ва вавилонликларнинг риторик анъаналари катта таъсир ўтказмаган”<sup>30</sup>.

Арабларнинг исломдан аввалги ва кейинги турмушида ҳам хитобанинг нуфузи баланд бўлиб, унинг муайян сиёсий, ижтимоий ва диний вазифалари бор эди. Хитоба алоҳида нутқий жанр сифатида жангчиларни жангга

---

<sup>30</sup> Qutbuddin T.Khutba. – P. 189.

руҳлантирар, фукаролик ва жиной ишларда қонунни устувор қилар, ўлим яқинлашуvidан огоҳлантирар ва тақво билан ҳаёт кечиришнинг муҳимлигини уқтирар, ислом деб аталган янги динга даъват этар ва ҳатто бу диннинг эътиқодий анъаналарида қатнашар эди.

Хитобаларнинг қандай шакл ва мазмунда айтилгани ҳақидаги тасавурларга аниқлик киритиш мақсадида қуйида жоҳилият, илк ислом ва уммавийлар асри хитобаларидан намуналар келтирамиз:

"و النور و الظلماء، و الأرض و السماء، إن الشجر هالك، ليعودن الماء كما كان في الزمان السالك.. أخبرتنى المناجد، بسنين شدائد، يقطع فيها الولد الوالد.. أقول قول الندمان لهفا، لقد رأيت سلحفا، تجرف التراب جرفا، و تقذف بالبول قذفا، فدخلت الحديقة فإذا الشجر من غير ريح يتكفا، داهية الدهياء، من أمور الجسيمة، و مصائب عظيمة. إن فيه الويل، و ما لك فيه من قيل و إن الويل فيما يجيء به السيل. هو خطب<sup>31</sup> جليل، و حزن طويل، و خلف قليل..."

*"Ёруғлик ва зулмат, ер ва само билан қасам ичаманки, дарахтлар ҳалок бўлур, сув эса аввал замонлардагидек тўсиқсиз оқиши ҳолига қайтур... Ёрдамчиларим хабар бердиларки, узоқ йиллар давом этгулик баломусибат етур ва унинг даврида фарзанд отасини ўлдирур(сўяр).. Чуқур афсуснадомат билан айтурманки, ер-тупроқ ювилиб битур, наслга қирон келур... Боққа кирсам дарахтлар шамол бўлмаса ҳам эгилиб тебранур, Улкан мусибат, кулфат, машаққатли ва оғир ишлар, ҳаддан ортиқ катта фалокатлар... Унда офат борки, сен унда подшоҳ эмассан, бу офат сел билан келур, бунда оғир ғам – андуҳ бор ва (ундан сўнг ортимизда) кам авлод қолур..."*

"إنكم يا معشر المسلمين أصبحتم في دار العجم، منقطعين عن الأهل، نائين عن الأمير المؤمنين و أمداد المسلمين، و قد و الله، أصبحتم بإزاء عدو كثير عددهم، شديد عليكم حنقهم، و قد ترموهم في أنفسهم و نساتهم و أولادهم و أموالهم و بلادهم، فلا و الله لا ينجيكم منهم اليوم و تبلغون رضوان الله إلا بصدق اللقاء، و الصبر في مواطن المكروه، فامتنعوا بسيوفكم، و تقربوا بها إلى خالقكم، و لتكن هي الحصون التي تلجئون إليها، و بها تمنعون!"<sup>32</sup>

<sup>31</sup> Сафут.А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1.-С.105. Жоҳилият даврида яшаб ўтган коҳина аёл Тарифат ал-Хайрнинг кучли сел келиб, катта вайронага сабаб бўлишини подшоҳга юзланиб, башорат қилиши ҳақидаги хитобасидан парча.

<sup>32</sup> Сафут А.З.Жамҳарату хутаб .Ж.1.- С. 205. Абу Суфён бин Ҳарбнинг хитобаси.

“Эй мусулмонлар жамоаси, сиз бугун ўз аҳлларингиздан узилиб, мўъминлар амири ва мусулмонларнинг мададларидан узоқда, ажам диёрига келиб қолдингиз. Ва Аллоҳга қасамки, сон жиҳатдан сиздан кўп, сиздан қаттиқ азабланган душман қаршисида турибсиз. Сизлар уларнинг, аёллари фарзандлари ва бойликлари (ёнларида ҳолларида) ва (сизлар уларнинг) шаҳарларида бўлиб турган ҳолда уларнинг қаршисидасиз. Аллоҳга қасамки, бугун фақат Аллоҳ билан кўришишга бўлган ишончингиз орқали унинг розилигига етишурсизлар. Ва ёвузлик ватанида сабрдан бошқа нарса сизларни улардан қутқара олмас. Қиличларингиз билан қаршилик кўрсатинглар ва шу билан сизни Яратганга яқинлашинглар, токи у сизлар учун паноҳ бўлгувчи ва у билан қаршилик кўрсата олишингиз мумкин бўлган мустаҳкам қўرғон бўлсин!”

" رحم الله أبا حفص عمر، كان والله: حليف الإسلام، مأوى الأيتام، ومنتهى الإحسان، ومحل الإيمان، وكهف الضعفاء، معقل الحنفاء، قام بحق الله عز وجل صابراً محتسباً حتى أوضح الدين، وفتح البلاد، وأمن العباد، فأعقب الله على من ينقصه اللعنة إلى يوم الدين."<sup>33</sup>

“Аллоҳ Абу Ҳафс Умарни раҳматига олсин. У, Аллоҳга қасамки, исломнинг аҳди, ёрдамчиси, етимларнинг паноҳи, яхшиликни охирига етказувчи, иймоннинг ўрни, заифларнинг тоғи (ҳомийси), ҳанифларнинг қўрғони эди. Аллоҳ азза ва жалланинг ҳақларига сабр билан итоат қилувчи эди, Аллоҳ ризоси учун динни шарҳлади, шаҳарларни фатҳ этди, қулларини унга иймон келтиртирди. Аллоҳ ундан гап топиб ёмонлаганларни қиёмат куни лаънатига олсин.”

Шу ўринда илк хитобаларнинг кейинги даврлар адабиёти, хусусан, наср ривожига улкан таъсир кўрсатганини ҳам инкор этиб бўлмайди: “Бир асрдан ошиқроқ вақт давомида хитоба ўзининг маънавий ва дунёвий таъсири билан араб адабиётининг юксак насрий жанри сифатида Қуръон ва унинг мўъжизавий нуфузи билан ёнма-ён ҳолда араб адабиётида етакчилик қилди”<sup>34</sup>.

<sup>33</sup> Сафут А. З. Жамҳарату хутаб. Ж.2.- С. 91. Абдуллоҳ бин Аббос хитобасидан парча.

<sup>34</sup> Қаранг: Gibb H.A.R. Arabic Literature: An Introduction. –P.33.

Биз дунё адабиёти тарихи фанида ва араб адабиётида хитобани адабий насрий жанр деб қабул қилиш ёки қилмаслик масаласини чуқур таҳлил қилиш асносида араб адабиёти тарихи фанида шеърият ва насрнинг ҳамшиша бирига солиштирилгани, жоҳилият замонларидаёқ шеърият устун бўлган, жоҳилият даври араб адабиётида наср йўқ эди, деган қарашларнинг асослари нимада эканлигига ҳам қизиқдик. Юқорида бу каби баҳсли қарашлар ҳақида қисқача тўхталган эдик, бироқ хитоба бир неча асрлар араб адабиётида етакчилик қилгани ва адабий насрнинг юксак намунаси сифатида таҳлил этишга лойиқ деган фикрга келганимиз боис араб шеърияти ва насри<sup>35</sup> баҳсини чуқурроқ ўрганишни лозим топдик.

“Ас-Саъалибий насрнинг афзалликларини ёзди ва унга қарши Ибн Рашиқ шеърнинг афзаллиги юзасидан жавоб қайтарди”<sup>36</sup>. Ас-Саъалибий ўз хукмини шундай ифодалайди: “Ёзувчиларнинг даражаси шоирларникидан баланд бўлган ва шундай давом этмоқда. Дарҳақиқат, ёзувчиларнинг тиллари бу шоҳларнинг тилларидир, фақат солиқ йиғиш, чегараларни мустаҳкамлаш, шаҳарда бинолар қуриш, фасод-бузғунчиликни тўғрилаш, фай’ат-ўлжа бўйича далил-исботлар тақдим қилиш, ҳамжихатликка чорлаш ёки фирқаларга бўлиниб кетишдан қайтариш, турли муносабатлар билан табриклаш, фалокатда ҳамдардлик билдириш, аҳамияти улуғ юмушлар ва энг кўп мурожаат қилинадиган ҳар қандай ишларнинг нимаики шакли бўлса барчаси наср аҳли тилида эди. Одамларнинг унга эҳтиёжи катта бўлган ва бу наср кўп ибратларга, билимларга эришишни истаганларнинг тилидир”<sup>37</sup>.

3. Муборак ас-Саъалибийнинг наср ҳақидаги фикрларига қўшилишини билдирар экан, бу борада хатолик борлигини ҳам инкор этмайди: “наср шарофати билан идоравий, сиёсий ва ҳаётий манфаатларга ишора қилинади. У (наср) уруш ва тинчлик, тижорат ва зироат, саноат (хунармандчилик) ва яна ободончилик ишларини тушуниш учун жуда мақбул воситадир. Хатолиги

<sup>35</sup> Изох: Тадқиқ қилинаётган даврларда наср тушунчаси, асосан, хитобаларга нисбатан ишлатилган.

<sup>36</sup> Мубарак З. Кўрсатилган асар. – Б. 20

<sup>37</sup> 3-2. نثر النظم و حل العقد، ص 3.

шуки, ас-Саъалибий насрга шеъриятга хос бўлган жиҳатлар билан таъриф беради, бирдамликка даъват ва фирқаларга парчаланиб кетишдан қайтариқ, инъомлар билан табриклаш, фалокатларга ҳамдардлик билдириш каби мавзуларни ҳам насрга тааллуқли қилиб келтирадики, булар насрдан кўра эҳтирос ва ҳис-туйғуларни ифодалашда, қалбларни забт этишда устун бўлган шеърият учун муносиб воситадир”<sup>38</sup>. Бироқ биз бу ўринда кейинги бобларда араб хитобаларидаги шеъриятдагидан қолишмайдиган поэтик хусусиятларни кўрсатиш орқали З. Муборакнинг фикрларига зид равишда бундай мавзулар хитобалар орқали ҳам маромига етказиб тасвирланиши мумкинлигини қайд этамиз.

Таъкидлаш лозимки, биз ўрганаётган босқичда ёзувчи ёки адиб ёки насрнавис тушунчасини араб адабиётида илк ўрта асрларда, хусусан, жоҳилият даври адабиёт аҳли тушунчасига тенглаштириш у қадар тўғри эмас. Бу даврларда асосий наср турлари халқ оғзаки адабиётига қўшимча равишда, хитобалар бўлгани сабабли *хатиб* атамасини наср вакилига нисбатан ишлатиш мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Ал-Қалқашандийнинг фикрича, наср мавзулари раъиятни бошқарувчилар ва халқ манфаатларининг асосидир, бундай мавзулар шоҳларнинг ёзишмаларини, дин ишида энг яхши вазифа нима эканини, вазиятга энг муносиб амал қандай бўлиши кераклигини тингловчиларга, ўқувчиларга етказишни ўз ичига олар ва бунга қилич ҳукмдорлари ва қалам аҳлининг ёзишма хитобалари ҳам қўшилар эди”<sup>39</sup>.

Абу Ҳилол ал-Аскарӣ шеър ва хитобага ас-Саъалибийдан кўра кўп диққат қаратган. Унинг фикрича, араб адабиётида ёзув пайдо бўлгандан кейин юз очган рисоалар бунгача мавжуд хитобалар билан шаклдош, яъни бир нарсанинг нусхаларидир (бири иккинчисининг шаклидир, дейилмоқчи), уларнинг ҳар иккисиде калом қофия ва вазнга итоат этмайди, қолаверса, сўзлар ва оҳангдорлик жиҳатидан шаклдошлик бор. Хатиб – нотикларнинг

<sup>38</sup> Мубарак З. Кўрсатилган асар. – Б. 27.

<sup>39</sup> القلقشندي، أحمد ابن علي، كتاب صبح الأعشى، ج 1، ص 58.

сўзлари тушунилиши осонлиги ва ёқимлилиги билан ёзувчиларникига ўхшайди (яъни хитобаларнинг оҳангдорлиги котибларнинг рисолаларидаги оҳангдорлик кабидир). Бунда хитобанинг фақат оғзаки, рисоланинг ёзмалигидан бошқа фарқ йўқ. Рисоладан хитоба, хитобадан рисола ижод қилинади. Фақат хитобадан кўра рисола осонроқ ёзилади, аммо шеърнинг хитобага, хитобанинг шеърга айланишида анчайин машаққат бор<sup>40</sup>. Абу Ҳилол ўз асарида шеърят ва насрни санъат ва таъсир жиҳатидан таҳлил қилар экан, охир оқибат наср – султоннинг мадори, шоирдан эса гўзал каломдан ортиқ нарсга талаб қилинмайди, деган фикрга келади<sup>41</sup>. Аммо рисолалар ва хутбаларнинг ўзаро яқинлиги ва фарқлари, назаримизда, яна бошқа бир илмий иш мавзуси бўла олади.

Айни боб бевосита араб адабиётида хитобанинг мақоми, унинг илк ўрта асрлардаги тараққиёт босқичларини тадқиқ этишга бағишланганининг асосий сабаби – араб хитобаси ҳақидаги турли қарашлар, хусусан, бу қадим араб сўз санъатининг мавжуд бўлганлиги ёхуд унинг илк адабий жанр сифатида эътироф этилиши кераклиги борасидаги баҳс-мунозараларга аниқ илмий исбот-далиллар тақдим этишдир. Шу боис ҳам хитобаларнинг манбаларига ҳам тўхталдик.

Маълумки, арабларнинг қадим адабиётидан дарак берувчи илк икки адабий тур: шеърят ва насрдан қадим шеърят намуналари араб қадим насрига нисбатан кўпроқ ҳажмда ҳозирги кунгача етиб келган. Эҳтимол, худди шу омил қадим араб шеърятининг айни даврлар араб адабий насридан кўра кўпроқ, ҳар томонлама пухта тадқиқ қилинишига сабаб бўлгандир. Аммо “бизда хитобанинг жоҳилият даври арабларининг турли мажлис-йиғинларида шеър каби кенг қўлланилгани, унинг шеърдан баланд мақомда бўлгани ҳақида маълумот йўқ”<sup>42</sup>.

---

<sup>40</sup> Қаранг: шу манба. – Б. 23.

<sup>41</sup> ابو هلال العسكري، كتاب الصناعتين: الكتابة و الشعر، ص 103.

<sup>42</sup> الوسيط في الأدب العربي و تاريخه، تأليف الشيخ أحمد الإسكندري و الشيخ مصطفى عناني، ص 19.

Илк ўрта асрлар араб хитобаларининг аксар қисми бизгача етиб келмаганининг асосий сабаби зикр қилинган давр ровийлари учун қофия ва вазнга эга бўлган, ёдланиши осон, шеъриятдан фарқли равишда, бундай қонуниятлари кўп бўлмаган оғзаки наср анъаналари асосида асрлар оша тилдан тилга кўчиб келишга қийинчилик туғдирганидир. Қолаверса, қадим жоҳилият даврларидаёқ арабларнинг Указ бозорида ҳар йили ўтказиладиган машҳур кўргазмаларида айна шундай меъёрлар асосида кўпроқ шеърият намуналари кўп сонли тингловчиларга тақдим қилинган, хотираси яхши кишилар, баъзан эса мусобақада иштирок этаётган шоирларнинг махсус ровийлари шеърларни қайта-қайта такрорлаб, Арабистон ярим оролининг турли бурчакларидан келганлар хотирасида қолдиришга ҳаракат қилганлар ва шу йўл билан жоҳилиятда шеърларнинг кенг тарқалиши ва машҳур бўлишини таъминлаганлар.

Шунга қарамай, исломгача бўлган давр хитобаларида ҳам ўзича мавжуд вазн ва қисман қофия (сажъ)нинг қўлланилгани уларнинг бизгача етиб келишига имкон яратган. Мавзуга оид адабиётларни ўқиш, илк ўрта асрлар араб хитобалари манбаларини тадқиқ қилишдан исломдан аввалги даврлар араб хитобаларининг жуда катта қисми йўқолиб кетгани маълум бўлди. Бу эса айна давр хитобалари билан токи улар ёзма ҳолга келгунча орада узоқ вақт ўтганидандир. Албатта, илк ислом ва айниқса, уммавийлар ва илк аббосийлар даврларига тааллуқли бўлган юзлаб хитоба матнлари бизнинг кунларимизгача етиб келган, бироқ бу хитобаларни исломгача бўлган даврда мавжуд бўлган жоҳилият даври хитобаларига нисбатан жуда кам деб фараз қилиш мумкин. Ал-Жоҳиз таъкидлаганидек, бизгача илк арабларнинг “фавқуллодда ижод маҳсули бўлган адабий асарлари – хитобалар парчалари, ражаз вазнида айтилган турли тортишувлар ҳамда туяларни ҳайдаш чоғида айтиладиган кўшиқларгина келган. Бироқ бу қадим араб адабиёти намуналари қандай бутуннинг парчалари, қолдиқлари экани булутлардан ёғадиган ёмғир

томчилари сонини ва дунёдаги қум зарраларининг ҳисобини фақат ўзи билгувчи ёлғиз Аллоҳгагина маълумдир”<sup>43</sup>.

Илк ўрта асрлар араб хитобаларини ўрта асрлардаёқ жамлаган ёки улар ҳақида батафсил маълумотлар берувчи манба йўқ. Аммо ўрта асрларда ёзилган турли адабий, тарихий ва фикҳий (ҳуқуқий) араб манбаларида кўплаб қадим араб хитобалари матнлари ва мавзуга оид маълумотлар: масалан, хитоба шаклидаги хабарлар (ахбар), нотиклар ҳақидаги ривоятлар ва ушбу жанр ҳақидаги танқидий фикрлар учрайди. Илк ўрта асрлар хитобаларига кейинроқ – XIX аср бошларида яна эътибор қаратила бошлади. Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, биз илк ўрта асрлар хитобалар манбаларини икки гуруҳга ажратдик:

1. Ўрта асрлар араб манбалари.

2. Замонавий араб манбалари.

1. Илк ўрта асрлар хитоба санъати, хитоба маданияти ва хитоба матнлари ҳақида энг кўп ва қизиқарли маълумот берувчи асар сифатида, аввало, ал-Жоҳизнинг “Ал-байан ва ат-табйин”<sup>44</sup> адабий-танқидий антологиясини кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Илк ўрта асрлар хитобалари манбаларига аш-Шариф ар-Розий (406/1015 в.э.) томонидан йиғилган Али бин Абу Толиб хитобаларининг тўплами “Наҳжу-л-балағати”<sup>45</sup>ни киритиш ва уни энг машҳур хитобалар тўплами дейиш мумкин. Ибн Абу Ҳадид (655/1257 в.э.) томонидан айни асарга ёзилган “Шарҳу наҳжи-л-балағати”<sup>46</sup> Али бин Абу Толиб ва бошқа илк хатибларнинг хитобаларини ҳам ўз ичига олган. Ана шундай муҳим манбалар сирасига ал-Қадий ал-Қуда’ий (454/1062)нинг “Дустур ал-маъалим ал-ҳикам ва ма’сур аш-шйам мин калам амир ал-му’минин Али бин Аби Талиб” ва яна ал-Қадий

---

<sup>43</sup> Қаранг: Qutbuddun T.Khutba. – P. 186; See: al-Jahiz (1985), al-Bayan wa-l-tabayin, ed. A.M. Harun, Cairo.

<sup>44</sup> الجاحظ عمرو بن البحر، البيان و التبيين، (1968)، تحقيق عبد السلام محمد هارون، مكتبة الجاهز، بيروت، لبنان

<sup>45</sup> الشريف الرازي، نهج البلاغة، (1993)، تحقيق العلمي، بيروت.

<sup>46</sup> ابن ابو الحديد، شرح نهج البلاغة، (1965)، تحقيق م. ا. ابراهيم، بيروت.

Абулфатх ал-Амидийнинг (550/1155) “Ғулар ал-ҳикам ва дулар ал-калим”<sup>47</sup> асарларини киритиш мумкин.

Илк ўрта асрлар араб хитобалари ўрта асрлар араб адабий антологияларида учрайди. Масалан, Ибн Абу Тоҳир Тайфурнинг (280/893) “Балағату-н-ниса’и”, Ибн Абд Раббихи ал-Андалусийнинг (328/940) “Ал-икд ал-фарид”, ал-Қа’алининг (356/967) ва аш-Шариф ал-Муртада (436/1044)нинг “Амали” асарлари, Абул Фараж ал-Исфажонийнинг (363/972) “Китаб ал-ағани”, Ибн ал-Қутайбанинг (276/889) “Уйун ал-ахбар” ва “Ал-Маъариф”, ал-Мубаррадининг (285/898) “Ал-Камил”, Абу Убайд Қосим бин Салламнинг (224/838) пайғамбарлар хитобаларини ўз ичида олган дастлабки тўплами “Ал-хутаб ва-л-маваъиз”<sup>48</sup> кабилар жуда қизиқарли ва аҳамиятли манбалар ҳисобланади.

Шунингдек, ал-Вақидий (207/823), Наср бин Музаҳим ал-Минқарий (212/827), Ибн Ҳишом (218/833), Ибн Саъад (230/845), ал-Балазурий (279/892), Ибн Аъсам ал-Куфий, ат-Табарий (314/923), ал-Масъудий (345/956) ал-Қадий ан-Нуъман (363/974) ва Ибн ал-Асирнинг<sup>49</sup> (650/1233) асарлари ҳам илк ўрта асрлар араб хитобалари манбаларидир.

Девонхона ишларини юритиш бўйича ёзилган ал-Қалқашандийнинг (821/1418) “Субҳ ал-аъша фи синаъат ал-инша”, Исҳоқ бин Иброҳим ал-Котибнинг (335/946) “Ал-бурҳан фи вужуҳ ал-байан” ва Абу Жаъфар ан-Наҳҳаснинг (338/950) “Умдату-л-катиб”<sup>50</sup> асарларида ҳам илк ўрта аср араб хитобалари матнлари ва бу адабий жанр ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Бундан ташқари, ал-Бақоланийнинг (403/1013) “Иъжаз ал-Қуръан”, Абу Ҳилал ал-Аскарининг (395/1005) “Китаб ас-синаъатайн” асарларида, Абу Ҳилалнинг “Жамҳарату-л-амсал ал-араб” ва ал-Майдонийнинг “Мажмаъу-л-

<sup>47</sup> Қаранг: الإمام محمد أبو زهرة ، الخطابة، أصولها، تاريخها في أزهر عصورها عند العرب، (1980) دار الفكر العربي، الكويت

<sup>48</sup> تيفور، ابن ابو طاهر، بلاغة النساء، (1998)، تحقيق الهنداوي، القاهرة. ابن عبد ربه، ابو عمرو الأندلسي، العقد الفريد، (1962)، مطبعة لجنة التأليف، الترجمة و النشر، القاهرة. القالي، ضيل الأمالي و النوادر، (1996)، بيروت. المرتضى، الشريف، الأمالي، (1954)، تحقيق م.أ. إبراهيم، القاهرة. الإسفهانى، أبو الفراج علي بن الحسين بن محمد، كتاب الأغاني، (1963)، الهيئة المصرية العامة للكتاب، القاهرة. المبرد، الكامل، تحقيق م.أ. إبراهيم، القاهرة. Яна қаранг: Marshall, David (1972), “Some Early Islamic Sermons,” Journal of the Faculty of Arts, Royal University of Malta.

<sup>49</sup> Қаранг: Qutbuddin, T. Khutba. – P. 176-208.

<sup>50</sup> القلقشندي، ابو عباس أحمد بن علي، صبح الأعشى، (1971)، تحقيق محمد حسين شمس الدين، دار الكتب العلمية، بيروت. الكاتب، إسحاق بن إبراهيم، البرهان في وجوه البيان (1967)، بغداد. النحاس أبو جعفر، أمدت الكاتب، (2004)، بيروت.

амсал”<sup>51</sup> мақоллар мажмуаларида, бошқа фикхий асарларда, ҳадис тўпламларида ҳам илк ўрта асрлар араб хитобаларига бағишланган кичик боблар, бўлимлар учрайди. Ибн Аттор ад-Димашқийнинг (724/1324 в.э.) “Ал-адаб ал-хатиб”<sup>52</sup> трактатида ҳам расмий хутбаларни айтувчи хатиб ва унинг хитобаси қандай бўлиши кераклиги ҳақида маълумотлар бор.

Қайд этиш ўринлики, бизгача етиб келган аксар хитобаларнинг матнлари парчалар шаклида, бунинг сабаби, юқорида таъкидлаганимиздек, ёзма ҳолга келтирилгунга қадар тўла матнларнинг йўқолиб кетганидир. Балки ана шундай парча-парча бўлиб етиб келгани боис ҳам араб хитобаларининг биздаги аксар қисми анчайин қисқа ёки илк хитобалар, аслида ҳам қисқа бўлгандир. Чунки расулуллоҳ (САВ) ҳадисларига кўра, қисқа хитобалар олқишланган. Шунга қарамай, бизда узун хитоба матнлари ва бундай хитобалар ҳам мавжудлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Узун хитобалардан бири ислом пайғамбарининг ўзига тегишли эканлиги айтилади. Икки катта хитоба “Ал-ашбах” ва “Ал-қасиъа” эса тўртинчи одил халифа Алига нисбат берилади. Муътазиллийлар уламоларидан Восил Ибн Ато<sup>53</sup> ҳам узун хитоблар айтгани ҳақида маълумотлар учрайди.<sup>54</sup>

2. Замонавий араб манбалари. Булар орасида ўрганилаётган даврлар хитобаларини ўзида жамлаган энг муҳим манба бу – Аҳмад Закий Сафутнинг уч жилдлик “Жамҳарату хутаб ал-араб” тўпламидир. Унда жоҳилият, илк ислом, уммавийлар ва илк аббосийлар даврида турли хил қабила оқсоқоллари, хукмдорлар, фирқа ва гуруҳ бошлиқлари томонидан айтилган кўплаб хитобалар жамланган.

Умуман олганда, бошқа олимлар томонидан ҳам Муҳаммад (САВ), Абу Бакр, Умар ва Алига нисбат берилган кўплаб хитоба тўпламлари, бошқа илк халифалар, Ҳусайн бин Али хитобалари мажмуалари ҳам нашр қилинган. Ҳозирги кунда нотиқлик санъатига доир араб вебсайтларда, мақола ва

<sup>51</sup> البقلاني، إعجاز القرآن (1979)، ابو هلال العسكري، كتاب الصناعتين (1981)، جمهرة أمثال العرب (1971)، الميداني، مجمع الأمثال (1959).

<sup>52</sup> ابن العطار الدمشقي، كتاب آداب الخطيب، (1996)، تحقيق م.السلیماني، بيروت.

<sup>53</sup> الخطابة في العصر الأموي، دراسة فنية وفكرية " واصل بن عطاء " أنموذجاً، جامعة العربي بن مهدي – أم البواقي، 2016-2017.

<sup>54</sup> Қаранг: Qutbuddun, T. Khutba. –P. 176-208.

китобларнинг хитоба<sup>55</sup> тарихига бағишланган фаслларида илк ўрта асрлар хитоблари матнларидан намуналарни учратиш мумкин.

## 1.2. Хитоба жанрининг илк ўрта асрлардаги тараққиёти

**Жоҳилият даврида хитоба.** Маълумки, бизгача араб адабиётининг илк жоҳилият даври намуналари етиб келмаган. Шу сабабли “бирон киши араб адабиёти тилининг тарих бошланган замонларгача қандай бўлгани ҳақида буни аниқлашга ёрдам берувчи омиллар камлиги сабабли баҳс қилолмайди ёки араблар ҳатто иккинчи жоҳилият<sup>56</sup> давларигача жаҳолатга, тартибсизликларга фарқ бўлганлар; арабларнинг Ҳижоз, Шом, Нажд каби қатор ҳудудларда босқинчилик, талон-тарожчиликдан бошқа ишлари бўлмаган деган тахминлар учун исбот – далил бера олмайдилар. Бунга сабаб, бизга етиб келган араб тилининг бошқа тиллардан фарқ қилувчи муҳим хусусиятлари бу тил соҳиблари гарчанд саҳрома-саҳро кўчиб юрган бадавийлар бўлсаларда улар юксак даражадаги ақлий тараққиётга эга бўлганликларидан далолат берилишидир”<sup>57</sup>.

Исломдан аввал ҳар қандай билим ёхуд маълумотни эслаб қолиш ва келажак авлод учун сақлаш шакли оғзаки бўлган – хотираси кучли ровийлар хизмати туфайли кўҳна маълумотлар асрлар оша тилдан-тилга ўтиб келган. “Ҳатто ҳозирги кунгача ҳам шаҳар атрофи аҳолисининг ижтимоий ҳаётида жуда муҳим ва амалий мавқега эга шеърият қадим Арабистонда маълумот узатиш учун асосий восита бўлган, бироқ қофияли наср – сажъ ҳам ишлатилган”<sup>58</sup>. Бундан жоҳилиятда маълумот узатишнинг ва адабиётнинг асосий кўриниши шеърият ва қофияли сажъ бўлганлиги ойдинлашади.

<sup>55</sup> Қаранг: الإمام محمد أبو زهرة ، الخطابة. أصولها، تاريخها في أزهر عصورها عند العرب، (1980)، دار الفكر العربي، الكويت. فياض، نيقولا، الخطابة، (2012)، مؤسسة هنداوي للتعليم والثقافة، القاهرة. الدكتور إسماعيل علي محمد، فن الخطابة ومهارات الخطيب، (2016)، دار الكلمة للنشر والتوزيع، القاهرة.

<sup>56</sup> Изох: Журжи Зайдон жоҳилият даврини иккига бўлади: 1. Қадим аср ёки биринчи жоҳилият- милоддан аввалги асрлардан милоднинг 500 йилларигача. 2. Иккинчи жоҳилият- 500 йилдан 622 йилгача яъни ислом келгунгача бўлган давр.

<sup>57</sup> جرجي زيدان، تأريخ آداب اللغة العربية، ص 36.

<sup>58</sup> Қаранг: Arabic literature to the end of the umayyad period The Cambridge history of arabic literature © Cambridge University Press 1983. – P.115.; Qutbuddin T. Кўрсатилган асар. – Б.201

Қофияли сажъ атамаси остида араб нотиклик санъати намунаси – хитоба назарда тутилган.

“Гарчанд бизгача арабларнинг жоҳилият даврлари шеъриятдан намуналар кўп етиб келган бўлса-да, насрий калом ҳам санъат даражасида мавжуд эди. Арабларда жоҳилият даврида баъзи маиший ишлар тартиботи, яъни одамларни манфаатли ва фойдали иш учун жалб қилиш, низолашган томонлар орасини ислоҳ қилиш насрий калом орқали бўлган ва у “муҳодаса” – сўзлашув ёки “тахотуб” ўзаро хитоблашув деб аталган. Сўзга чечан, ақлли, фасиҳ кишининг муҳим иш юзасидан жамоатга айтадиган хитоби ёки муурожаати хитоба деб юритилган”<sup>59</sup>.

Албатта, хитобанинг тараққиёт босқичлари ва шаклий-мазмуний томонида юз берган ўзгаришларни аниқлаш учун илк ўрта асрларнинг ҳар бир даврида унга таъсир ўтказган ижтимоий, маиший омилларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

“Жоҳилият даври араб қабилаларининг асосий қисми саҳроларда яшаган, бироқ уларда ҳаётларини тартибга солувчи, назорат қилувчи умумий қонунлар, давлатчилик асослари йўқ эди. Бадавийларни ташвишлантирадиган биринчи муаммо кўшни қабилаларнинг босқинлари эди. Бундан ташқари, инсоннинг руҳияти, кайфиятини тасвирлаш, уларнинг молу-жони, хоҳиш-истакларини ҳимоя қилиш, тилда насл-насаб учун рақобатлашиш, ўзини мақташ, ўзидан фахрланиш, фазилат соҳиблари эканликларини исботлаш қабиларда улар сўз санъатига эҳтиёж сезардилар. Хитоба улар учун зарурият бўлиб, туғма ҳам эди”<sup>60</sup>.

Араб халқи кундалик нутқ шакли намунасидан бадиий етук нотиклик намунасига айланган хитоба, маълум бўладигани, саҳройи бу халқнинг фазилатлари, ўзининг насл-насаби, ғалабалари, уларни қийнайдиган муаммолар, баъзан бахтиёр қиладиган ҳолатларни нутқда маҳорат билан ифода этишдан завқланишига ҳам бориб тақалади.

الوسيط في الأدب العربي و تاريخه، تأليف الشيخ أحمد الإسكندري و الشيخ مصطفى عناني، ص 19.

<sup>60</sup> Юқоридаги манба. – Б. 21.

Жоҳилият даври араб хитобаси узун ёки қисқа бўлган, уни исталган жойда айтиш мумкин эди. Асосан, хатиблар хитобада қисқаликка, ихчамликка интилишар, тингловчиларда эстетик таъсир қолдирадиган сўз ва ибораларни танлардилар. Чунки бундай хитоба ёдда осон қолар ва узоқ ҳудудларгача ёйилиб кетарди. Қисқа шакл орқали катта мазмун англантишга диққат қилинар, шу боисми хитобаларда кетма-кет машҳур мақоллар, ҳикматлар, насихатлар келтириларди.

Жоҳилият даврида хатиблар никоҳ хутбаларидан бошқа ҳар қандай хитобани айтишда овозининг узоқ масофага етиши, тингловчига таъсир ўтказганини кўрсатиш ва буни кўриб туриш, юз ифодаси, айниқса, қўл ҳаракатларининг ҳаммага кўриниши учун баланд жойда тик турган ёки отуловда ўтирган ҳолда хитоб қилиниши одат тусига кирган эди. Баъзан муҳим хитобаларда найза ёки камон, таёқ ёки ҳассага суянилари, ишора қилинар эди”<sup>61</sup>.

Жоҳилиятдаги хитобалар ҳақида айтилган “агарда хитобанинг таянчи Қус Бин Саиданинг хитобаси бўлмаганда эди, дунёдаги барча жонзотлар, одамлар бу мавқе – санад учун ўзаро рақобатлашган бўларди<sup>62</sup> – деган фикрлар хитобага асос, пойдевор жоҳилият даврида яшаган Қус бин Саида ал-Иядийнинг хутбаси билан кўйилганини кўрсатади. Жоҳилият даври хитобалари, сўз усталари, балиғ ва фасих хатиблар ҳақидаги эътирофларни бошқа манбаларда ҳам учратиш мумкин.

Мавзу юзасидан изланишларимиз натижалари ҳамда юқоридаги қарашларга таянган ҳолда жоҳилиятда араб халқининг айнан насрий каломга, хусусан, хитобага эҳтиёжи уларнинг энг оддий кундалик, маиший мавзулари, муаммолари юзасиданлигини ҳисобга олсак, хитобаларнинг шеърлардан миқдори кўп бўлгани маълум бўлади. Жоҳилият даврининг биз билган шоирлари жуда кўп эмас, эҳтимол, хатиблар кўп бўлгандир. Жоҳилият давридан хабар берувчи манбаларда, аниқ хатиблардан ташқари, исми шарифи

<sup>61</sup> Қаранг: الوسيط في الأدب العربي و تاريخه، تأليف الشيخ أحمد الإسكندري و الشيخ مصطفى عناني، ص 22-23. <sup>62</sup> القلقشندي، صبح الأعشى، ص 211.

йўқ, аммо ҳукмдорлар олдига келиб, юксак хутбалар айтган кўп сонли элчилар ёки мартабаси улуғ маъжусий қоҳинлар ҳақида маълумотлар мавжуд. Бу хутбаларнинг шакл ва мазмун жиҳатидан етуклигидан хатиблар сонининг кўп бўлганини ақл ҳам, мантиқ ҳам инкор қилмайди.

Жоҳилият даври хитобаларининг турлари, кимлар томонидан кимларга айтилгани ҳақидаги маълумотларни қуйида жадвалларда кўрсатиб ўтамыз.

**Жоҳилият даври хитобалари типологик жадвали (1-жадвал)**

<b>Хитоба айтилган давр</b>	<b>Хитоб а тури</b>	<b>Хитоба айтиш муносабати</b>	<b>Хитоба айтувчилар</b>	<b>Хитобани тингловчилар</b>
<b>ЖОҲИЛИЯТ</b>	<b>СИЁСИЙ</b>	“Аййамул-араб”да келтирилган жанглар	Қабила бошлиқлари, қабиланинг нуфузли, ҳурматли кишилар	Маълум бир қабила ва унинг уруғлари аъзолари
		Таъзия-ҳамдардлик, таҳни’атабриклаш	Қабила элчилари гуруҳлари вакиллари	Шоҳлар, сарой аъёнлари, қабила бошлиқлари, нуфузли аслзодалари
		“Са’р” – хун ҳақидаги музокаралар	Қабила бошлиқлари, махсус хатиблар, қабиланинг нуфузли, ҳурматли кишилари	Икки ёки ундан ортиқ қабила бошлиқлари, қабиланинг нуфузли, ҳурматли кишилари
		Ижтимоий мавқе учун	Бир қабила ичидаги муайян мақом (раҳнамолик)	Маълум бир қабила ва уруғ аъзолари

		тортишувлар (мунафара)	учун даъвогарлар	
		Насл-насабга оид ҳукмлар чиқариш	Қабила бошлиқлари, қабиланинг нуфузли, ҳурматли кишилари	Қабила бошлиқлари, томонлар вакиллари, муҳолифлар, коҳинлар
		Шоҳ ва араб қабилалари и элчилари, отанинг фарзандлари билан турли мавзудаги савол-жавоблари (муса’ала)	Лаҳмий шоҳ Нуъмон бин ал-Мунзир, Кисра ва вуфуд ал-араб - араб-қабилаларидан юборилган элчилар, қабила донишмандлари ва уларнинг фарзандлари	Шоҳ аъёнлари, қабила бошлиқлари, турли элчилар гуруҳлари; муайян қабила ва унинг аъзолари
<b>“Сажъ ал-куҳҳан”</b>				
<b>ЖОҲ ИЛИЯТ</b>	<b>КОҲ ИНЛАР</b>	Тушларни башорат қилиш	<b>КОҲ ИНЛАР</b>	

		Келажакни и башорат қилиш		Маълум бир қабила ва унинг уруғлари аъзолари;
		Турли ижтимоий -маиший масалалар бўйича ҳукм чиқариш		Икки ёки ундан ортиқ қабила бошлиқлари, қабиланинг нуфузли, хурматли кишилари; баҳслашаётган томонлар вакиллари, муҳолифлар, шоҳлар
		Билим ва зеҳнда ўта топқирлик ни намойиш этувчи қадимий анъаналар		Қабила аъзолари, ўз арзини айтишга келган ҳожатманд омма вакиллари

Ушбу жадвалга қўшимча тарзда жоҳилиятдаги тағлиб ва бақр қабилалари ўртасида хун талаби 40 йил давом этгани, бу са’р-хун тўлаш ҳақидаги музокаралар эрамизнинг 494-534 йилларида Басус жангини келтириб чиқаргани ва шу йиллар мобайнида қабилалараро хитобалар алмашилиб тургани фактини мисол қилиш мумкин. Қолаверса, “қабилалар ўртасидаги (“Аййаму-л-араб – Арабларнинг кунлари”га киритилган) жанглар ва урушлар арабларни руҳлантирувчи, жангга чорловчи ҳарбий хутбалар яратилиши учун жуда самарали муҳит яратган”<sup>63</sup>.

<sup>63</sup> Qutbuddun T.Khutba. – P. 193.

Тадқиқотларда жоҳилият даври “сажъ ал-куҳҳан” (коҳинлар сажъи) ҳақида шундай дейилади: “жоҳилиятда қонун асосида иш кўриладиган ишлар коҳин ёки қозига олиб келинган. Қозилар коҳин ҳам бўлганлар. Тағут коҳинининг ҳукмлари ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Коҳинлар ўз ҳукмларини тўлалигича сажда, сирли оҳангда, нафақат риторик, баъзан тушунарсиз сўзларни баланд овозда талаффуз қилиб айтганлар. Бу нутқларда балоғат ҳам бўлган, шунингдек, коҳинлар вазият ҳамда ўша даврдаги ўрнатилган қоидаларга асосланиб, ҳукм чиқарган. Бундай хитобалар араб насрининг энг дастлабки намуналари – қабилаларнинг бой луғат ва тасвирларида сақланиб қолган”<sup>64</sup>.

**Илк ислом даврида хитоба.** Жоҳилият даврида мавжуд бўлган хитоба илк ислом даврига келиб янги руҳ, янги ғоя ва янги таъб билан ифода топа бошлади. Яъни “бутунлай янгидан барпо бўлишга интиқ турган янги жамиятда катта вазифани бажаришга ўтди. Шу маънода хитобанинг илк ислом давридаги аҳамияти ошди, халқнинг унга бўлган эҳтиёжи сабабли унинг бу даврдаги мақоми кўтарилди. Хитоба ушбу даврда қолган барча санъатлар, масалан, шеърятни ҳам ўз соясида қолдирди”<sup>65</sup>. Исломий даъват бу янги диннинг тарғиб қилиниши ва танитилиши учун энг асосий қурол, энг муҳим вазифа бўлди ҳамда айни вазифа илк ислом даври хитобаларига юкланди. Бироқ бунинг маълум мушкулликлари бор эди: биринчидан, ислом дини ҳали жаҳолат қобиғининг ич-ичида турган, кўп ҳолларда ундан халос бўлишни истамаган оммага етказилиши керак эди; иккинчидан, “хитоба бу асрга келиб, энг қадимгиларидан ҳам тараққий қилган тил амалга ошириши керак бўлган вазиятга учради: даъват қилиниши керак бўлган қавм ва уларнинг бошлиқлари ҳақиқий арабча, ишончли сўзнигина эшитадиган, балиғ калом айтилганидагина эргашадиганлар эди; араб тили илк ислом даврининг

<sup>64</sup> Қаранг: Serjeant R.B. Arabic literature to the end of the umayyad period. Early Arabic prose. – P. 115-151.

<sup>65</sup> المعوش س. القواعد المعرفية الإسلامية في أدب صدر الإسلام، ص 282.

бошларида хатибларнинг кўплиги ва хутбаларнинг мўллиги билан фахрланадиган даражада эмас эди”<sup>66</sup>.

Ислом пайғамбари ўз кавмига юзланиб, инсониятга ҳидоят қилиб йўлланган ушбу динни одамлар қабул қилиши учун даъватларида ва сўзларининг ҳақлигига уларни ишонтиришда асосий восита сифатида айнан хитобани танлаган эди.

Шундан сўнг расулуллоҳ (САВ) ва унинг атрофидаги саҳобалар, ансорлар ҳам бундай вазифани амалга оширишда ёрдамга келдилар. Улар тилидаги хитоба “буюк вазифа юклатилган даъват қуролига айланди, у орқали одамларга янги диннинг моҳияти тушунтирилди, бу дин даъват қилаётган қонун-қоидалар, мисоллар баён этилди, тушунилмаган жойлари изоҳланди; одамлар уни ёқтириб қолдилар; (хитоба) уларга ҳидоят ва ҳақиқат, эзгу ишлар ва мулоҳазакорлик йўлини кўрсатар, унга хусуматда бўлганлар билан муаммоларини ҳал этар ва унга қарши бўлганларнинг ноҳақлигини исбот қилар эди”<sup>67</sup>.

Қуръони каримнинг нозил бўлиши, ҳадиси шарифнинг пайдо бўлиши жоҳилиятда ҳатто мавжуд бўлмаган янги ақидалар ва жамият қоидаларини шакллантирди ва ислом келиши билан мусулмонлар янги ақидалар томон қадам ташладилар, жоҳилиятда ҳукмрон бўлган хурофотлардан узоқлашдилар. “Илк ислом даврига келиб, хитобаларнинг мавзулари улар бажарадиган вазифаларга қараб ўзгарди. Бунда, энг аввало, хитоба тили исломий воқеликни кўрсатиши, исломий ҳаёт ривожига ҳамоҳанг бўлиши, исломий жамиятдаги вазият ва шу билан боғлиқ омилларни ҳисобга олиши керак эди”<sup>68</sup>.

Илк ислом давридан бошлаб, хитоба тили Қуръони карим ва ҳадиси шарифдаги мукамалликка эргаша бошлади. Қуръон “араб тилини ибo-ҳаёга

<sup>66</sup> الهاشمي؛ جواهر الادب في أدبيات و إنشاء اللغة العربية؛ ص 481-482.

<sup>67</sup> الخفاجي؛ الأدب العربي و تاريخه في العصرين الأموي و العباسي؛ ص 117-118.

<sup>68</sup> QutbuddinT. Khutba. – P. 200.

тўла ажойиб лафз билан билан тарбиялади, балоғат ва баённинг энг ажойиб услуби устига қоим қилди”<sup>69</sup>.

Илк ислом даври хутбаларининг асосий турлари бу – сиёсий, диний-сиёсий ва ижтимоий нутқлар бўлган, ҳар жума ва ҳайитда ислом анъанавий ваъзалари сифатида айтиладиган хутбалар ҳам хитобалардир.

Илк ислом даврига келиб, мусулмонларни дунё ва охират учун яхши аъмоллар қилишга чорловчи, тўғри йўл кўрсатувчи ваъзалар – диний хитобалар кўпайди. Ислом анъаналари, унинг шаръий қонунларини ўзига дастуриламал қилган хитобалар шарофати билан араблар ўзаро хусуматдаги қабилалардан бир-бирларига раҳм-шафқат ришталари билан боғланган ягона жамоага айландилар.

Ҳар бир фирқа, жамоа бирон ишни бошқариши, ўзининг ҳақлигини исботлаши учун ўз хатибларига эга бўлди ва сиёсий хитобалар мавзуларининг асосини ташкил этдилар. Аммо кўп ҳолларда сиёсий хитобалар ҳам диний хитобаларга яқинлашиб қолар эди.<sup>70</sup> Бу давр хитобаларининг яна бир мавзуси сифатида расуллулоҳ (САВ), халифалар, турли қабилалар номидан юборилган элчиларнинг табрик ёки ҳамдардлик билдириб, мадҳ ёки шикоят қилиб, ўзлари ва қавмларининг ҳожатларини ифода этган нутқларини кўрсатиш мумкин. Айни тур хитобалар араблар ҳаётидаги ижтимоий мавзуларни ҳам қамраб олган эди.

#### Илк ислом даври хитобаларининг типологик жадвали (2-жадвал)

<b>Хитоба айтилган давр</b>	<b>Хитоб а тури</b>	<b>Хитоба айтиш муносабат и</b>	<b>Хитоба айтувчилар</b>	<b>Хитобани тингловчилар</b>
-------------------------------------	-------------------------	---	------------------------------	----------------------------------

<sup>69</sup>. ضيف، شوقي، تاريخ الأدب الإسلامي، ص 33.

<sup>70</sup>. Route educational and social Science Journal. Volume 5. – P. 164. الهامضاني، خصائص النثر الإسلامي: الخطابة إنموزخا.

ИЛК ИСЛОМ	ДИНИЙ-СИЁСИЙ (диний маросимлардаги ҳам киради)	Ислом динига даъват	Ислом пайғамбари-расулуллоҳ (САВ); унинг саҳобалари, одил халифалар (айниқса, Али бин Абу Толиб); қабила ларнинг диний-сиёсий етакчилари, бошлиқлари, руҳий, нуфузли, хурматли кишилар, мусулмонлар элчилари жамоалари вакиллари	Қурайш қабиласи, унинг бани Ҳошим уруғи, қўшни мамлакатлар шоҳлари, уларнинг аъёнлари, қабила бошлиқлари, турли элчилар гуруҳлари; муайян қабила ва уларнинг аъзолари, хитобатинглашни истаган ҳар қандай киши
		Исломий-жума ва ҳайит байрамлари: мўл-кўл ёмғир сўраш-“истисқо” хутбаси	Расулуллоҳ (САВ), одил халифалар, исломий ҳукмдорлар	Хитобани тинглашни истаган ҳар қандай киши
		Фикҳий, турли диний,	Ислом пайғамбари, мусулмонлар орасидаги нуфузли	

	хуқуқий масалалар	кишилар, илк мусулмон қўшинлари	Хитобани тинглашни истаган ҳар қандай киши, қабилалар, ислом қўшини
	Исломни кенг ёйиш учун жангларга даъватлар	рахнамолари, махсус жангчи хатиблар	

Исломни англаб етган арабларнинг тили исломгача шеърият ва наср тили бўлган арабий калом эришгандан кўра, хитобалар, рисоалар ва сўзлашув-мулоқот қабиларда юқорироқ даражага кўтарилди. Бунинг сабаби “исломни идрок этганлар башариятни лол қолдирган юқори даражадаги Қуръони карим ва ҳадислар тилини тинглашганидан эди”.<sup>71</sup> Хитобаларнинг илк ислом давридаги мақомини таҳлил қиларканмиз, Қуръони каримнинг Арабистон ярим оролидаги мусулмонлар ўртасидаги мулоқот, хитоб тилини бирлаштирганлиги ҳақиқатини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни лозим топдик.

Илк ислом даври хитобаларининг жоҳилият даври хитобаларидан фарқи – хитобаларнинг қандай пайтда, қандай вазият учун айтилишидан қатъи назар, Қуръони карим ва ҳадиси шарифдан ўринли иқтибослар келтирилиши, хитобаларнинг анъанавий таркибий қисм ва жумлалар билан бошланиши эди. Илк ислом даври хитобаларини “эшитишга жинси, ижтимоий мақомидан қатъи назар, исталган жамоа, қабиладан бўлган киши ҳақли бўлган. Аммо исломий хитобаларни тингловчиларнинг аксар қисми диний, ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий нуфузга эга эркаклардан иборат эди”<sup>72</sup>.

Ўрта аср араб адабиёти танқидчилари исломий хатибнинг хутба айтиш чоғида ўзини тутиши ва ташқи кўриниши масалаларига ҳам эътибор қаратган. Масалан, “хатиб баланд ва ёқимли овозда сўзлаши, гавдасини бир хил ҳолатда узоқ вақт тутиб тура олиши лозим бўлган. Хутбада тушунилмайдиган,

عبد الرحمان بن خلدون، مقدمة ابن خلدون، ج 3، ص 315.71

النص إحسان، الخطابة العربية في عصرها الذهبي ص 337-340.72

маъноси ноаниқ сўзларни ишлатиш, овознинг паст ва журъатсиз чиқиши, хутба пайтида йўталиш, бурун тортиш, соқолни ушлаш ман этилган”<sup>73</sup>. Ислом хатиби тингловчилар уни яхшироқ кўриши ва эшитиши учун баланд жойда турган: доим тик туриб ёки минбарда нутқ сўзлаган<sup>74</sup>.

**Уммавийлар даврида хитоба.** “Хитоба жанри уммавийлар даврида жуда ривожланди: араблар бунгача хитоба жанри айна тараққиётини кўрмаган эдилар. Айна шу даврда араблар бадий таъбир санъатида катта қобилият соҳиби эканлигини намоён қилдилар”<sup>75</sup>.

Бу даврга келиб, хитоба уммавийлар давлати “тили”га айланди. Мақоми шу қадар юксалдики, буни ушбу даврга тааллуқли қуйида келтириладиган тарихий-сиёсий жараёнларсиз тўла тушуниб бўлмайди. “Бани уммайя асри вужудига кўплаб жароҳатлардан шикаст етган аср эди. Бу шундай аср эдики, гўё одил (рошидун) халифалар ҳукмронлигидан сўнг дарҳол катта узилиш содир бўлгандек, ҳатто оддий халқда ислом дини набий (САВ) ва рошидун халифалардан кейин мавжуд бўла билмаса керак деган ўй ҳам бор эди. Аммо фатҳлар рўй бериб, Мадинаи Мунавварага форс ва рим маданиятлари билан қоришган янги тараққиёт – тамаддун кириб келди ва ислом ҳам бу маданиятлар олдида ўзгармай қола олмади. Шунда расулуллоҳ (САВ) саҳобалари ўртасида ихтилоф чиқа бошлади. Бу низо Али бин Абу Толиб ва Муовия бин Абу Суфён (радияллоҳу анҳума) муносабатларида намоён бўлди. Улардан биринчиси исломга садоқат тимсоли бўлса, иккинчиси ҳар соҳада рўй берган Рим маданияти таъсирини ифода этарди”<sup>76</sup>.

Дарҳақиқат, уммавийлар даври шиддатли сиёсий кураш ва норозиликларга тўла бўлган, бу эса, ўз навбатида, ўзаро ихтилофдаги фирқа ва гуруҳларни юзага келтирганди. Алоҳида эътироф этиш лозимки, бу даврда диний ва сиёсий ҳаёт ўртасида кучли боғлиқлик бор эди. Уммавийлар давридаги нобарқарорлик ва низоларнинг янада кескинлашувига, бир

<sup>73</sup> النص إحسان، الخطابة العربية في عصرها الذهبي ص 337-340.

<sup>74</sup> Юқоридаги асар. – С. 20.

<sup>75</sup> شوقي ضيف، العصر الإسلامي، ص 484.

<sup>76</sup> محمود شاكر، التاريخ الإسلامي، الخلفاء الراشدون، ج 6، ص 5.

томондан, ўзларини Усмон бин Аффон меросхўрлари деб билган уммавий оиласига яқин уруғлар, қабилалар; иккинчи томондан, халифаликка расулуллоҳ (САВ) қабиласи бани Ҳошимдан чиққан Али бин Абу Толибнинг фарзандлари ҳақли деб жанг қилаётган имом Али саҳобалари бўлган шиалар сабабчи эдилар. Шиалар уммавийларнинг ашаддий душманлари бўлиб, уммавийларнинг ҳукмларига куч билан қаршилик кўрсатарди; учинчи томондан, халифалик тахтини бошқаришга уммавийлардан кўра илк саҳобаларнинг фарзандлари ҳақли деб ҳисоблайдиган Абдуллоҳ бин аз Зубайрнинг тарафдорлари – Зубайрийлар бор эди.<sup>77</sup> Бундай маълумотларни келтиришдан мақсад эса уммавийлар давридаги гуруҳлар, гуруҳлар ичидан ажралиб чиққан жамоаларнинг кенгайиши, тарафдорларини кўпайтириш учун уста нотиклар хизматига муҳтож бўлганлигини кўрсатишдир.

Умуман, бу давр хитобалари шу воқеликнинг кўзгуси сифатида “диний, сиёсий, ҳарбий ва бошқа мавзуларда эди. Ҳар бир фирқа, ҳар бир жамоанинг нотиклари – хатиблари бўлган”<sup>78</sup>.

Бу давр хитобалари ва унинг муаллифлари ҳақида М. ат-Тоҳир Дарвеш шундай ёзади: “Шиалар, уммавийлар ва хаворижлар<sup>79</sup> – сиёсат майдонидаги курашчилар сифатида кескир, қудратли ва доим тайёр қуролга бўлган эҳтиёжларини хитобада топдилар. Хитоба жанри ҳам ана шундай хилма хил хизблар муҳитида ўзини озиклантирадиган, камолга етказадиган, юксалтирадиган муҳитни топа олди. Натижада сўзи ўткир хатиблар пайдо бўлди. Уларнинг сўз санъатидаги мақоми янада юксалди ва адабиёт тарихи уларнинг номини кўзни қамаштирадиган саҳифаларда белгилади”<sup>80</sup>.

Илк уммавийлар даврида ёзув ҳали ўз такомилига эришмаганлиги, чекка ўлкалар билан алоқа қилишнинг ёзма тарзи ҳали йўлга қўйилмаганлиги сабабли воқелик фақат асл арабларга хос оғзаки таъбир воситаси – хитобада

<sup>77</sup> احمد امين، فجر الإسلام، ج10، ص195.

<sup>78</sup> Сафут А.З.Жамҳарату хутаб. Ж1. – Б. 212-213.

<sup>79</sup> Изоҳ:Хаварижлар орасидан ҳам яна фирқалар ажралиб чиқди, уларнинг энг машхурлари “ал-азарикату”, “ал-ибадияту”, “ас-сафрийяту”, “ан-наждату” номлари билан машхур эди.

<sup>80</sup> محمد طاهر درويش، الخطابة في صدر الإسلام.العصر السياسي، عصر دولة الأموي، ج2، ص 74-75.

акс эта бошлади ва хитоба ўлкалараро алоқани таъминлашга хизмат қилди. Шу боис ҳам хутба уммавийлар халифалиги даврида волийлар ёки уларга қарши бўлган қўзғолончиларнинг даъватларидаги асосий унсурга айланди. Ҳар бир гуруҳ ўз атрофида исломий жамоаларни бирлаштиришга, ўз мазҳабларига тарғиб қилишга, ўз таълимотларини сиёсатга жадал татбиқ этишга астойдил ҳаракат қиларди.

Ана шундай узлуксиз ва шиддатли қарама-қаршиликлар чин маънода ҳам жисмоний, ҳам маънавий тўқнашувларни тақозо этарди. Урушнинг кимнинг фойдасига ҳал бўлишида сўзнинг, даъватнинг қудрати англаб етилган эди. Албатта, уммавийлар даврининг бундай таҳликали воқелигини шеърят акс эттиришга қодир бўлмаган.

Бу асрда араб халқининг ижтимоий ҳаётида ҳам катта ўзгариш юз берди: араблар бадавий ҳаёт тарзидан маданий, тамаддуний ҳаёт тарзига ўта бошладилар. Бунинг асосида арабларнинг забт этилган мамлакатлар аҳолиси турмуш тарзини ўзлаштириши ётар эди. Бу қоришув уммавий хукмдорларнинг ҳар томонлама сиёсатни юргиза олганликларни шарофати билан иқтисод, ободончилик, меъморлик ва турли хил илмлар: исломий ва шаръий (Қуръонни ўқиш, тафсир, ҳадис ва фикҳ илми ва тилшуносликка оид наҳв, сарф, ҳаракатлар каби илмларнинг жадал ривожланишини таъминлади. Куфа ва Басра шаҳарларида сиёсий, диний ва адабий масалалар муҳокама қилинадиган мажлислар кўпайди.

Бу даврдаги хитобалар моҳиятан динга садоқат ва байъат бериш; хукмдорларга бўйсунушга аҳд беришни акс эттирар ва айтиш мумкинки, уммавийлар даври ижтимоий ва сиёсий тўлқинлари байъати эди.

Сиёсий хитобалар ушбу асрнинг энг асосий ва энг кўзга кўринган тури эди. Хатиблар – халифалар, амирлар, волийлар, қабила бошлиқларининг ўзлари эди. Уларнинг хитобалари шахс қудрати, ўзидан кибрланиш, шафқатсизликдан фахр ҳиссини туйиш билан арабий ўзига хос услубда

машхур бўлган.<sup>81</sup> Буларга кўшимча равишда яна фатҳлар; ўзга ўлкаларга юришларга руҳлантириш; жангчилар қалбида жасорат уйғотиш, шон-шараф олиш рақобатида ҳам хитобадан фойдаланилган. Уммавийлар давридаги хитобадан “худди жоҳилиятда ва илк ислом даврида жангларга, васиятлар орқали амри маъруфга, шаръий ҳукмга изох беришга ёки фатҳ, жума ва икки ҳайит байрами, ҳаж мавсуми билан табриклаш ва бошқа муносабатларга кўлланилгандек фойдаланиларди”<sup>82</sup>.

Уммавийлар давридаги хитобалар жамиятда рўй бераётган ҳар бир ижтимоий-сиёсий воқеликни айна ўша воқелик руҳи билан намоён этарди. Масалан, уммавийлар гуруҳи (уммавийлар халифалигини қўллаб-қувватловчи катта жамоа) хитобасида ўзаро тортишувлар ва хусумат руҳи етакчилик қилди. Айниқса, уммавийлар жамоасида мантиқ руҳи: йўқдан бор қила оладиган даражадаги маҳорат мавжуд эдики, уларнинг хатиблари ўз хитобаларида ёлғонни чин, ҳақиқатни ботил қилиб кўрсата олардилар, ўз мақсадларига эришиш учун барча усуллардан фойдаланар ва инсон ҳисларига таъсир эта оладиган сўзларни топа билардилар. Диний хитобаларда фалсафа ва мунозара санъати, турли томонлар вакилларининг хитобаларида эса балоғатнинг сеҳрловчи жозибасини кўриш мумкин бўлган<sup>83</sup>. Бу жозоба шарофати билан хаварижлар чуқур диний ҳисларни қўзғатар, уларнинг хитобалари ҳақида “каломи қалбларга қуруқ ўтин ёнгандан кўра тезроқ кириб боради” дейилгани бежиз бўлмаган, шиаларнинг хитобалари борасида эса “улар диний-руҳий кечинма ва сидқ-садоқат хитобалари эди” дейилган<sup>84</sup>. Уммавийлар даври сиёсий ҳаёти хитобаларига кўчган ва бу жанр уммавийлар даврининг ҳам уруш, ҳам тинчлик учун кураш қуроли бўлган<sup>85</sup>.

<sup>81</sup>. إميل ناصف، أروع ما قيل من الخطب، ص 19.

<sup>82</sup>. أحمد حسن الزيات، الأدب العربي و تاريخه، ط 8، ص 486.

<sup>83</sup>. بلاغة النثر في عصر العصر الأموي. Available at: <http://theses.uiv-oran1.dz>

<sup>84</sup>. حنا الفخوري، الجامع في تاريخ الأدب العربي. الأدب القديم، ص 360. Available at: <https://www.kutub-pdf.net.bok>.

<sup>85</sup>. عمر فارق الطباع، مواقف في الأدب الأموي، ص 22-23.

**Уммавийлар даври хитобаларининг типологик жадвали (3-жадвал)**

Хитобала р айтилган давр	Хитоба турлари	Хитоба айтиш муносабати	Хитоба айтувчилар	Хитобани тингловчила р
УММАВИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИ ДАВРИ	СИЁСИЙ: ХАЛИФАЛИК ТАХТИ УЧУН КУРАШЛАР	1. Мухасама ва муҳажара	Али бин Абу Толибнинг набиралари – ал-Ҳасан бин Али ва ал- Ҳусайн бин Али ва уларнинг тарафдорлари; илк уммавий халифа Муовия Абу Суфён ва унинг тарафдорлари	Муовия Абу Суфёнга яқин араб зодагон лари, қабила бошлиқлари, ҳарбийлар, Али бин Абу Толиб тарафдор қабилалар, хитоба айтилганда ҳозир бўлган лар
		2. Ал-Ҳусайн бин Али қатли учун қасос олиш учун курашлар	Ислом пайғамбари оиласига алоқадор қабилалар, турли жамоалар	Араб оммаси

		3. Турли фирқалар: шиалар, хорижийлар (ҳавариж), зубайрийлар вакиллари оммани ўзига байъат бердиришга даъватлари	Ҳизблар, жамоалар раҳнамолари, қабила бошлиқлари, махсус нотиклари	Араб оммаси
		4. Уммавий халифалар, уларнинг волийлари, ноибларининг ўзлари тайинланган шаҳарларда аҳоли билан учрашувлари	Уммавий халифалар, уларнинг ҳокимлари, ишчилари, тарафдорлари	Фатҳ этилган ўлкалар, халифалик тасарруфидаги шаҳарлар аҳолиси
	ДИНИЙ-СИЁСИЙ	1. Анъанавий исломий маросимлар: жума, ҳайит байрамлари 2. Дунё, охират, тақво	Ислом илми фақиҳлари,	Араб оммаси, турли араб

		каби мавзулардаги ваъзлар 3. Турли диний муносабатлар билан айтиладиган вазиятлар 4. Қўшинни жангларга руҳлантириш	донишмандлари , кабила вакиллари	кабилалари, араб қўшинлари
--	--	---	--	----------------------------------

Нафақат Макка ва Мадина каби муқаддас шаҳарлар, балки Сурия ва Ироқнинг Дамашқ, Куфа ва Басра шаҳарлари ҳам нотиклик чиқишларининг марказига айланди. Диний-сиёсий баҳслар масжидлар ҳудудидан ҳам чиқиб кетиб, бозорлар, ҳарбий қўшин қароргоҳлари ва бошқа жамоат жойларигача кириб борган. Бунинг устига, уммавий нотиклар худди Инжилдаги пайғамбарлардек ўз нутқларини тик туриб, кенг тикилган либосда, асо ушлаб айтишган<sup>86</sup>.

Уммавийлар даври сиёсий воқелиги бошқа бир адабий жанрнинг пайдо бўлишига ҳам туртки берди, яъни “арабларнинг нотиклиги таъсирида китоба – рисола ёзиш кучайди. Негаки уммавийлар даврида араблар ҳаёти ҳокимият тепасига келиш учун кучли истаклар йўлидаги сиёсий ғалаёнлар шоҳиди бўлди ва шу сабабдан сиёсий рисолалар ёзиш ҳам жуда кенг тарқалди”<sup>87</sup>.

Айни фикрнинг узвий давоми сифатида айтиш мумкинки, “кеч уммавийлар ҳукмронлигида вужудга келган ва хитоба услубини ўзида акс эттирган, оғзаки хутбадан таъсирланган, унинг вазифаларини қабул қилган

<sup>86</sup> Фильштинский И.М. Кўрсатилган асар. – Б. 244.

<sup>87</sup> Шавқий Д. Кўрсатилган асар. – Б. 484.

давлат рисолат – эпистоляр жанри китобат – ёзма шаклда бўлиб, кўп сонли тингловчилар жамоасига оғзаки йўлланганга ўхшарди. Бундай қолипдаги тақлид – хат хитоба, яъни рисола бўлган”<sup>88</sup>.

### Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Илк ўрта асрлар араб адабиётида хитоба жанри шеърият билан ёнма-ён мавжуд бўлган, ривожланган. Араб жамиятида жоҳилият даврларидаёқ шоир ва хатибнинг нуфузи ҳақида турлича (шоирники баландроқ, хатибники кўпроқ ёки иккаласиники ҳам тенг каби) қарашлар шаклланган. Мазкур қарашларга тилдан маҳорат билан фойдала олишни илоҳийлаштириш тенденцияси асос қилиб олинган.

2. Араб хитобаларида Юнон, Рим ва умуман, хорижий маданиятлар таъсири қарийб йўқ. Юнон ва Рим нотиклари, асосан, ҳақиқатни мантиқ билан, кўп далил-исбот келтириш йўли билан қарор топтиришга интиланганлар, араб хатиблари эса ўз нутқларини фавқуллодда бадий мукамал айтишга эътибор қаратганлар.

3. Жоҳилият даври хитобаларининг аниқ ижтимоий-сиёсий вазифаси бўлган, хитобаларнинг мавзуси ҳам шу вазифаларга монанд танланган. Шу сабабли ҳам қабила бошлиқлари, мўтабар инсонлар, раҳнамоларнинг ўзлари фасоҳатли ва сўзга уста хатиблар ҳисоблаганлар, баъзи қабилаларнинг алоҳида сўзга чечан хатиблари ҳам бўлган. Жоҳилият даври араб маъжусий қоҳинларининг хитобаларида тўла оҳангдорлик, муסיқийлик ва сирлиликка эришилган. Бу хусусиятлар қофияли наср – сажъ орқали таъминланган бўлиб, араб адабиёти тарихида “сажъ ал-куҳҳан” номи билан машҳур бўлган.

4. Илк ислом даврига келиб, жамият ва халқ ҳаётидаги ўзгаришларга мос равишда хитоба ҳам тараққий қилган. Илк ислом даври хитобалари жоҳилият даври хитобалари анъаналари, поэтик воситаларини сақлаб қолди, мазмун жиҳатидан янги дин руҳи, эҳтиёжлари ва талабларини акс эттирди. Илк ислом

---

<sup>88</sup> Qutbuddin T. Khutba. – P. 183.

даврига келиб, хитобанинг аниқ композицион структураси шаклланди. Ушбу давр хитобаларига Куръони карим ва ҳадиси шарифдан кучли таъсир кўрсатди, хитобаларда бу икки муқаддас манбадан иқтибослар келтириш анъанага айланган.

5. Уммавийлар даврига келиб, араб нотиклик санъати – хитоба катта тажриба орттирган адабий жанр сифатида уммавийлар даври сиёсий воқелигининг муҳим адабий жанрларидан бирига айланди. Араб халқининг азалий генетик ва ментал хусусиятларига таянган ҳолда хитоба ўз мақсад-ғоялари, истак-хоҳишлари учун курашаётган, сиёсий фирқалар, гуруҳлар, жамоалар тилида арабийзабон халққа таъсир ўтказишнинг асосий қуролига айланган.

6. Сиёсий, диний-сиёсий хитобалар билан бир қаторда дунё, ҳаёт, инсон тақво моҳиятини англашга қаратилган фалсафий хитобалар ҳажман кўпайди. Ушбу давр хатиблари орасидан кейинчалик ислом маданияти, адабиёти тарихида юксак ўрин эгаллаган мутасаввуфлар етишиб чиққан.

7. Уммавийлар даврида хитобага бўлган эҳтиёжнинг ошиши натижасида энди унинг айна ўзагида – янги адабий жанр – рисола (китобат) дунёга келди ва ривожланди.

Хитоба аббосийлар даврида ҳам адабий жанр сифатида яшашда давом этди. Аббосийлар даврида хитобага унғача бўлган даврлардагичалик эҳтиёж қолмади. Хитоба – нотиклик санъати илк ислом даврида ўзининг нуфузи ва мақомини янада оширган бўлса, уммавийлар даврида ўзининг олтин даврини бошдан кечирди. Хитоба ҳозирга қадар исломий эътиқоднинг муҳим бир қисми сифатида ҳар жума кунлари, ҳайит байрамида айтиладиган нутқлар, никоҳ хутбалари кўринишида дунё мусулмон жамиятларида яшаб келмоқда.

## II БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР ХИТОБАЛАРИ УСЛУБИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИ

### 2.1. Хитобаларнинг услубий –тематик хусусиятлари тизими

Замонлар ўтган сари ҳар қандай адабиётда янги адабий жанрлар, услублар, мавзулар, бадиий тасвир воситалари пайдо бўлади, баъзан янги давр талабларига жавоб бера олмаган услуб ёки шакллар унутилади, баъзан эски шакллар янгича рух, янгича рангда намоён бўлади. Ўрта аср араб хитобалари ҳам ўз таркиби, муҳити ва услубида ўзгаришларга учради. Бунинг биринчи сабаби хитоба айтилган ижтимоий-сиёсий воқелик, у пайдо бўлган муҳитнинг одат, анъана ва қадриятлари бўлса, иккинчи сабаби нотикларнинг янги авлоди бадиий таъбнинг янги таъсирчан жиҳатларини чуқурроқ илғай олганликларидир.

Жоҳилият даври араб шеърияси араб адабиёти тарихида айна давр араб насрига қараганда анча кенг ва чуқур ўрганилган бўлишига қарамай, машҳур рус олими А. К. Куделин фикрича, ҳали ўрта асрлар араб адабиёти, хусусан, унинг услуби тўғри ва кенг миқёсда ўрганилмаган, бугунги кунга қадар ҳам унинг арабшуносликда жуда кам ўрганилган ёки мутлақо ўрганилмаган қирралари мавжуд. “Эҳтимол ўрта асрлар нуфузли олимларининг илмий қарашларига етарли аҳамият берилмагани ёки уларнинг фикрлари тўғри баҳоланмагани учун араб адабиёти тарихи ва адабиёт назариясининг энг муҳим муаммолари ҳозирги замон олимларини ўрта асрларникидан бутунлай фарқ қиладиган талқинларга олиб боради”<sup>89</sup>.

Ўрта асрлар араб адабиёти поэтикаси билан шуғулланган бу олимнинг фикрлари, асосан, мумтоз араб шеърияси ҳақида бўлса-да, ўрта аср араб насри, хусусан, поэтик жиҳатлари қарийб ўрганилмаган араб хитобалари – хутбаларига ҳам тегишлидир. Негаки “шеърият ҳамиша араб мумтоз адабиётида етакчи бўлган”и ва бизгача намуналари насрга қараганда кўпроқ

---

<sup>89</sup> Куделин А.Б. Арабская литература: поэтика, стилистика, типология, взаимосвязи. – С. 142.

ҳажмда етиб келгани боис ўрта аср араб поэтикаси ёки поэтика қонуниятлари атамалари шеърият доирасида ишлатилган. Аммо “тарихий назм ва наср бир пайтда пайдо бўла олди ва шундай бўлиши ҳам керак эди: бунда бирининг куйлаганини иккинчиси тасвирлар эди”<sup>90</sup>.

Шу ўринда қадим араб шеъриятини тадқиқ қилган рус олимаси Б. Я. Шидфарнинг “Қабила бошлиқларининг ҳукмронлиги, қабилалараро низолар; қабилалар ўртасидаги тинчлик сулҳлари, қабила оқсоқолларининг мажлислари; қабила вакиллари кенгашлари; хун интиқоми ёки бундай қасосни товон тўлаш орқали ҳал этиш; маъжусийлар, қоҳинлар ҳукмронлиги; уларга ғайри табиий қудрат соҳиблари, табиат ва қабила худоларининг ўғиллари (фарзандлари) сифатида топинишлар тўла ҳукм сурган, уруғ қабилавий муносабатларга асосланган, маданий даражаси жуда содда араб жамияти муаллақатга ўхшаган юксак шеърият намуналарини ярата олиши мумкин эдими?”<sup>91</sup> – деган саволини ёдга оламиз. Эҳтимол, исломгача араб шеъриятида бундай ижтимоий воқелик акс этмагандир, жоҳилият шоирлари ўз ижодларини фақат ўша давр кишиси тасаввури даражасидаги лирик мавзу ва образлар билан бойитгандир. Бунга сабаб “тилга бегоналик, янгилик руҳини бериш керак, негаки одамлар ўзларига таниш бўлмаган нарсалардан таажжубланишга мойил ва бу улар учун ёқимли. Шеърият айнан шундай – реал ҳаётдан узоқ, аммо уларга ёқимли ва ҳайратланарли воқеликни акс эттирар эди”<sup>92</sup>. Бироқ Шидфар тилга олган, уруғ қабила муносабатлари жўш урган қадим араб жамияти араб насрига, хусусан, хитобаларга кўчган. Жоҳилият даври хитобалари ана шу жамиятнинг қоқ юрагидан отилиб чиққан ва ўзи туғилган воқеликни тўлалигича акс эттирган. Негаки нотиқлар хитобаларда тингловчиларига шеъриятдан бирламчи кутиладиган эстетик завқ бериш учунгина эмас, балки бирламчи мақсад тингловчиларнинг муаммолари,

---

<sup>90</sup> Веселовский А.Н. Историческая поэтика. – С. 296.

<sup>91</sup> Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.). – С. 1.

<sup>92</sup> Веселовский А.Н. Кўрсатилган асар. – Б. 270.

улар дуч келган қийинчиликларни ҳал этишга ёрдам бериш, уларнинг рухий ҳолатини ўзгартиришни мақсад қилар ва бадий-эстетик таъсир ҳамда таъбир воситаларини шу мақсад билан қўллардилар. Араб хитобалари ўз даври шеъриятдан тамомила бегона бўлмаган, уларда ҳам қадим жоҳилият шеъриятига хос оҳангдорлик, мусиқийлик муҳим ўрин тутган. Шу сабабли илк наср намуналарининг қарийб барчаси сажда битилган. Қолаверса, хитобалардаги мажозий образлар тизими ҳам айнан ўша давр шеъриятида тилга олинган табиат, олам, коинот унсурлари эди.

Хитоба услубини ўрганиш хитоба поэтикаси соҳаси учун жуда муҳим бўлиб, хитобашуносликнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ўрта асрлар хитобалари тингловчи жамоанинг даражаси, таъби, гапирилаётган вазият, нотикнинг мақсади ва хитоба мавзусига кўра хилма хилда услубда бўлган. Бу ҳақда ал-Қалқашандий “арабларда наср ва хитобага катта иноят борлиги, хутбаларнинг балоғат сирлари сақланган, ҳикматлар жамланган сандиқлар эканлиги, уларда араблар бошдан кечирган фахрли ишлар, халифа ва амирларнинг минбарда туриб айтган нутқлари мавжудлиги ва албатта, тилдан маҳорат билан фойдаланиш натижаси ўлароқ хослар ва оммага мўлжалланган хитобаларнинг алоҳида услублари шаклланишини айтади”<sup>93</sup>.

Хитобанинг “услуби деганда хатибнинг хитоба матнини тузишда сўз ва ибораларни қўллаш, жумла тузиш, услубий воситалардан фойдаланишини тушунамиз. Ва бундай услуб балиғ-комил, таъсирчан бўлиши хатиб мақсад ва ғояларининг мусаввири бўлиши керак. Унда тасвир ҳаққоний бўлиши, баён энг гўзал иборалардан ташкил топиши керак”<sup>94</sup>.

Илк ўрта асрлар араб хитобалари барча даврларда умумий услубий компонентларга эга бўлиши билан бир қаторда, бири иккинчисида такрорланмайдиган хусусиятларга ҳам эга бўлган. Бизнинг таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, “хутба жанрининг шаклланишида унинг услуби муҳим ўрин тутган. Араб хутбаларининг устувор хусусияти бу – эмоционалликдир.

<sup>93</sup> الشيخ ابي العباس القلقشندي، كتاب صبح الأعشى، ج1، ص210.

<sup>94</sup> إسماعيل علي محمد، فن الخطابة و مهارات الخطيب، ص 128.

Эмоционал таъсирнинг самарадорлигини оширишга эса метафора, антитеза, ўхшатиш, сифатлаш каби бадий ифода воситалари хизмат қилган. Ифодалилик ва услубнинг ранг-баранглиги нутқда мақоллар ва ҳикматли сўзларни, шеърий парчаларни ўз ўрнида маҳорат билан қўллаш ҳамда кўп жиҳатдан саждан муносиб фойдаланишга боғлиқ бўлган<sup>95</sup>.

Албатта, биз ҳам араб хитобалари услубининг асосий жиҳатларидан бири эмоционаллик эканига қўшилаемиз, бироқ бу омил арабларнинг туғма, генетик ва ментал хусусиятларидан келиб чиқишини ҳам диққатдан қочирмаймиз. Аммо араб хитобларининг таъсир кучи фақат эмоционалликда дейиш ҳам тўғри эмас. Бунда хатибнинг образли тафаккури, хитоба айтишдан мақсади кундалик мулоқот тилининг коммуникатив вазифаларидан юқори риторик, қолаверса, эстетик функция бажариш талабларига ҳам алоқадор эди. Араб хитобалари услуби ҳақида гапирилар экан, энг аввало, хатибларнинг хитоба айтишда танлаган сўзлари, қўлланган бадий санъатлар, кичик грамматик бирликдан гапгача хатибнинг мақсади учун хизмат қилишига тўхталиш лозим. Негаки “тил, унинг бирликлари бадий адабиётга олиб кирилгунга қадар ҳам муайян шакл ва мазмун бирлиги сифатида мавжуддир. Ўз лексик, грамматик маъносига эга бўлган сўз, сўз бирикмаси, гап каби тил бирликлари ёзувчининг бадий мақсадига бўйсундирилган ҳолатда тегишли бадий-эстетик мазмунни юзага чиқариш, ифодалаш учун қўлланади”<sup>96</sup>.

Хитобалар услуби тизимини таҳлил қилишга киришишдан олдин илк ўрта асрлар хитобларида замонавий адабий асар услубига қўйиладиган талаб ва меъёрларни қўллаш биз кутган натижани бермаслигини қайд этмоқчимиз. Бунга сабаб “биз учун гўё ҳеч қандай тасаввур бермайдиган шартли ифода-қолип шаклида етиб келган бу асарлар, қачонлардир янги жанр бўлган”<sup>97</sup>.

**Жоҳилият даври хитобалари услуби.** Жоҳилият хатиблари услубидаги асосий жиҳат хитобларда сажнинг кенг қўлланилиши эди. Хатиблар

---

<sup>95</sup> Гаффарова У. Арабское ораторское искусство (хутба) VI - середины VIII вв: Автореф. дисс. канд. филол. наук.

<sup>96</sup> Йўлдошев М. Баий асар лингвопоэтикаси. – Б. 7.

<sup>97</sup> Куделин А.Б. Арабская литература: поэтика, стилистика, типология, взаимосвязи. – С. 170.

томонидан халқи учун тушунарли тилда, қабила ва уруғлар учун аҳамиятли ёки машҳур бўлган мақол ҳамда маталларни хутбаларда қўллашга ҳаракат қилинган. Хатиблар ҳам қадим араб шоирлари каби “тингловчилар ўрганган, қабул қилган сўзлардан фойдаланиб қулоққа ёқадиган, киши ҳузур топадиган”<sup>98</sup> ва мавзуларда хитоба айтар эдилар.

Жоҳилият хатиблари, одатда, хутбаларни тингловчилар даражаси ва хитоба мазмунидан келиб чиқиб айтган. Агар шоҳлар олдида айтилса, албатта, ҳукмдорларнинг сифатларини мадҳ этувчи сўзлар, муболағали мажозлар қўлланган. Агар шоҳ олдида ўзаро тортишув юзасидан хитоба айтилса, нотиқлар бир-бирининг насл-насабини ерга уриш, ўзининг устун томонини кўрсатишга ҳаракат қилинган ва бу пайтда кинояга кўп мурожаат этилган. Жоҳилият хитобалари услуби ранг-баранг параллелизмлар, тазодлар, ўхшатишлар, мажозий образлар, такрорларга асосланиб, образлар кўпроқ табиат ҳодисалари, саҳро ҳайвонлари, коинотга нисбатланган.

Араб хитобалари услуби биринчи навбатда уларнинг тили билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, илк ўрта аср хитобаларининг ҳар бир муайян тарихий даврдаги ҳолати, хатиблар доим қўллаган фонетик, лексик ва грамматик бирликлар, кўп ишлатилган бадий тасвир воситалари тизими кўйидаги жадвалда умумлаштириб берилди.

**Жоҳилият даври хитобаларидаги анъанавий услубий хусусиятлар  
жадвали (4-жадвал)**

<b>Анъанавий кириш</b>	<b>Асосий қисмдаги анъанавий бирикмалар</b>	<b>Хотима қисмидаги анъанавий бирикмалар</b>	<b>Анъанавий сюжет</b>	<b>Услуб элементлари</b>
Жоҳилият даври	1. ﷲ исм гуруҳига	Жоҳилият	Жоҳилият даври	Тингловчиларни ишонтириш учун:

<sup>98</sup> Шидфар Б.Я. Образная система арабской классической литературы (VI-XII вв.). – С. 12.

хитобаларининг кириш қисми бўлмаган.	кирувчи, бирон фалсафий фикрни англатувчи сўз+ мақол, ҳикматли сўз 2. ايها الناس+ буйруқ майли II шахс кўплик+ ибратли фикр 3. Муса'ала: أخبرني عن أحب... -+ нарса, шахс, хислат, жой номи 4. Мунафара: إنما والله، لأنا خير منك 5. “Вуфуд ал-араб” - “араб элчилари гуруҳи”:	даври хитобаларининг хотима қисми бўлмаган	хитобаларид а анъанавий сюжет шаклланмаган.	1. Сажъ, параллелизм, истиора, ташбих, такрор, тажнис. 2. Тингловчиларни жалб қилиш: тўғридан-тўғри мурожаат, қасам, турли эмфатик структура ва ҳис-ҳаяжон сўзлар, риторик сўроқ, буйруқ майлидаги феъллар. 3. Образлилик: сахро табиати, ҳайвонот ва наботот олами тимсоллари, ёмғир (турли хиллари), коинот ва само жисмлари тасвири. 4. Шеърий парчалар. 5. Араб расмий адабий тили,
--------------------------------------	--	--	---	---

	<p>قد علمت - العرب..</p>			<p>оддий сўзлардан, сода гап қурилишидан фойдаланилган.</p>
--	------------------------------	--	--	---

Қуйида жоҳилиятдаги типик хитобалардан бирини услубий таҳлил қилиб кўрамиз: "لا تَشْطُوا عَقْلَ الشَّوَارِدِ، وَ لَا تَلْقَحُوا الْعُونَ الْقَوَاعِدَ، وَ لَا تُورَثُوا نِيرَانَ الْأَحْقَادِ، فِيهَا الْمَتَلَفَةُ الْمَسْتَأْصَلَةُ وَ الْجَائِحَةُ وَ الْأَيْلَةُ، وَ عَفُوا بِالْحَلْمِ، أَبْلَادَ الْكَلْمِ، وَ أَنْبِئُوا إِلَى السَّبِيلِ الْأَرشِدِ وَ<sup>99</sup>الْمَنْهَجِ الْأَقْصَدِ، فَإِنَّ الْحَرْبَ تَقْبَلُوا بِزَيْجِ الْغُرُورِ، وَ تُدْبِرُ بِالْوَيْلِ وَ الثُّبُورِ"

*“Эски ва янги ипларни боғламанглар, беваларини юкли қилманглар<sup>100</sup>, (бу иш) қоидага айланмасин. Яширин адоват оловини алангалатманглар, улар (урушлар)да илдизи билан суғуриб олувчи талафот-офатлар ва энг яқин кишилардан жудоликлар бордир. Ақл билан жароҳат яраларини битиринглар. Тўғри йўлга тушмоқ учун шафқат сўраб илтижо қилинглр, мақсадга элтувчи йўл сўранглар. Дарҳақиқат, уруш такаббурлик зеб зийнатларига юзланади, бало ва ҳалокат олиб келади.”*

Ушбу хитоба мажозий тилда ёки, аввалги бобда айтилганидек, “хослар учун” бўлиб, жоҳилият даври шоҳларидан бирига тегишли. Нотикнинг хитобадан мақсади бебабаб урушлар, уларнинг талафотлари ҳамда қурбонлари ҳақида сўзлаш орқали тингловчиларни урушдан тийилишга чақиришдир. Бу хитобанинг қаерда айтилгани хусусида маълумот йўқ, аммо мазмунидан шоҳ ва шоҳлик кенгаши аъзолари ва элчиларга қарата айтилган бўлиши мумкин.

Илк ўрта асрлар араб хитобаларининг анъанавий услубларидан бири буйруқ майли (II шахс кўплик музаккар жинси учун) феъллари билан қўлланганидир, яъни “эски ва янги ипларни боғламанглар, яширин адоват оловини ёқманглар” – дейиш орқали нотик уруғлар, қабилалар ўртасидаги муносабат-ришталарни ипларга ўхшатар экан, “боғламанглар” дейиш билан

<sup>99</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. – С. 12; Мурсад ал-Хайр хитобаси.

<sup>100</sup> Изох :Бу ибора аслида туя ҳақида айтилган ва масал бўлиб кетган, яъни бия ўз уюридан ажраб кетди ва бошқа уюрнинг кучли айғир туясида юкли бўлди. Жоҳилият даврида арабларда бебабаб уруш бошланса, ана шундай семантик фразеологизм қўлланилган.

эски гина ҳамда адоватларни янгиламанглар, демоқчи бўлади. Бу истиоравий мажозли жумла хитоба асосий қисми бошламаси вазифасини бажарган. Шоҳ ўзининг мажозий тилдаги буйруқлари орқали дарҳол тингловчилари диққатини ўзига тортишга ва қизиқтиришга интиланган.

“...яширин адоват оловини ёқманглар” жумласи хитобадаги композицион образдир. Оловнинг адоват асосида туғилиши, яширин бўлиши, ёниши образни очиб берадиган бадий деталлардир. Шоҳ бу жумла билан унинг атрофида ёки қўшни қабилаларда унга хайрихоҳ бўлмаганлар ва пинҳона адоват сақловчиларга шама қилади, адоват оловини ёқмасликка чақирар экан, қабилалараро урушларни эсга олади. “...Уларда (урушлар)да илдизи билан суғуриб олувчи талафот-офатлар ва энг яқин кишилардан жудоликлар бордир”. Нотиқ давом этар экан, урушнинг олов сифатида қандай оқибатларга олиб келишини жуда таъсирчан – ярим муболаға, ярим чин руҳида тасвирлайди. Бу уруш аслида олов, у теккан нарсасини куйдиради, ундан кейин ерда томир отган нарсалар ҳам йўқ бўлади, куйиб битади, урушнинг бошқа номи жудолик – “ал-алила” (яқинидан ажраш, мусибат)дир.

“...Ақл билан жароҳат яраларини битиринглар”. Бу жумладаги жароҳат яраси кучайтирилган, иккилантирилган истиора – сабаби урушнинг ўзи – жароҳат, жароҳатнинг яраси – унинг оғир асорати.

“...Уруш бошланмасин” деган мазмунни мажозий тилда “тўғри йўлга тушмоқ” деб ифодалаган нотиқ тингловчилар шуурида номинатив маънода – юришга осон йўл ҳақидаги манзарани чизса, мажозий маънода тўғрилиқ – рушд ҳақидаги кўплаб ахлоқий ва маънавий талабларни тингловчиларнинг кўз ўнгида гавдалантиради.

“...Дарҳақиқат, уруш такаббурлик зеб-зийнатларига юзланади бало ва ҳалокат олиб келади”. Қадимда араблар орасида бесабаб урушлар чиққанда, томонлар биринчи бўлиб сулҳ таклифи беришдан ўзларини олиб қочган ва буни ор-номус иши деб билганлар, кибрга берилиб, урушни давом эттираверганлар. Хитоба бошида мажозий тилда бесабаб урушларга шама қилган нотиқ хитоба сўнгида тингловчиларни яна мажозий тилда уруш

оқибатларидан огоҳлантиради. Хитоба охирида шоҳ жоҳилият хитобалари учун қарийб анъана бўлган катта шеърӣ парчани айтади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳажман кичиккина ушбу хитобада нотик ўз фикрлари ва даъватларини маҳорат билан, мантиқан изчил туза олган ва танланган услубнинг давр учун мукаммал бўлишига эришган.

**Илк ислом даври хитобалари услуби.** Ислом дини келгач, жоҳилият хутбаларининг баъзи турлари, масалан мунафара – бир неча хатибнинг шоҳ олдида насл-насабидан мақтаниши (*тафахур* тарзида ҳам учрайди), “сажъ ал-куҳҳан” – мутлақ сажда айтилган жоҳилия коҳинларининг турли вазиятларни башорат қилишлари, ҳуқуқий масалаларда ҳукм сифатидаги хитобалари бутунлай, таса’ул-шоҳ ва элчилар баъзан қабила бошлиқлари ва қабила, баъзан ота ва фарзандлари ўртасидаги донолик юзасидан савол – жавоблар деярли йўқ бўлиб кетган.

Нотиклик санъатининг энг асосий ва энг муҳим унсурлари – ўзига ишонтириш ва эргаштиришга том маънода айнан илк ислом даврида улкан эҳтиёж туғилган эди. “Бу икки унсур хутбанинг икки қанотидир, у билан хутба қабул қилиниш манзилига етади, шу иккиси орқали қалбларга ва ақлларга кириб боради, шулар орқали тингловчилар хатибни қабул қиладилар, қарши оладилар, у билан мулоқотга кирадилар – хатиб уларга хитоб қила олади. Шу боис ҳам хатиб ишонтириш ва ўзига эргаштиришни амалга ошириши, уни қабул қилишлари ва унинг хутбасидан таъсирланишлари учун ўз услубини яратиши ва унга ишлов бериши лозим эди. Бу икки унсурни ҳақиқатга оширадиган услуб икки нарса: балоғат ва куч-қувват билан ажралиб туриши керак эди”<sup>101</sup>.

Ана шундай балоғат ва куч қувват илк ислом даврида ислом пайғамбари, илк саҳобалар – одил халифалар, ислом динини биринчилардан бўлиб қабул қилганлар услубида намоён бўлди. Илк ислом даври хитобалари асосини Қуръони Карим ва ҳадиси шарифдан ўринли иқтибослар келтириш ташкил

---

<sup>101</sup> إسماعيل علي محمد، فن الخطابة و مهارات الخطيب، ص 129.

этар ва бунга қўшимча равишда, уни тингловчилар исломгача қандай яшаган бўлсалар, уларнинг реал ҳаётларига яқин, улар ўрганган ва улар қабул қилиши осон, содда тилда етказишлари керак эди. Негаки, янги диннинг муқаддас китоби жоҳилиятдаги араблар тушунмайдиган тилда нозил бўлмаган ва Қуръони карим уларга бутунлай нотаниш бўлган воқеалар, қаҳрамонлар ёки бутунлай янги бир тарих ҳақида сўзламас эди.

“Қуръон жоҳилият асрининг ҳаққоний сураатларини беради, деган эътироф тўғри, чунки у жоҳилиятдагиларни ҳидоятга чорлаш учун юборилган ва жоҳилиятдагиларга эса улар тушунмайдиган тилда хитоб қилинмаган. Ўқувчи билсинки, жоҳилият асри насрининг энг катта далили ва унинг борлигини тасдиқловчи энг асосий, ҳаққоний далил бу – Қуръондир. Қуръонда жоҳилият излари бор, дейишдан даҳшатга тушиш керак эмас, балки унда жоҳилият асрининг сураатлари бордир”<sup>102</sup>. Араб адабиётшуноси шу ўринда кўп олимлар Қуръонда жоҳилиятга алоқадорлик борлигини инкор этишларини айтади. Аммо унинг ўзи Қуръондаги тасаввурлар, тақлидлар ва таъбирларнинг барчаси жоҳилият арабларида ва ислом пайғамбарининг ўзи ва бошқа хатиблар, ёзувчилар тилида ҳам бўлганини таъкидлайди. Олим Қуръони каримнинг илоҳийлигини, муқаддаслигини таъкидлаган ҳолда, айнан юқоридаги каби илмий қарашларга асосланган баъзи шарқшунослар, аслида арабларда умуман адабий тур бўлмаган, бўлгани ҳам форс ва юнон адабиётидан олинган услублардир, деган иддаоларини рад этади<sup>103</sup>.

Илк ислом хатиблари ўз нутқларини айнан жоҳилият даврларида машҳур бўлган шакл ва услубда, бироқ янги мазмун, янги бадий бўёқларда ифода эта бошладилар.

Илк ислом даври хитобаларидаги анъанавий услубнинг ўзига хосликлари қуйидаги жадвалда умумлаштирилган:

زكي مبارك، النثر الفني في القرن الرابع الهجري، ص 39.102

<sup>103</sup> Қаранг: шу манба, шу бет.

**Илк ислом даври хитобларидаги анъанавий услубий хусусиятлар  
жадвали (5-жадвал)**

<b>Анъанавий кириш</b>	<b>Асосий қисмдаги анъанавий бирикмалар</b>	<b>Хотима қисмидаги анъанавий бирикмалар</b>	<b>Анъанавий сюжет</b>	<b>Услуб элемент-лари</b>
<p>Таҳмид:</p> <p>1- الحمد لله الذى..</p> <p>2- أما بعد.</p>	<p>1- فإنا لله ، قد ، فإنا.</p> <p>2- أيها الناس، يا عباد الله..</p> <p>3- فاتقوا الله يا عباد الله..</p>	<p>1- نستعين . بالله و استغفر الله لى و لكم</p> <p>2- أقول قولى هذا و استغفر الله العظيم لى و لكم</p>	<p>1. Аллоҳнинг гўзал исмлари ёки сифатлари, қудрати васфи келтирилади.</p> <p>2. Расулуллоҳнинг араблар орасидан танлаб олиними айтилади.</p> <p>3. Муслмонларнинг янги ҳаёт тарзи васфи ва хитоба мазмунига мос Қуръоний иқтибослар келтирилади.</p> <p>4. Аллоҳнинг ваъдалари</p>	<p>Тингловчиларни ишонтириш учун фавқулодда айтилган.</p> <p>1. Қофияли наср: сажъ, парал-лелизм, мувааза-на, такрор, тажнис, тиббақ.</p> <p>2. Тингловчиларни жалб қилиш: тўғридан-тўғри мурожаат, қасамлар ва турли эмфатик структуралар ва турли ҳис –</p>

			эслатилади ёки жаннат ва дўзах зикри келтирилади. 5. Тингловчилар Аллоҳнинг ризоси учун исломга кириш ёки ислом йўлида курашга даъват қилинади. 6.Хитоба мусулмонларга риторик сўроқлар бериш ва улар ҳақиқа дуо қилиш билан яқунланади.	хаяжон сўзлар, риторик сўроқлар, буйруқ майли феъллари. 2. Қуръони Карим ва ҳадиси набавийдан иқтибослар. 3. Феълларнинг кучайтирув майли шакллари.
--	--	--	--	---

“Исломий хутбаларда услуб барқарор, собит бўлиши керак, маънони унга мос сўз билан очиш керак. Чуқур маъноларни кучли ва қудратли сўзлар, нафис маъноларни эса юмшоқ сўзлар акс эттириши керак” эди<sup>104</sup>.

Дарҳақиқат, илк ислом даври хитобаларида хатиблар ўз елкасидаги буюк вазифани ҳис қилар ва тингловчиларга ҳам ана шу масъулият юкини ортар эди. Бу давр хатиблари ўз нутқларида кўпроқ - **"الله، التقوى، اتقوا، أولون و آخرون، الحق والباطل، إرشاد، اعبدوا، المعروف و نهى منكر، محسن، هداية، ضلالة، الجنة، الجحيم.."**

<sup>104</sup> إسماعيل علي محمد، فن الخطابة و مهارات الخطيب، ص 129.

каби ислом динининг моҳиятини очиб берувчи кўплаб чуқур маъноли сўзларни ишлатар эдилар.

Илк ислом даври хитобалари услуби худди жоҳилият хитобалариники каби риторик сўроқлар, такрорлар, буйруқ майлидаги феъллар ва, албатта, ёрқин параллелизмларга бой бўлган. Саж жоҳилият давридагига нисбатан кам ишлатилган.

Шу ўринда илк ислом даврида исломни кенг ёйиш мақсадида бўлган жангларда кўшинни руҳлантириш учун айтилган типик хитоба услубини кўриб чиқамиз:

“يا عباد الله، انصروا الله ينصركم ويثبت أقدامكم، فإن وعد الله حق، يا معشر المسلمين اصبروا، فإن الصبر منجاة من الكفر، ومرضاة للرب و مدحضة للعار، فلا تبرحوا مصافكم، و لا تخطوا إليهم خطوة و لا تبدءوهم بقتال، و أشرعوا الرماح، و إستتروا بالدرق، و الزموا الصمت إلا من ذكر الله، حتى أمركم إن شاء الله.”<sup>105</sup>

*“Эй Аллоҳнинг қуллари! Ғалаба ҳадя этинг ва Аллоҳ сизни қўллаб қувватлайди, оёқларингизни собит (мустаҳкам) қилади. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақиқатдир. Эй мусулмонлар жамоаси! Сабр қилинглар, ҳақиқат шуки, сабр бу – куфрдан нажотдир, Аллоҳнинг розилигидир, шармандалик (хўрлик)дан халос этилишидир, Сизлар зийракликдан тўхтаманг, улар томонга қадам ташламанг, уларга биринчи бўлиб уруш очманг. Найзаларни ўқталинглар, қалқон ортига яширининглар! Фақат Аллоҳ зикри учун сукут сақланглар, токи Аллоҳ сизларни амир (ҳоким қилиб) қўйгунча.”*

Ушбу хитоба тури диний-сиёсий руҳлантирувчи хитоба ҳисобланади. Бу хитобадан кўзланган мақсад кўп сонли душманга қарши жангдан олдин кўшинни руҳлантириш, ғалаба қозонишларига ишонтиришидир. Хатиб хитобнинг бошида “Эй Аллоҳнинг қуллари” деб мурожаат қиларкан, ўз аскарларини жангда Аллоҳнинг қуллари (яъни Аллоҳнинг барча буйруқ, кўрсатмаларини сўзсиз бажарадиган инсонлар сифатида) деб атайди. Негаки бу уруш – ўзини Аллоҳ қуллари деб билувчи ва Аллоҳнинг раҳматидан

<sup>105</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1 – С. 203. Абу Убайда хитобаси.

умидворларнинг жанги. Аллоҳнинг қулларига берилган буйруқ ғалаба қозонишдир. Аммо нотик ғалаба фақат қулларнинг ўзигагина ташлаб қўйилмаганини, яъни улар буйруқни бажарсалар, Аллоҳнинг ўзи ёрдам беражани эътироф этади: “Аллоҳ сизни қўллаб қувватлайди”. Бундан аввалги жумлада “ نصر ” феъли буйруқ майлида қўлланилганида, “ғалаба ҳада этинг” маъносида келган бўлса, иккинчи марта айни феъл бошқа шаклда: “Аллоҳ сизларга ёрдам беради” маъносида ишлатилган, тажнис ҳамда таносуб санъатларини юзага чиқарган.

Энди хатиб аскарларни ишонтириш учун Аллоҳнинг ёрдами қандай бўлишини тасвирлайди: “қадамларингизни (ерда) собит қилади” – бу истиора орқали хатиб жангда қўшиннинг ўзига ишончи уларнинг мустаҳкам оёқларида эканига, мустаҳкам оёқлар эса собитқадамликни таъминлашига ишора қилади ва бунда сизга Аллоҳ ёрдам беради демоқчи бўлади.

Кейинги жумла “إن” кучайтириш юкламаси билан бошланади ва “Аллоҳнинг ваъдаси ҳақиқат”дир деган мазмунни таъкидлашга хизмат қилади. Бунда мусулмонлар эътиқодининг асосини ташкил этувчи Аллоҳнинг ваъдаси, албатта, амалга ошишига ишониш кераклиги аскарлар ёдига солинади.

Хатиб кейинги фикрларга ўтишида “Эй мусулмонлар жамоаси” ундалмасини қўллайди. Мазкур ундалма ёрдамида жангчилар нафақат Аллоҳнинг қуллари, балки ягона халқ, ягона жамоа вакили сифатида кўрсатилади. Бу ўринда ҳақиқий жангчи мусулмоннинг асосий фазилати нима экани айтилади ва кейинги кўрсатма шундай янграйди: “Сабрли бўлинглар. Нега сабрли бўлишингиз кераклигини биласизми, эй мусулмонлар, чунки “сабр бу куфрдан нажотдир” (ислом ақидасига кўра куфр энг улкан гуноҳ саналади). Мусулмонларнинг муқаддас орзуси – “Аллоҳнинг розилигидир”, жангчининг энг қўрқинчли аҳволи “шармандалик (хўрлик)дан халос этилишдир”.

Кўриб турганимиздек, уста нотик жангчиларни руҳлантиришда, улар учун муқаддас ақидаларни эҳтиёткорлик билан тилга олади, ҳар бир

жангчининг “ғалаба”га айна илохий буйруқ ва кўрсатмалардан келиб чиқиб, жанг қилишлари кераклиги тушунтирилмоқда. Хитобанинг кейинги қисми ҳақиқий ҳарбий кўрсатма шаклида давом этади.

Бундай услуб илк сўзларданоқ, яъни қўшинга мурожаатданоқ исломий руҳни акс эттиради ва унда нотик қўллаган образлар тизими: Аллоҳ розилиги, сабр, куфр, нажот, хўрлик, зикр нотик шахсининг исломий ақидаларга садоқати ва эҳтиромини яққол намоён этади. Бундай услуб илк ислом даврида исломий хитоба айтувчи кўплаб хатиблар томонидан қўлланган.

**Уммавийлар даври хитобалари услуби.** Уммавийлар даврига келиб, хитоба бутун араб адабиётида муҳим ва етакчи ўрин тутди, ўзининг камолот босқичига етди. Энди бу давр хитобаларида индивидуал услуб тамойиллари яққол кўзга ташлана бошлади.

Дарҳақиқат, хитоба уммавий халифалар ҳукмронлиги даврида ҳам мажозий, ҳам ҳаётий маънода қуролга айланди. Энди хатибларнинг қуроллари қанчалик қудратли ёки заиф эканлигини уларнинг танлаган услубларида очиқ-ойдин кўриш мумкин эди. Ҳар бир хитоба бошланишиданоқ хатиб шахсияти, характери, иродаси, теран ақли ёки фалсафий идроки каби хусусиятларни тингловчи кўз ўнгида намоён этар эди. Биринчи уммавий халифа Муовия Абу Суфённинг нутқларида унинг даҳолиги ва жуда моҳир, вазиятларни ўз фойдасига ҳал қилишда жуда кучли дипломат эканлиги зоҳир бўлса, уммавий волийларидан Зиёд бин Абиҳи, ал-Ҳажжож Юсуф ас-Сақафий, Убайдуллоҳ бин Зиёд, Марвон бин ал-Ҳакамлар услубларидаги таҳдид ва шафқатсизликни ифодаловчи услуб тингловчиларда нафрат, кўрқув, зўравонликка маҳкумлик ёки адоват сингари салбий ҳисларни уйғотар эди. Умар бин Абдулазиз, Ҳасан ал-Басрий, Қутри бин ал-Фажа’а услубига хос самимийлик, поклик, тақво ва гўзал ибодатларга чорловчи сўзлар эса тингловчиларда меҳр-муҳаббат, дунёга хирс қўймаслик, тоат-ибодат қоим мўминлик ҳисларини жунбушга келтирарди. Баъзан биргина тингловчини аташ чоғидаги мурожаатнинг ўзидаёқ хатиб қандай услуб ёки қандай мақсадда хитоба айтиши ҳақида

етарлича маълумот олиш мумкин бўлган, табиийки, бундай мурожаатлар хатиб нутқининг таъсирчанлигини яна бир парда оширган.

Бу давр харитасида ёнаётган ёки сўнаётган эҳтирос, ғазаб ва нафрат, мулойимлик ёки қўполлик, раҳм-шафқат ёки шафқатсизлик каби ҳислар араб жамиятида ҳар куни содир бўлаётган шиддатли сиёсий воқеалар гирдобиди соат сайин ўзгариб турган. Ҳар бир хатиб ва тингловчилар учун вақт чегаралаб қўйилган. Мазкур талабдан мурод эса хитобаларни: “яхши услуб жавоб бера оладиган асосий талаб – ўқувчи ёки тингловчининг диққатини иқтисод қилиш, сўзларнинг танланиши, нутқда ўз ўрнини топиши, вазндошлиги ва бошқа меъёрларни тақозо қилади”<sup>106</sup>ган ҳолатга тўла етказиш бўлган. Уммавийлар даври хитобалари услуби жоҳилият ва илк ислом давридан бутунлай фарқ қиладиган янги услубда вужудга келган, деб айтиш ўринсиз, бироқ бу давр хатиблари анъанавий композицион структуралари ва сюжетига бироз ўзгаришлар киритган.

#### **Уммавийлар даври хитобларидаги анъанавий услубий хусусиятлар жадвали (6-жадвал)**

<b>Анъанавий кириш</b>	<b>Асосий қисмдаги анъанавий бирикмалар</b>	<b>Хотима қисмидаги анъанавий бирикмалар</b>	<b>Анъанавий сюжет</b>	<b>Услуб элементлари</b>
Таҳмид: 1- الحمد لله الذى 2- أما بعد-	1- فإناكم فإن الله قد فإنا 2- فإن أمير المؤمنين ولأني (أو: بعثني على....	1- و استغفر الله لى ولكم فوالله لئن كنتم.. 3- исёнкорлар га таҳдид.	1. Аллоҳнинг гўзал исмлари ёки сифатлари, қудрати васфи келтирилади. 2.Расулulloҳнинг аҳли байтига	Тингловчиларни ишонтириш учун фавқулодда: айтилган.

<sup>106</sup> Қаранг: Веселовский А.Н., Историческая поэтика .-С.273.

	<p>3- إني و الله لَ (أو: و الله لَ إني)</p> <p>4 أما والله</p> <p>لقد. (أو: أما و الله لو..)</p> <p>5 فقد</p> <p>بلغنى أن..</p> <p>6. يا</p> <p>معشر... 'مثلنا و مثلكم..'</p>	<p>4-риторик сўроқлар.</p> <p>5-ҳарбий кўрсатмалар.</p> <p>6.Баъзи уммавий ҳукмдорлар, масалан, халифа Муовия Абу Суфён, ал-Ҳажжож Юсуф ас-Сақафий хитобалари сўнгида шеърий парчалар берилади.</p>	<p>яқинлик, ислом динининг фазилатлари берилади.</p> <p>3.Аҳолининг уммавий халифаларга итоат этиши, исён-фитна қилмасликлари таъкидланади.</p> <p>5.Тингловчиларга душман ёки рақиб томоннинг айблари асослаб берилади.</p> <p>6. Хатиб қабиласи ёки шахси учун байъат бериш, жанг қилишга даъват қилинади.</p> <p>6.Хитоба мусулмонларга риторик сўроқлар бериш, ҳукмдорлик кудратини намоён этувчи таҳдидли сўзлар, баъзан хатиб ва тингловчилар</p>	<p>1. Истиора, таш-бих, саж, парал-лелизм, такрор, нидо, тазод, киноя, талмиҳ.</p> <p>2. Тингловчиларни жалб қилиш: буйруқ майлидаги феъллар, тўғри дан-тўғри мурожаат, қасам ва турли эмфатик структуралар, ҳис-ҳаяжон сўзлари, риторик сўроқлар, инверсия,</p> <p>3.Қуръони Карим ва ҳадиси набавийдан иқтибослар.</p>
--	---	---	---	--

			хакига дуо қилиш билан яқунланади.	4.Феълнинг кучайтирув майли шакллари қўлланади.
--	--	--	---------------------------------------	---

Бирок, айтиш жоизки, уммавийлар даврига тааллуқли хитобалар орасида алоҳида услубга эга, ўзида айтувчининг шахсияти, ички оламини зоҳир этувчи хитобалар кўпроқ учрайди. Масалан, биринчи уммавий халифа Муовия Абу Суфён манбаларда жуда узоқни кўра оладиган, давлат ишларида тадбирли, кучли сиёсатчи, адабиёт ва санъатни севадиган маҳоратли нотик сифатида таърифланади. Ҳатто унинг даврида шиддатли қарама-қаршиликлар, ихтилофлар бир муддат пасайгани, урушлар тўхтагани ҳам айтилади.<sup>107</sup> Муовиянинг тилга олинган сифатлари хитобаларда унинг ўзига хос услуби воситасида намоён бўлади. Муовиянинг Мадинага келиб, халқ олдига айтган хитобасидан олинган қуйидаги парчада буни кўриш мумкин:

"أما بعد...فسلكت بها طريقا لى و لكم فيه منفعة:مؤاكلة حسنة و مشاركة جميلة،فإن لم تجدونى خيركم،فانى خير لكم ولاية،و الله لا أحمل السيف على من لاسيف له و إن لم يكن منكم إلا ما يستشفى به القائل بلسانه،فقد جعلت ذلك له دبر أذننى و تحت قدمى،وإن لم تجدونى أقوم بحقكم كله،فاقبلوا منى بعضه،فإن أتاكم منى خير<sup>108</sup>فاقبلوه،إن السيل إذا جاد يُثري،و إذا قل أغنى،إياكم و الفتنة،فإنها تفسد المعشية و تكدر النعمة."

*“Амма баъд...Мен ўзим ва сизлар учун (унда) манфаат: яхши еб, чиройли ичиш - бор бўлган йўлга кирдим. Агар мени ўзингиз учун яхши деб билмасангиз, дарҳақиқат, мен сизлар учун бошқарувда яхши бўламан. Аллоҳга қасамки, қиличи йўққа қилич кўтармайман, магарамки сизларнинг орангиздан тилини даволашга ҳожатмандлар бўлмаса. Агар шундай қилса, яъни тилини тийса, ўзини тартибга келтирса, мен гина сақламайман, бу ишни қулогимдан нарига, оёғим остига ташлайман. Дарҳақиқат, сел кўп бўлса бойиб*

<sup>107</sup> Каранг:..6 ص الخلفاء الراشدون، ج 3. التاريخ الإسلامي، محمود شاكر،

<sup>108</sup> Сафут А.З.Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 183.

кетади, кам бўлса етарли даражада бўлади. Бу фитна сизлар учунгина, дарҳақиқат, рўзгорингизни бузади, неъматни гамга айлантиради.”

Муовия ўзининг бошқарувда қанчалар халқпарвар эканини, халқ учун манфаатли йўл топганини таъкидларкан, бу йўлни, энг аввало, инсоннинг энг муҳим эҳтиёжини қондириш кўринишида ” مؤاكلة حسنة و مشاركة جميلة ” - яхши еб, чиройли ичиш” каби сўзлар орқали ифодалайди. Бироқ кейинги жумлаларда ўзининг қудратини намойиш этишга қодирлигига ишора қилади: فان لم تجدوني خيركم – агар мени ўзингиз учун яхши деб билмасангиз, дарҳақиқат, мен сизлар учун бошқарувда яхши бўламан.

Муовиянинг қўл остидагилар билан “манфаатли” келишув таклифи – فان لم تجدوني خيركم амалга ошмаса, у ҳолда кейинги йўлни танлашига ишора беради: ‘فانى خير لكم ولاية’. Бошқарувда яхши бўлиш бир қарашда оддий сифатлашдек кўрингани билан жумлада Муовия бир пайтнинг ўзида қанчалар қаҳрли ва шафқатсиз ҳукмдор бўлишга қодирлигига ишора қилгани англашилади ва бу киноя санъатини қўллаб намоён этилади.

– والله لا أحمل السيف على من لاسيف له و إن لم يكن منكم إلا ما يستشفى به القائل بلسانه  
Аллоҳга қасамки, қиличи йўққа қилич кўтармайман, магарамки, сизларнинг орангиздан тилини даволашга ҳожатмандлар бўлмаса.

Муовия аҳолига ўз шартларини қўяр экан, дастлаб ўзини мард, кўнгли юмшоқ ҳукмдор сифатида таништиради, айти пайтда, тилини тиймаганлар бундан мустасно эканини айтади: тилига шифо зарурлар – эшитувчилар учун – “фитнага рағбати борлар, норозилик қилиб, ҳокимнинг бошқаруви ҳақида бўлар-бўлмас гаплар тарқатиб юрувчилар” ҳақида гап кетганини англатади. Муовия аҳолининг бундай ишлардан тийилиши кераклигини таъкидлайди ва тили билан юрадиганларга шафқат қилмаслигини мажоз орқали етказди: فقد جعلت ذلك له دبر أذنى و تحت قدمى - Агар шундай қилса, яъни тилини тийса, ўзини тартибга келтирса мен гина сақламайман, бу ишни қулоғимдан нарига, оёғим остига ташлайман. Бу жумлада Муовия шартларини давом эттиради ва халққа яна имкон бергандек: қулоғимдан нари, қадамим остига ташлайман, дейди. Чунки у халқнинг нафрати ва қудратини чуқур ҳис қилган ҳукмдор, бу сўзлари

билан у кичик норозиликлар ва адоватларни унутишга тайёрлигини билдирмоқчи бўлган.

Ўки: دَبَّرَ أذْنَى وَ تَحْتَ قَدَمَى

Ушбу жумлада Муовия “бўлак орқали бутунни ифодалашга хизмат килувчи кўчим тури – метонимиядан фойдаланган, яъни кулоқ инсоннинг таъна аъзоси – бўлак, шу бўлак орқали инсоннинг ўзи – бутун ифодаланмоқда.

Ўки: – وإن لم تجدوني أقوم بحقكم كله، فاقبلوا منى بعضه، فإن أتاكم منى خير فاقبلوه؛ – Агар мени сизнинг барча ҳақингизни адо этувчи деб ҳисобламасангиз, мендан уларнинг баъзисини қабул қилинглр. Мендан сизга яхшилик бўлса, уни қабул қилинглр.

Ушбу хитоба парчасида Муовия ўзини қўли очик, саховатли қилиб кўрсатишга уринади, яъни Муовия мен сизларнинг ҳақингизни бермаслигим мумкин, сиз шундай деб ўйлаясизми, демак, бунда ҳақсиз. Аммо мен берганимни қабул қилинглр, – дер экан яна ўзининг бошқарув шартларини кўя бошлайди: إن السيل إذا جاد يُثري، و إذا قل أغنى، إياكم و الفتنة، فإنها تفسد المعشية و تكثر النعمة – Дарҳақиқат, сел кўп бўлса бойитади, кам бўлса(ҳам), етарли даражада бўлади. Бу фитна сизлар учунгина, дарҳақиқат, рўзғорингизни бузади, неъматни ғамга айлантиради.

Муовия юқоридаги жумлада ўзини селга ўхшатади. Яънинг унинг кўплиги – бойлик, камлиги – етарлилик. Бу ташбиҳда Муовия ўзини селнинг бир неча сифатлари орқали тасвирлайди: 1. Сел жазирама сахро учун сув, яъни тириклик рамзи. Бунда Муовия ўзини селнинг ана шу сифатига нисбат беради, яъни мен сиз учун ҳаётман демоқчи бўлади. 2. Сел фалокат ҳам бўлиши мумкин, яъни дарахтларни, экинларни илдизи билан кўчириб олиб кета оладиган, аҳолининг ҳаётини қийинлаштирадиган кулфат ҳам бўлиши мумкин. Муовия селнинг ана шундай сифатларини ўзига нисбат бериши орқали бутун хитоба давомида таъкидламоқчи бўлгани – ҳукмдорлик кудратига урғу бермоқчи бўлади.

Кейинги жумлаларида эса селнинг жуда кўп ҳажмдаги сув миқдори эканини таъкидларкан, у ўзининг қаҳри ҳам, муҳаббати ҳам жуда кўп эканига ишора қилади: “إذا جاد يُثري، وإذا قل أغنى”

Муовиянинг ушбу хитобаси орқали айтмоқчи бўлгани унинг сабрли ҳоким сифатида қўл остидагиларига сиёсатини батафсил тушунтиришидан мақсади битта, яъни унга қарши чиқмаслик, балки итоатда бўлишни сингдиришдир. Шу сабабли хитобаси якунида шундай дейди: *إياكم و الفتنة، فإنها – تفسد المعشية و تكدر النعمة* – Сизлар учун бу фитна (зарарлироқдир), дарқақиқат, у сизларнинг рўзғорларингизни бузади ва неъматни (ҳаётингизни) бахтсизликка айлантиради.

Муовия ўз мақсадини ушбу жумлаларда тингловчилар учун жуда яқин ва ҳаётий ҳақиқатларни *рўзгор, неъмат* сўзлари, “рўзғорни бузиш, неъматни ғамга айлантириш” метонимик кўчишлар орқали ифода этади..

Ал Ҳажжож Юсуф ас-Сақафий ҳам уммавийларнинг волийси бўлган. Унинг шафқатсизлиги, қонхўрлиги ҳақида халқ афсоналари бор. Ал Ҳажжож ўз қудратини қилич билан намоён этгани тўғри, аммо қўл остидагиларга хитобаларида таҳдид, ваҳима ва саросима орқали таъсир этгани ҳам ҳақиқат. Унинг ҳокимлиги даврида Ироқ халқи кўп марта унга қарши бош кўтаргани ва ҳар сафар исёнларни шавқатсиз бостиргани ҳам тарихдан маълум. Аммо унинг хитобаларидаги бераҳмлик ироқликларга унинг қамчиси ёки қиличидан олдин етиб борган. Ал Ҳажжож хитобасидан олинган куйидаги парчада кўрқинчли мажозий манзара юзага келтиргани акс этган:

"يا أهل العراق، إن الشيطان قد استبطنكم؛ فخالط اللحم و الدم و العصب و المسامع و الأطراف و الأعضاء و الشغاف، ثم أفضى إلى المخاخ، و الأصماخ، ثم ارتفع فعشش، ثم باض و فرّخ، فحشاكم نفاقكم و شفاقا، و<sup>109</sup> أشعركم خلافاً..."

“Эй аҳли Ироқ, дарҳақиқат, шайтон сизнинг ичингизга аллақачон кириб олибди (сўзма-сўз: шайтоннинг қорни сиз билан катта бўлибди), гўштга, қонга асабга (мияга), қулоқларга, кўзларга ва (барча қолган) аъзоларга, қалб

<sup>109</sup> Сафут А.З.. Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 292.

*тубига(ча) аралашиб кет(иб)ди. Кейин эса илик, қулоқ чанозига ўт(иб)ди. Сўнгра у кўтарилди ва ин қурди, кейин тухум қўйиб жўжа очди, кейин эса нифоқ ва низо билан тўлдирди ва сизларни қарши чиқишига тортди (аралаштирди).”*

Халқнинг ўз хақи учун кураши, золим ҳукмдорга қарши исёнини ал-Ҳажжож мажозий тилда шайтоннинг инсоннинг қон-қонига сингиб кетишига нисбатлайди. Эркинлик учун кураш овозини батамамом ўчириш, тингловчи қалбига қўрқув ҳисларини олиб кириш учун нотик шайтоннинг инсоннинг ҳар бир аъзосига кириши дейди, бундай йўлдан озганларнинг ҳар бир шайтон кирган аъзосини қиличим ҳукмига топшириш менинг ихтиёримда демоқчи бўлади. Ал-Ҳажжожнинг жаллодлиги, қонхўрлиги ва қаҳри қаттиқлигини яхши билган эшитувчи кўз ўнгида шайтон кирган ҳар бир аъзони тилкалаб ташлашга тайёрлигини ҳис қилдиради. У шайтон образини тасвирларкан, мажоздан яхши фойдаланади.

Хитоба давомида фитнанинг қандай амалга ошишини шайтон тимсолида мажозий тасвирлайди:

“– кейин *ثم ارتفع فعشش، ثم باض و فرّخ، فحشاكم نفاقكم و شقاقا و أشعركم خلافاً...*” кўтарилди, сўнгра ин қурди, тухум қўйди ва жўжа очди”. Бу ҳаракатларнинг барчаси мажозий, яъни ироқликлар ичида исён руҳини уйғотаётган, фитначиларга нисбатандир. Фитначилар шайтон, уларнинг гаплари, таъсирлари шунчалик кучли эканки, бутун аъзойи баданингиз ва қон-қонингизгача, ҳатто иликларгача (илик суяк ичида энг ҳимояланган қисм) сингиб кетибди. Аммо шайтоннинг қулоқларга бориб ин қуриши фитначиларнинг даъватлари, хитобаларига нисбатандир, тухум босиб жўжа очиши – уларнинг ўз атрофларига янги, аммо заиф ва ҳимоясиз “жўжа” (фитначи)ларни йиғишларига, итоатсизликка ундашларига нисбатан қўлланилган.

Ал-Ҳажжож шафқатсиз ҳукмдор бўлиш баробарида ҳассос қалб эгаси ҳамдир. Унинг услубига хос мажозий тил, хитобаларида қўллаган ажойиб бадийий санъатлар шундай дейишга имкон беради. Масалан:

"موج ليل التطم و انجلي بضوء صبحه، يا أهل حجاز، كيف رأيتموني؟ أ لم أكشف ظلمة الجور، و  
طخية الباطل بنور الحق؟ و الله لقد وطنكم الحجاج و طأة مشفق، و عطفة رحم، و وصل قرابة، فإياكم أن  
تزلوا عن سنن أقمناكم عليه فأقطع عنكم ما وصلته لكم، بالصارم البتار، و أقيم من أودكم ما يقيم المثقف من  
أود القناة بالنار.."<sup>110</sup>

*“Тун мавжлари бир-бирига урилди, нур билан унинг тонги равшанлашди (тонг отди). Аё Ҳижоз аҳли, мен ҳақимда қандай ўйлайсизлар? Мен сизлардан жавр зулмати пардасини ечиб олмадимми, ёлгонлар зулматини ҳақиқат нури билан очмадимми? Аллоҳга қасамки, Ал-Ҳажжож сизга (шубҳа йўқки) мушфиқлик билан, раҳм шафқат билан зулм ўтказди, яқинлик ўрнатди. Аммо сиз биз ўзимиз сизни оёққа қўйган йўлдан тойсангизлар-а?! Сизлар билан нимани (алоқа) боғлаган бўлсам кесиб ташлайман, беаёв кесаман, сизнинг қийишқлигингизни тўғрилайман, жаҳаннамдаги таёқнинг қингирлигини тўғрилайдиган найза билан!”*

Ушбу хитобада Ал Ҳажжож тун ва тонг отишини шоирона нозиктаъб соҳиби сифатида тасвирларкан, тингловчи қалбида ёқимли илиқлик ҳосил қилади. Бироқ унинг бераҳмлиги хитоба давомида яна устуворлашади. Ҳар жумлада истиора, рамз ва мажозларни қўллаган нотик хитобани айтишдан кўзлаган мақсади тингловчиларни унга қаршилик қилиш ҳақида ўйлашига ҳам изн бермаслигини англатишга интилади.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, уммавийлар давридаги хатиблар асосан шу салтанат бошқарувчилари, яъни халифалар, уларнинг ўлкалардаги ҳокимлари, ноиблари ва қўшин раҳнамолари эди. Шу сабабли бундай хатиблар имкон қадар юқори мансабли амалдорлар ёки ҳукмдорлар услубига тақлид қилганлар.

Уммавийлар давридаги Убайдуллоҳ бин Зияднинг қисқагина хитобаси уммавий ҳукмдорларнинг волийлари услубининг типик намунаси.

Кузатинг:

<sup>110</sup> Сафут А.З.. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 287.

" فإن امير المؤمنين (أصلحه الله) ولاني مصركم و تغركم ، وأمرني بإنصاف مظلومكم، و بإعطاء محرومكم، و بالإحسان إلى سامعكم و مطيعكم، و بالشدة على مريبكم و عاصيكم ، و انا متبع فيكم أمره، منفذ فيكم عهده، فأنا لمحسنكم و مطيعكم كالوالد البر ، و سوطي و سيفي على من ترك أمري، و خالف عهدي، فليبق امرؤ على نفسه، الصدق ينبيى عنك لا الوعيد. " <sup>111</sup>

*“Мени мўминлар амири (Аллоҳ уни тўғри йўлдан оғдирмасин) сизнинг шаҳарларингиз ва чегараларингизни бошқариш учун ҳоким этиб тайинлади. Ва менга мазлумларга инсоф қилишни; муҳтожларга саховат кўрсатишни; менга итоат этиб қулоқ осганларга эҳсон – яхшилик қилишни; менга бўйсунмаган ва сўзларимга шубҳа билан қаровчиларга ғазаб этишни амр этди. Мен унинг амрига сизларни эргаштирувчиман, унинг ваъдаси – аҳдини бажарувчи (амалга оширувчи)ман. Мен сизларнинг орангиздаги энг яхшилар ва энг итоатгўйларга меҳрибон ота кабиман. Қамчим ва қиличим итоатимдан чиққанлар ва келишувга хилоф иш қилганлар устидадир. Нимани танлаш унинг (кимсанинг) ўзига қолсин. Ваъда бериш эмас, балки садоқат сиз ҳақингизда хабар берур.”*

Мазкур хитоба вилоятга ҳоким этиб тайинланган, ўз қўл остидагиларнинг ичида қандай ҳислар борлигидан ва тингловчиларининг унга қандай муносабатда эканлигидан беҳабар, аммо биринчи учрашувдаёқ уларга ўз ҳукми, ҳукмронлигини кўрсатишни мақсад қилган нотиқнинг балоғатли нутқидир.

Убайдуллоҳ йиғилганларга мурожаат қилар экан, мўминлар амирининг ўз қўл остидагиларга унинг амрига бўйсунганларга не чоғли бағрикенглик билан муомала қилишни амр этганини дипломатик йўл билан етказа олади. Кузатинг: “мазлумларингизга инсоф қилиш”, “муҳтожларингизга саховат кўрсатиш” кабилар шундан дарак беради. Ваҳоланки, у янги қаттиққўл волий сифатида йиғилганларга шафқатсизларча ўзининг талабларини кўйиши ҳам мумкин эди, чунки бунга сиёсий ва ҳарбий мавқеи тўла имкон берарди. Аммо

<sup>111</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 317.

волий зийрак зехнли, маҳоратли ҳарбий раҳнамо сифатида нутқини итоат қилганларга қандай манфаат ва яхшилик борлигини билдиришдан бошлайди.

Биз юқорида тавсифлаганимиздек, уммавийлар даврида омма орасидаги бўлинишлар, кўплаб гуруҳ ва жамоаларнинг мавжудлигини ҳам ҳисобга олган ҳолда Убайдуллоҳ бин Зияд хитобанинг иккинчи қисмига ўтади: “менга бўйсунмаган ва сўзларимга шубҳа билан қаровчиларга ғазаб этишни амр этди”. Аммо Убайдуллоҳ ўз кўл остидагиларига нисбатан иккинчи йўлни тутишга хайрихоҳ эмаслигини кейинги гапларида янада аниқроқ ифода этади: “Мен сизларнинг орангиздаги энг яхшилар ва энг итоатгўйларга меҳрибон ота кабиман”. Нотиқ итоатсизларга ҳам қандай муносабатда бўлишини алоҳида таъкидлайди: “Қамчим ва қиличим итоатимдан чиққанлар ва келишувга хилоф иш қилганлар устидадир”. Нутқининг бу қисмида Убайдуллоҳ бин Зияд айтиши пайтда шафқатсиз бўла олиши, қиличи ва қамчисига ҳеч ким қарши тура олмаслигини ҳам очиқ айтиб ўтган.

Хитоба якунида яна моҳир нотиқ сифатида танлаш имконияти ҳар кимнинг ўзида эканини билдиради: “Нимани танлаш унинг (кимсанинг) ўзига қолсин”. Ва унинг янги ҳукмдор сифатидаги энг муҳим талаби – халқнинг тилғмалик, кўрқув ёки бошқа сабаблардан унга итоат этиши эмас, балки уларнинг чин дилдан, садоқат билан итоатда бўлишларини исташидир, акс ҳолда бундан хабар топиши мумкинлигини билдиради: “Ваъда бериш эмас, балки садоқат сиз ҳақингизда хабар берур” жумласи шу мақсадда айтилган.

Ушбу қисқа хитобада Убайдуллоҳ бин Зияд ўзининг ҳам уммавийлар ҳукмдорларга қанчалар садоқат билан хизмат қилишга шайлигини билдириб ўтади: “Мен унинг амрига сизларни эргаштирувчиман, унинг ваъдаси - аҳдини бажарувчи (амалга оширувчи)ман”.

Айни хитобанинг услубий ҳамда мазмуний таҳлилидан кўринадикки, хитобанинг бадиий жиҳати – қўллаган бадиий санъатлар, танланган сўзлар ҳар қандай тингловчи қалбига тез таъсир этади.

Бадиият илмининг билимдони Алибек Рустамовнинг фикрича, тилдаги бир неча қайтариловчи товушлар тилдаги гўзалликни ҳосил қилувчи

нисбатнинг бир туридир. Тилдаги товушдошлик нутқ гўзаллигининг манбаи ҳисобланади ва моҳир сўзчилар бундан чексиз равишда фойдаланишлари мумкин, айти пайтда, сўзларнинг маъносига ҳам зарар етмаслиги лозим.<sup>112</sup> Убайдуллоҳ бин Зияд ҳам “моҳир сўзчи”, “уста нотик” сифатида араб тилининг ана шундай бадий санъатлари – манбаларидан хитобада маҳорат билан фойдалана олган. Услубида жоҳилият даврлари ва илк ислом давридаги барча араб хитоблари сингари “қисқа шакл билан катта мазмун ифодалаш” тамойили устунлик қилади.

Убайдуллоҳ бин Зияд айтган ушбу қисқа хитобанинг тингловчилар қалбига ўзи истагандек таъсир кўрсатгани ҳақида хитоба берилган манбада маълумот ёзиб қолдирилган<sup>113</sup>.

## **2.2. Араб хитоблари композициясининг бадий хусусиятлари**

Муайян адабий жанр ёки шу жанрга мансуб асарнинг композицион хусусиятларини таҳлил этиш, тараққиёт босқичларини ёритиш шу жанр ёки унга мансуб асарларнинг поэтик мукамаллиги, бадий адабиёт талабларига не чоғли мос келиши каби меъёрларни аниқлаш асосида бўлади. Айтиш жоизки, араб хитобларига нисбатан ҳар қандай илмий муносабат уларга бугунги кун адабиётшунослик талабларига кўра ёки тараққий қилган поэтик усуллар, санъатлар ёки бадий деталлар нуқтаи назаридан бўлмаслиги керак. Бунга сабаб араб адабиётида энг қадимги адабий жанрлардан бири ҳисобланган кундалик мулоқот тилидан кўтарилган бадий тил унсурларини ўзида намоён этган ва шу асосда бадий адабиёт предметиға айланган қадим араб хитобаси, аввало, араб халқининг ментал ҳамда генетик ўзига хослиги негизида туғилган ва бу халқнинг азалдан сўз санъатида моҳирлиги самараси ўлароқ пайдо бўлган. Иккинчи сабаби хитобалар кейинги авлод китобхонлари учун, ҳар ўқилганда бадийлиги, поэтик қирралари қайта кашф этиладиган, топиладиган адабий асар сифатида ёзувчи-шоир томонидан махсус ёзилмаган.

---

<sup>112</sup> Рустамов А. Сўз ҳақида сўз. – Б. 13-16.

<sup>113</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 37-38.

Араб хитобалари хитоба айтилган вазиятга мослаб мохир нотиклар томонидан фавқулдда айтилиб, айтилаётган ва тингланаётган пайтда – жуда қисқа фурсат мобайнида тингловчиларга таъсир этиш имконига эга нутқ шаклидир. Шунга қарамай, хитобалар вақт ўтиб, нафақат араб адабиётида, шунингдек, дунё адабиётида ҳам ўз ўрнига эга арабий услуб, арабий поэтика шаклланишига асос бўлган қадим бадий нутқ шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хитобалардаги бадий таъб ва бадиият унсурлари ҳалигача араб поэтикасининг пайдо бўлиш замини саналади.

Араб хитобалари жоҳилият замонлариданоқ халқнинг тилдан, сўз санъатидан фахрланиши ва бу санъат соҳибларига қадим замонлардаёқ алоҳида муносабатда бўлингани эвазига шуҳрат қозонган. Жоҳилият даврларининг бизгача етиб келган хитобаларининг аксариятида уларнинг тинч-осойишта вазиятда, хатибларнинг елкасига жуда тез ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни юкламаган ҳолда айтилганининг хабари берилади.

Қадим араб шеъриятдан фарқли ўлароқ, қадим араб хитобалари кўзга яққол ташланадиган аниқ ва мукаммал сюжет тизимларига ва шаклланган композицион тузилишга эга бўлмаган. Гарчи мантиқан боғланган, бир мавзу доирасидаги жоҳилият даври хитобалари нисбатан кўп бўлса-да, ўртадаги узок вақт тафовути, эҳтимол, қадим араб хитобаларининг маълум бир қисқаришларга, ўзгаришларга учраб етиб келгани, парчалар шаклида ўрта асрлар олимлари асарларида, адабий тўпламларда учрагани сабабли жоҳилият даври хитобаларининг айримларида жумлаларнинг мантиқан боғланган, аниқ изчилликда баён этилганини учратавермаймиз.

Исломгача жоҳилият хитобалари кейинги даврлар хитобаларидан фарқли равишда кириш қисмларсиз, тингловчиларга тўғридан-тўғри мурожаат билан, баъзан эса мурожаатларсиз бошланган. Ёки баъзан оддийгина “كَيْنَ” - “кейин” сўзи қўлланган. Кўпинча жоҳилият хатиблари йиғилганларга “أَيُّهَا النَّاسُ” - “эй одамлар”, “أَيُّهَا الْمَلِكُ” - “эй подшоҳ”, - “أَيُّهَا بَكْرُ، تَمِيمُ، وَدَوْنُ” - “эй Бакр, Тамим, Удвон (қабила номлари) жамоаси” каби мурожаатлар билан, коҳинлар эса ўз хитобаларини турли хил қасамлар “النور و الظلاماء و الأرض و السماء” “ёруғлик ва

зулмат, ер ва осмонга қасамки” ёки шунга ўхшаш бошқа табиат кучлари номига қасам билан, ҳатто баъзан “يا عبادي” – “эй менинг қулларим” каби хитоблар билан бошлар эдилар. Бироқ жоҳилият хитобалари орасида бевосита бирон доно фикр ва унга муносиб буйруқлар, риторик сўроқлар (асосан, П шахс, музаққар, кўплик шаклида) билан бошланар эди. Ҳикматли гаплардан кейин, эса хитобанинг асосий қисми айтилар ва алоҳида хотима қисмисиз яқунланган. Фақат илк ислом даврига келиб, “хитобанинг шакли, қолипи шакллана, барқарорлаша бошлади”<sup>114</sup>.

Ўрта асрлар араб хитоба жанрининг ёрқин динамикасини акс эттирувчи композицион структура илк ислом давридан бошлаб аниқ чегаралар ичида бутунликни зоҳир қила бошлади. Биз аввалги бобда тавсифлаган араблар ҳаётида содир бўлган кескин ўзгаришлар сабабли вужудга келган, ижтимоий-сиёсий, диний, маънавий-руҳий эҳтиёжлар талаби остида илк ислом давридан бошлаб хитоба композицияси унинг муайян вазифаларининг намоён бўлишига хизмат қила бошлади. Илк ислом ва уммавий халифалар даврида хитоба композицияси унинг поэтик хусусиятлари билан ўзаро муносабатга киришди ва айни даврлардаги араб хитобасининг камолотга етишишини таъминлади. Қатъий чегараларига эга хитоба композицияси ҳар бир қўлланилган бадий ёки риторик санъатлар, хатиблар қўллаган илк ва сўнгги жумла хитоба композициясида аниқ бадий функцияга эгалигида кўрина бошлади.

Албатта, хитоба таркибий тузилишидаги янги унсурлар дастлаб ислом пайғамбари нутқларида зоҳир бўлди. Муҳаммад (САВ) хитобани таҳмид билан бошлаганлар ва бу ҳозирги кун исломий хитобаларини ҳам таҳмид билан бошлаш адабий анъана сифатида давом этмоқда.

Таҳмидлар қуйидаги қисмлардан иборат бўлган: 1. Басмала – «Бисмиллаҳир-роҳманир-роҳим» жумласини айтмоқ. 2. Ҳамдала – «ал-ҳамду лиллаҳ» (барча мақтовлар Аллоҳга хос) иборасини айтмоқ. 3. Ташаҳҳада - ( لا إله إلا الله محمد رسول الله ) – «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ ва Муҳаммад соллаллоҳу

---

<sup>114</sup> Qutbuddin T. Khutba. – P. 206.

алайҳи ва саллам Унинг элчисидир» калимасини айтмоқ. 4. Субҳана – «Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир» жумласини айтмоқ. 5. Истиъана – Аллоҳдан ёрдам (кўмак) сўраш<sup>115</sup>. 6. Пайғамбарга дуо ва салавот айтиш. Таҳмиднинг муҳим унсури – Аллоҳга ҳамду сано айтиш бўлган. Таҳмиднинг энг муҳим унсури – Аллоҳга ҳамду сано айтиш бўлган. Илк ислом давридан бошлаб ҳар қандай хитобаларга камида “ҳамдала” билан бошланиш талаби қўйила бошлаган ва аксар илк ислом хитобаларида хитобанинг асосий қисмидан олдин “ҳамида аллаҳа ва асна ғалайҳи” жумласи, сўнг “амма баъд” (ва сўнг) бирикмаси ишлатилган. Шу боис бу давр хитобаларида таҳмиднинг қайси қисми қандай ҳажмда иштирок этгани ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмасмиз.

Араб олимаси Т. Қутбуддин хитоба тарихига илмий ёндашар экан, “агар хутбада “амма баъд” қўлланса, “амма қабл” (бундан аввал) бирикмаси ҳам бўлиши керак. Исломгача бўлган давр хутбаларида ҳам таҳмид мавжуд бўлганлиги назарда тутиладиган бўлса, маъжусий худоларга даъват қилинган бўлиши мумкинлиги аёнлашади, алалоқибат илк мусулмонлар буни билиб туриб ўз хутбаларига олган”<sup>116</sup> деган фаразни ҳам илгари суради.

الحمد لله ، أحمده ، وأستعينه ، وأومن به ، و أتوكل عليه ، و أشهد أن لا إله إلا الله وحده لا شريك له ، و أن محمدا عبده و رسوله ، أرسله بالهدى و دين الحق ، ليظهره على الدين كله ، و لو كره المشركين .  
أما بعد: ... "

*“Аллоҳга ҳамд (лар) бўлсин, уни шарафлайман, ундан кўмак сўрайман, унга иймон келтираман, унга таваккал қиламан. Аллоҳдан ўзга илоҳ ва унинг шериги йўқлигига, Муҳаммад унинг қули ва элчиси эканлигига, уни (расулини) ҳидоят ва ҳақиқат динини (тарқатиши учун) юборганига, уни (пайғамбарини) агар мушириклар (Аллоҳга ширк келтирувчилар) ёмон кўрсалар ҳам, бутун динга тўлигича кўрсатиши учун юборганига гувоҳлик бераман. Амма баъд”<sup>117</sup>.*

Ушбу таҳмид расулуллоҳ (САВ) ўз хитобаларида бошлаб берган анъанавий кириш қисмининг типик намунаси. Илк ислом даврида минбарга

<sup>115</sup> Қаранг: Ал-Қомус. Ж.1. – С.176(بِسْمِ), – С.676(حمدل),. Ж.2. – С.711(تشهد),. – С.479(سبحان),. Ж.3. – С.411(استعانة)

<sup>116</sup> Қаранг: Qutbuddin T. Khutba. – P. 182.

<sup>117</sup> Сафут.Жамҳарату хутаб. Ж.1. –С. 275. Айни таҳмид учинчи одил халифа Усмон бин Аффон хитобасидан олинган.

кўтарилган хатиблар кўп ҳолларда шундай таҳмид билан хитобаларни бошлаганлар. Бироқ баъзи ҳолларда бундан узунроқ, кўпроқ Аллоҳнинг сифатлари зикр этилган таҳмидли хитобаларни ҳам учратиш мумкин. Бундай тўлиқ таҳмидлар асосан расулуллоҳ (САВ) ҳамда тўрт одил халифа хитобаларида учрайди, баъзан одил халифаларнинг қатор хитобалари тўлалигича Аллоҳ ва унинг пайғамбари фазилатларига бағишланган.

Ўша давр адабий анъаналарига кўра, мусулмонлар айтган ҳар қандай таҳмидсиз хитоба салбий қабул қилинган, бундай хитоба “узилган хутба” деб аталган. Бундай хутба “*батраъу*” деб ҳам юритилган, масалан, Зияд бин Абиҳининг Басрада ўқиган “Эй Ироқ аҳли!” деб бошланадиган хутбаси “*батра ‘у*” ҳисобланади<sup>118</sup>.

Илк ўрта асрлар хитобалари матнларини услубий-композицион жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида хитоба хусусида яна яна бир янги фаразни илгари суриш мумкин бўлди. Гарчи мавжуд қарашларда хитоба композицион қурилиши, таркибий қисмлари илк ислом давридан бошлаб анъаналашгани, барқарорлашгани айтилса-да, биз хитобаларнинг энг илк даврларда анъанавий композицияси кузатилмаса ҳам, хитобаларда аниқ мақсад ва шу мақсадга элтувчи бир неча изчил қисмлардан иборат яхлитлик борлигини эътироф этамиз. Қуйида жоҳилият даври хитобасини таҳлил қилиш орқали фикрларимизга ойдинлик киритамиз.

" اسمعوا وعوا، تعلموا تعلموا، تفهموا تفهموا، ليل ساج، و نهار صاج، و الأرض مهاد، والجبال أوتاد، و الأولون كالأخرين، كل ذلك إلى بلاء، فصلوا أرحامكم، وأصلحوا أحوالكم. فهل رأيتم من هلك رجع، أو ميتا نشر، الدار أمامكم، و الظن خلاف ما تقولون، زينوا حرمكم و عظموه، و تمسكوا به و لا<sup>119</sup> تفارقوه، فسيأتى له نبأ عظيم و سيخرج منه نبي كريم.. "

*“Эшитинглар ва эсда сақлаб қолинглар, ўрганинглар ва билинглар, оздан тушунинглар, (кейин) англаб етинглар. Тун сокиндир. Кундуз шовқин-суронлидир. Ер тўшакдир, тоғлар устунлардир (ердан кўтарилган), аввалгилар охиргилар кабидирлар. Буларнинг барчаси синов га (берилгандир).*

<sup>118</sup> Қаранг: Фильштинский И.М. Кўрсатилган асар. –Б.255.

<sup>119</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 73.

*Қариндошлиқни боғланғлар-силаи раҳм қилинғлар, аҳволларинғизни тузатинғлар. Ҳалок бўлганнинг қайтганини ҳеч кўрганмисизлар ёки майитнинг тирилганини-чи? Уй сизнинг олдинғизда, ўйлов(инғиз) гапирадиганинғизга хилофдир. Ҳарамларинғизни (қўриқланадиган жой) безанғлар, уни катталаштиринғлар, унга содиқ бўлинғлар, ундан ажралманғлар. Бир кун аниқ буюк башорат келади ва, албатта, бир аниқ элчи чиқади.”*

Ушбу хитоба расулуллоҳ (САВ)нинг еттинчи бобосига нисбат қилинган қадим жоҳилиятдаги Каъб бин Луаййанинғ хитобасидир. Бу хитобада илк ислом даври хитобаларининғ қолипи сезилмайди, бироқ айни хитобани мутлақо композицион таркибга эга эмас ҳам деб бўлмайди. Маълумки, бадий нутқ, айниқса, оммавий монолог шаклида тингловчиларга тақдим қилинадиган хитобада хатибнинг зиммасида аниқ масъулият, вазифа, мақсад бўлгани табиий. Жоҳилият замонларида ҳали адабий таъб ёхуд адабий меъёрлар тартибга солинмаган, фанда хитобалар учун қадим юнон ёхуд рим риторикасига ажратилганчалик эътибор қаратилмаган, махсус нотиклик мактаблари шаклланмаган, ушбу соҳа бўйича аниқ кўрсатмалар яратилмаган бўлса-да, илк жоҳилият араб нотиклик санъати намунаси ҳисобланган хитобаларни нафақат ўша давр, балки бугунги кун адабиётшунослиги нуқтаи назаридан ҳам жуда заиф деб бўлмайди. Ушбу хитобада кўзга яққол ташланадиган композицион чегаралар бўлмаса-да, нотикнинг ҳар бир сўзи, жумлалардаги изчиллик, қўлланган поэтик образларнинг тизимлилиги, тингловчиларга таъсир ўтказиш ва мақсадни етказишда танланган услубий воситалар сезилиб турибди.

Ушбу адабий муаммога доир тадқиқотларда “бадий асардаги шаклий компонентларни мазмунни шакллантириш ва ифодалаш учун қулай бир тарзда уюштириш композициянинг асосий вазифасидир. Композиция (лотин тилида “тартибга солиш”, “тузиб чиқиш” маъносини билдирган) асардаги лисоний ва бадий унсурларни шундай уюштириши керакки, натижада бирон бир ортиқча унсур қолмаслиги лозим. Шунда ҳар бир унсур асар бутунлигида

таъминлашда ўз функциясини бажаради, муайян ғоявий-бадий юк ташийди. Асарда уларни ўз ўрни ва меъёрида ишлатиш жуда муҳим”<sup>120</sup>. Айни таърифдагидек, хитобада тингловчиларга етказилиши мақсад қилинган ғоя ажойиб тарзда тартибга солинган. Каъбнинг хитобани тўғридан-тўғри “Эшитинглар ва эсда сақлаб қолинглар, ўрганинглар ва билинглар, оз-оздан тушунинглар, (кейин)англаб етинглар” деб бошлашининг ўзиёқ унинг ўз тингловчиларига етказмоқчи бўлган мазмунни ўз даври кишиларига анъанавий ва қулай тарзда ифодалашга интилганини кўрсатади. Айни пайтда, нотикликнинг муҳим омили – тингловчининг диққатини жалб қила билиш иқтидорини намоён қилган. Хитобанинг мазкур қисмини тўғридан-тўғри асосий қисм ёки **нутқнинг бошламаси**, деса бўлади.

“Тун сокиндир. Кундуз шовқин-суронлидир. Ер тўшакдир, тоғлар устунлардир (ердан кўтарилган), аввалгилар охиргилар кабидирлар”. Ушбу жумлаларда Каъб бин Луаййа файласуф нотик сифатида ўзи билган ҳаёт, олам ва табиат қонунларини тингловчиларига образли етказишда **далиллаш – кириш қисми**дан фойдаланади.

Ёки: “Буларнинг барчаси синовга (берилган)дир. Қариндошликни боғланглар-силаи раҳм қилинглар, аҳволларингизни тузатинглар” жумлаларида ўз даври, қабиласи кишисидан теранроқ ва чуқурроқ мушоҳада қила оладиган донишманд файласуф сифатида хитобанинг **асосий қисмига** ўтади. Каъб бин Луаййа исломгача бўлган даврда яшаганини эътиборга олган ҳолда масалага ёндашсак, у арабларнинг кейинчалик “жоҳилият”, “билимсизлик асри” дея ном олган жоҳиллик вақтларини, жоҳиллик оқибати бўлган ҳолатларни назарда тутаяди, қавмдошларини “аҳволларини тузатишга”, яъни яшаш тарзларини ўзгартиришга чақиради.

Асосий қисмда нотик яна уни эшитишлари ва сўзларини эслаб қолишлари учун аввалгиданда кучлироқ исбот-далил келтиради: “Ҳалок бўлганнинг қайтганини кўрганмисизлар ёки майитнинг тирилганини-чи? Уй

---

<sup>120</sup> Қуронов Д. Адабий асар композицияси. <https://quronov.uz>.

сизнинг олдингизда, ўйлов(ингиз) гапирадиганингизга хилофдир”. Нотик айни гаплари орқали тингловчиларига дунё, ҳаёт олдинда; гумонларингиз, ўйловларингиз гапирадиган гапингизга қарама – қаршидир демоқчи бўлади.

Хитоба дидактик мазмундаги кўрсатмалар билан давом этади: “Ҳарамларингизни (кўриқланадиган жой) безанглар, уни катталаштиринглар, унга содиқ бўлинглар, ундан ажралманглар!”. Бироқ хитобанинг охири ҳам бор, унда донишманд нотикнинг келажак ҳақидаги башорати: “Бир кун аниқ буюк башорат келади ва, албатта, бир аниқ элчи чиқади!” тарзида яқунланишга ўтади, сўнг яна шеърий иқтибос келтирилади.

Айни хитобада нотик танлаган шакл, унда қўлланган композицион таркиб ўзини оқлаган. Шуни ҳам унутмаслик лозимки, Каъб бин Луаййа танлаган бадий тасвир воситалари: сажъ, истиоралар, параллелизмлар, риторик сўроқлар, тажнис ва тазодлар ва гўзал шеърий парча асар поэтикасини ошириш билан бирга, хитобанинг таъсир қувватини ҳам кучайтирган.

Аввалги бўлимларда таъкидлаганидек, жоҳилият даври хитобаларининг “таса’ул”, “мунафара” ҳамда “сажъ ал-куҳҳан” номи билан машҳур турлари бўлган. Бундай хитобаларда ўз мазмун-моҳияти ва функциясига кўра турли композицион бирликлар қўлланган. Шу муносабат билан жоҳилият даврининг “сажъ ал-куҳҳан” кўринишидаги хитобасидан олинган парчани композицион жиҳатдан таҳлил қиламиз:

"و النور و الظلماء، و الأرض و السماء، إن الشجر هالك، ليعودن الماء كما كان في الزمان السالك"، "أخبرتني المناجد، بسنين شداوند، يقطع فيها الولد الوالد" "أقول قول الندمان لهفا، لقد رأيت سلحفا، تجرف التراب جرفا، و تقذف بالبول قذفا، فدخلت الحديقة فإذا الشجر من غير ربح يتكفا، داهية الدهياء، من أمور الجسيمة، و مصائب عظيمة. إن فيه الويل، و ما لك فيه من قيل و إن الويل فيما يجيء به<sup>121</sup> السيل. هو خطب جليل، و حزن طويل، و خلف قليل"

*“Ёруғлик ва зулмат, ер ва само билан қасам ичаманки, дарахтлар ҳалок бўлур, сув эса аввал замонлардагидек тўсиқсиз оқиш ҳолига қайтур”.*  
*“Ёрдамчиларим хабар бердиларки, узоқ йиллар давом этгулик бало – мусибат*

<sup>121</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1.– С. 105. Коҳин аёл Тарифа бинт ал-Хайр хитобасидан парча.

*етур ва бу даврда фарзанд отасини ўлдирар (сўяр)”. “Чуқур афсус-надомат билан айтурманки, ер-тупроқ ювилиб битур, наслга қирон келур...”; “...боққа кирсам, дарахтлар шамол бўлмаса ҳам эгилиб тебранур. Улкан мусибат, кулфат, машаққатли ва оғир ишлар, ҳаддан ортиқ катта фалокатлар. Унда офат борки, сен унда подшоҳ эмассан, бу офат сел билан келур, бунда оғир ғам-андуҳ мавжуд ва (ундан сўнг ортимизда) кам авлод қолур.”*

Ушбу парчалар жоҳилият даврининг машҳур қоҳин аёлларидан бирининг Ма’риб (қадимги Ямандаги шаҳар) шаҳрига табиий офат – катта сел келиши ҳақида ўз подшоҳига хабар бериш учун айтган хитобасидан олинган. Хитоба айнан “сажъ ал-кухҳан”га хос табиат ва само унсурлари номи билан қасам ичишдан бошланади, бу қисмни қоҳинлар хитобасининг анъанавий кириш қисми деса ҳам бўлади. Хитобанинг асосий қисми қоҳиннинг башоратидан иборат. Аммо хитоба ўртасидаги “Ёрдамчиларим хабар бердиларки, узоқ йиллар давом этгулик бало – мусибат етур ва бу даврда фарзанд отасини ўлдирар (сўяр)” контекстидаги “ёрдамчиларим хабар бердиларки” жумласи алоҳида бадиий образ ҳақидадир. Яъни қоҳиннинг ғайб олами билан ҳамкорликда иш қилишини, башоратлари тўғри чиқишини ва қоҳин шахсиятининг илоҳийлигини таъкидлаш учун хизмат қилган.

*“...боққа кирсам, дарахтлар шамол бўлмаса ҳам эгилиб тебранур, улкан мусибат, кулфат, машаққатли ва оғир ишлар, ҳаддан ортиқ катта фалокатлар, унда офат борки, сен унда подшоҳ эмассан, бу офат сел билан келур, бунда оғир ғам-андуҳ мавжуд ва (ундан сўнг ортимизда) кам авлод қолур”.*

Хитобанинг ушбу қисмидан вайронкор сел ҳақида хабар бериш мақсад қилинган, аммо қоҳиннинг поэтик иқтидори ва нутқда маълумотларнинг уйғунлиги, изчиллиги, у қўллаган бадиий восита ҳамда деталлар шундай бутунликни ташкил этганки, уни тингловчи ёки ўқувчи узоқ йиллардан кейин ҳам худди афсунлангандек тинглайди, ўқийди ва таъсирланади.

*“أما بعد. أ لا إن الدنيا عرض حاضر، يأكل منه البر و الفاجر. أ لا و إن الآخرة وعد صادق، يحكم فيه ملك قادر، أ لا و إنكم معروضون على أعمالكم. فمن يعمل مثقال ذرة خيرا يره، و من يعمل مثقال ذرة شرا*

يره، ألا و إن للدنيا بنين و للآخرة بنين، فكونوا من أبناء الآخرة، و لا تكونوا من أبناء الدنيا، فإن كل أم<sup>122</sup> يتبعها بنوها يوم القيامة”

“Амма баъд. Дунё (ёнимизда) ҳозир матаҳд эмасми? Ундан художўй ҳам, гуноҳкор ҳам (бирдек) эмасми? Дарҳақиқат, охиратда сидқ билан айтилган ваъда бор эмасми ва унда қодир подшоҳ ҳукм чиқармасми? Дарҳақиқат, сизлар ўз қилган ишларингиз билан (Унинг олдига) тақдим қилинасишлар. Кимки зарра миқдориди яхшилик қилган бўлса ҳам уни (қиймат куниди) кўрур, ким зарра миқдориди ёмонлик қилган бўлса ҳам уни кўрур”<sup>123</sup>. “Дарҳақиқат, дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам ўз ўғиллари бор. Охиратнинг фарзандларидан бўлинглар, (бу) дунёнинг фарзандларидан бўлманглар! Дарҳақиқат, ҳар бир онанинг қиймат куниди унга эргашидиган фарзандлари бордир.”

Ушбу хитоба илк ислом даврида яшаб ўтган Убада бин ас-Самит томонидан Ҳимс қабиласига айтилгандир. Хитоба келтирилган манбада “У Аллоҳга ҳамд айтди, набий (САВ)га салавот йўллади ва кейин деди” – деб келтирилади ва унда биз юқорида батафсил тўхталган таҳмид қисмига ўтилади.

Хатиб илк ислом давридан анъанага айланган таҳмиддан сўнг “амма баъд”ни айтиб, асосий қисмга ўтади. Нотиқ хитобасининг асосий қисмини жуда кучли ва таъсирли риторик сўроқдан бошлайди. Асосий қисмда фалсафий идрок этган хулоса билан тингловчиларни ўзига жалб қиларкан, араб нотиғи равон услубда мавзунини ислом дини моҳиятига буриб юборади ва уларга Аллоҳнинг “ҳақ ваъдаси”ни эслатади. Бу эслатмага кўра, инсон ўз амаллари учун Раббиси олдида жавоб бериши таъкидланади. Фикрини Қуръондан олинган иқтибос билан далилларкан, тингловчиларнинг диққатини у сўзлаётган моҳиятдан чиқиб кетмаслигини таъминлай олади. Хитобанинг

<sup>122</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 261. Убада бин ас-Самит хитобаси

<sup>123</sup> Қаранг: Ушбу иқтибос Қуръонини каримнинг Залзала сураси 7-, 8-оятларидан олинган. Қуръони Каримдан айрим суралар. Асмоул Хусно ва салавотлар. –Б.212.

хотима қисмида ‘Убада бин ас-Самит мақсадини образли тушунтиради ҳамда тингловчиларни исломий ақидалар асосида яшашга даъват қилади.

Илк ислом даври хитобаларини ислом динини ёйиш учун жангга кетаётган қўшинни руҳлантириш, шижоатли бўлишга ундаш мақсадида қабила оқсоқоллари, нуфузли дин уламолари, хитоба айтувчи махсус кишилар айтганлар. Масалан:

"ايها الناس: غضوا أبصاركم، و اجثوا على الركب، و أشرعوا الرماح، و الزموا مراكزكم و مصافكم، فإذا حمل عليكم عدوكم فأمهلوهم، حتى إذا ركبوا أطراف السنة، فثبوا في وجوههم و ثوب الأسد، فوالذي يرضى الصدق و يمقت الكذب و يعاقب عليه، و يجزى بالإحسان، لقد بلغنى أن المسلمين سيفحونها كفرا كفرا، و قصرا قصرا، فلا يهولنكم جموعهم و لا عددهم، فإنكم لو قد صدقتموهم الشدة لقد<sup>124</sup> انذعروا انذعار اولاد الحجل"

*“Эй одамлар, тикилиб қарашидан сақланинг! Тиззангизга (чўккалаб) ўтириб олинг! Найзаларни ўқталинг ҳамда ўз марказларингиз ва сафларингизда қолинг! Агар душман сизларга ҳамла қилса, токи тишларига эрк бермагунларича муҳлат беринг, сўнг худди шердек ҳамла қилиб, уларга ташланинг! Садоқатни (ҳалоллик)ни ёқтирадиган ва ёлгондан нафратланадиган Удир. Жазолагувчи ҳам, эҳсонлар билан мукофотловчи ҳам Удир. Менга етиб келдики, мусулмонлар уларни (румликларни) қишлоғи, қалъа-истеҳкоми билан фатҳ этажаклар. Уларнинг сони – адади сизларни қўрқита олмас, чунки сизлар уларга ғазаб ҳақида рост сўзладингиз, улар каклик болалари каби ваҳима остида қолдилар”.*

Бу илк ислом давридаги энг долзарб мавзу – ислом жангчиларини мардонавор жанг қилишга ундовчи сиёсий-ҳарбий хитоба намунаси. Хитоба жанг олдидан айтилгани сабабли ҳажми кичик, аммо мазмуни ва ундан кутилаётган натижа катта, муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Амр бин ал-Аснинг хитобаси аввалида таҳмид айтгани ҳақида маълумот йўқ, аммо у ҳам анъанавий “амма баъд” билан бошланган.

<sup>124</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. – С. 204. Амр бин ал-Ас хитобаси

Ушбу сиёсий-ҳарбий хитобада асосий қисм одатий сиёсий хитобалардаги каби мавзуга кириш ёки нотикнинг мақсад-ғоялари тасвири ёки нотик фикрини тасдиқловчи исбот-далиллар, турли хил бадиий тасвир воситаларига бой эмас. Бироқ унда ҳам нутқдан кутилган натижага эришиш учун етарли даражада шакллантирилган композицион таркиб мавжуд.

Айни хитоба хатибнинг жангчилар диққатини тортиш мақсадида “Эй одамлар” (“аййуха-н-нас – исломгача ҳам энг кўп қўлланилган анъанавий мурожаат)идан бошланади. Жангчилар учун энг маъқул йўл бу – тўғри ҳарбий кўрсатмалар бериш ҳисобланади; уста нотик ҳам хитобасининг асосий қисмига тўғридан-тўғри худди шундай усулда ўтади: “... тикилиб қарашдан сақланинг! Тиззангизга (чўккалаб) ўтириб олинг! Найзаларни ўқталинг ва ўз марказларингизда ва сафларингизда қолинг! Агар душман сизларга ҳамла қилса, уларга токи тишларига эрк бермагунларича муҳлат беринг, сўнг худди шердек ҳамла билан уларнинг юзларига – улар томонга ташланинг!”

Хитоба айтилаётган вазият ҳам, хитоба тингловчилари ҳам хатибдан ўта жимжимадор услубни талаб этмайди. Шу боис нотик асосий ҳарбий буйруқни бериб бўлгач, ана шундай кўрсатмага амал қиладиган ва ислом қўшинига зафар келтирадиган жангчиларга Аллоҳнинг кудратини таърифлаб, уларга мукофот борлиги ҳақида эслатади: “Садоқатни (ҳалоллик)ни ёқтирадиган ва ёлғондан нафратланадиган Удир. Жазолагувчи ҳам, эҳсонлар билан мукофотловчи ҳам Удир”. Хитобанинг шу кичик эслатма қисми лашкарнинг жангда хиёнат қилмаслиги, ёлғон гапирмаслиги учун айтилади, жангда кўп учрайдиган шармандали вазиятларнинг олдини олишга интилинади.

Хитобанинг кейинги қисми жангчиларни росмана руҳлантирувчи, уларнинг ғалабага бўлган ишончини мустаҳкамловчи қисмдир: “Менга етиб келдики, мусулмонлар уларни (румликларни) қишлоғи, қалъа-истеҳкоми билан фатҳ этажаклар”.

Хитобанинг якуни эса жангчиларни янада жасоратли бўлишга ундовчи, ислом қўшини учун шарафли бўлган муқаддас урушда қўлига қурол олганларнинг ғзабига урғу бериш билан якунланади: “Уларнинг сони – адади

сизларни кўрқита олмас, чунки сизлар уларга ғазаб ҳақида рост сўзладингиз, улар каклик болаларидек ваҳима остида қолдилар”. Хитоба ниҳоясидаги “ғазаб” сўзи бадий детал сифатида муқаддас вазифани амалга ошириш учун урушга сафарбар қилинганлар тасаввурида жуда хавфли ва ғазабноклик образини яратади ва у араб жангчиларининг ушбу мажоз орқали чинакам ғазаби кўпиришини, ҳислари жунбушга келишини таъминлайди.

”أما بعد. فإني أهدركم الدنيا، فإنها خلوة حضرة خُفّت بالشهوات، و راقّت بالقليل، و تحببت بالعاجلة، و حليت بالأمال، و تزينت بالغرور، لا تدوم خبرتها، و لا تؤمن فجعتها. غرارة ضرارة، خوانة غدارة، و حائلة زائلة، نافذة بائدة، أكالة غوالة، بدالة نقالة، لا تعدو إذا هي تناهت الى أمنية أهل الرغبة فيها و الرضا عنها، أن تكون كما قال الله تعالى: ”كماء أنزلناه من السماء، فاختلفت به نبات الارض، فأصبح هشيمًا تذروه<sup>125</sup>الرياح، و كان الله على كل شيء مقتدرًا“

“Амма баъд. Мен, дарҳақиқат, сизларни дунёдан (эҳтиёт бўлиш учун) огоҳлантираман. Дарҳақиқат, у яшил ширинликдир. (Унда) кучли истак-хоҳишлар сўндирилди, ҳар доим ҳам бўлавермайдиган кам нарса билан аҳлини ажаблантирди, бу (яшаб турган) дунёни севдирди, умидларни (изоҳда: аёл макри билан) алдади, кибру ҳаво билан зийнатланди. Унинг ўтиши давомли эмас (дунё фоний дейилмоқда), унинг ҳалокатидан хавфсиз бўлинмайди. Бузгунчи, зиёнкор, хоин, гаддор, ўзгарувчи, тугайдиган, ўтиб йўқ бўлиб кетувчи, қирилиб йўқ бўлиб кетувчи, еб тўймас, мусибатлари билан ҳалок этувчи, фасодчи, ҳаммол (дир у). Агар нафс, рағбат аҳли унда (дунёда) истакларнинг энг охирига етса, рози бўлса, у (дунё) тажовуз қилмайди. Аллоҳ Таоло айтганидек<sup>126</sup>: Эй Муҳаммад! Одамларга дунё ҳаёти мисолини келтиринг. У худди бир сув кабидирки, биз уни осмондан ёғдиргач, (баҳорда) у сабабли ердаги ўсимликлар бир-бирига аралашиб (қалинлашиб) кетур, сўнг кuzда шамоллар учуриб кетадиган хашакка айланиб қолур. Аллоҳ ҳамма нарсага қодир зотдир!”

<sup>125</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 454. Кутри бин ал-Фажа’а хитобасидан парча.

<sup>126</sup> Қаранг: Ушбу иқтибос Қуръони каримнинг Каҳф сураси 45-оятидан олинган. Қуръони Каримдан айрим суралар. Асмоул хусно ва салавотлар. – Б.27.

Ушбу хитоба уммавийлар даврида яшаб ўтган Қутри бин ал-Фажа'ага тааллуқли. Хитоба келтирилган манбада “Қутри бин ал-Фажа'а минбарга кўтарилди, Аллоҳга ҳамд ва сано айтгач, шундай деди” тарзида ёзилгани боис биз айна хитобада ҳам илк ислом давридан бошлаб ўрнатилган аниқ композицион кириш қисми – таҳмид бор деб қабул қиламиз. Хитоба таҳмиддан кейин келувчи “амма баъд” – хитобага тўғридан-тўғри ўтишни англатувчи анъанавий бирикма билан давом этган.

Асосий қисмни нотик худди жоҳилият ва илк ислом давридаги сингари тингловчи эътиборини дарҳол ўзига тортиш учун буйруқ шаклидаги мурожаат билан бошлайди. Унинг тингловчиларига насиҳати – дунё ҳақида бўлиб, мақсади ҳаёт ҳикматларини, дунёнинг турфа найрангларини тингловчиларга тушунтирмақ, огоҳлантирмақдир. Хитоба ҳажман салмоқли – 3 бетдан ошиқ, аммо биз ундан парча келтириш билан кифояландик. Бу хитоба уммавийлар давридаги шафқатсиз урушлар, низолар, одамлар орасида бўлинишлар авжига чиққан пайтда “хаварижлар” жамоасидан ажраб чиққан “азариқа” фирқаси раҳнамосининг оғир вазиятда ўз ортидан эргашганларга айтган нутқидир.

Унда анъанавий композициянинг аниқ қисмлари: таҳмид, “амма баъд”, асосий қисм сўнг хулоса ва хотима мавжуд. Қутри бин ал-Фажа'а нутқининг асосий қисмидан олинган парчада нотикнинг фалсафий қарашлари, дунё ҳақидаги ўзи идрок этган ҳақиқатлари ва фикрини тасдиқловчи Қуръоний иқтибос акс этган. Нотик ўз хитобасида турли риторик воситалар, поэтик усуллардан самарали фойдаланади. Узоқ давом этган хитобада арабларнинг ўзаро адоватлашув ва бегуноҳ қурбонларнинг қони тўкилишидан сақланиш, Аллоҳ Таолонинг мусулмонлар ўзаро биродар бўлиб яшашлари кераклиги ҳақидаги кўрсатмаларига амал қилиш ҳақида сўзлайди ҳамда ҳар доим фикрини турли далиллар, таърифлар, мажозий тасвирлар орқали билдиради. Хитоба ниҳоясида яна Қуръондан иқтибос келтирилади ва “Эй Аллоҳнинг куллари! Аллоҳнинг буюрганларига риоя қилинлар, сабабки, У сизларни ризқлантирувчидир ва сизлар муқаррар унинг ҳақини адо этишингиз лозимдир!” тарзидаги буйруқ, айна пайтда, илтижо билан якунланади.

Ушбу хитобадаги ҳар бир сўз нотик қалбида кечаётган ғалаёнлар, халқ бошига тушган мусибатларнинг акс-садоси сифатида ифода топади ва унингловчиларга ҳам “юқтиради”. Қутри бин ал-Фажа’анинг айна хитобада уммавийлар халифалиги давридаги реалликдан бадий воқелик яратилган. У “дунё” образини бой ва таъсирчан бадий воситаларда тасвирлайди, бу даврда яшаётган ва ўз истакларига қарши равишда фитналар, урушлар, хусуматлар қурбонларига айланиб қолаётган араб халқи вакиллариининг аянчли ҳаётига ўзининг такводор нигоҳи билан қарайди, фитнага аралашиб қолганларни бу йўлдан қайтариш учун ўзига хос услубда, кишини тўлқинлантирадиган, қилмишларининг оқибатини ўйлашга мажбур қиладиган хитобани айтади. Яъни бунда “санъаткор бир бутунликдан иккинчи бир бутунликни – унинг бадий моделини яратади, ҳаёт материали (диспозиция)ни бадий асар (композиция)га айлантиради. Аслида ҳам диспозицияни композицияга айлантира олиш ижодкор шахснинг туғма имкониятлари сирасида ғоят муҳим бўлиб, истеъдод кучи унинг қай даражада экани билан белгиланади”<sup>127</sup>.

”أما بعد. فإن الله اصطفى محمدا صلي الله عليه و سلم علي خلقه بنبوته، وخصه بفضل كله، وأعزكم باتباعه وأكرمكم بالإيمان به، وحقن به دماءكم المسفوكة، وأمن به سبلكم المخوفة: "و كنتم على شفا حفرة من النار ، فأنقذكم منها، كذلك يبين الله لكم آياته لعلمك تهتدون" فهل خلق ربكم في الأولين و الآخرين أعظم حقاً على هذه الأمة من نبيها؟ وهل ذرية أحد من النبيين و المرسلين أو غيرهم أعظم حقاً على هذه الأمة من ذرية رسولها؟ لا و الله ما كان و لا يكون، الله أنتم! ألم تروا و يبلغكم ما اجترم إلى ابن بنت نبيكم؟ أ ما رأيتم انتهاك القوم حرمته، و استضافهم وحدته، و ترميلهم إياه بالدم، و تجرارهموه على الأرض؟ لم يراقبوا فيه ربهم و لا قرابته من الرسول صلى الله عليه و سلم! اتخذوه للنبل غرضاً و غادروه للضباع جزراً، فله عينا من رأى مثله! و لله حسين بن علي! ما ذا غادروا به؟ ذا صدق و صبر، و ذا أمانة و نجدة و حزم، اين اول المسلمين إسلاماً، و ابن بنت رسول رب العالمين، قلت حماته و كثرت عداته حوله، فقتله عدوه و خذله وليه، فويل للقاتل، و ملامة للخاذل، إن الله لم يجعل لقاتله حجة، و لا لخاذله معذرة، إلا أن يناصر الله<sup>128</sup> في التوبة، فيجاهد القاتلين، و يباذ القاسطين، فعسى الله عند ذلك أن يقبل التوبة و يقبل العثرة...”

*“Амма баъд. Дарҳақиқат, Аллоҳ ўз пайгамбарлигини бериши учун ўзи яратганлар орасидан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни танлади ва уни*

<sup>127</sup> Куронов Д. Адабий асар композицияси. <https://quronov.uz>.

<sup>128</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 63-64. Убайдуллоҳ бин Абдуллоҳ ал-Муррий хитобасидан парча.

барча фазлу карам билан хос (алоҳида) қилди. Унга эргашишингиз билан сизни азиз қилди ва унга иймон келтиришингиз билан сизларни мукаррам (ҳурматли) қилди. Сизларни қонингиз тўкилишидан асради, у билан сизнинг қўрқинчли йўлларингизни хавфсиз-хатарсиз қилди. Жаҳаннам қаърида эдингиз, сизларни қутқарди, худди шундай Аллоҳ сизга ўз оятларини сиз тўғри йўлга тушишингиз учун аниқ-равшан қилди. Айтинг-чи, сизлардан олдинги ва кейинги қавмлар орасидан Раббингиз набийликка шу умматдан кўра ҳақлироқ бирон умматни яратдимиз? Бирон бир набийлар, мурсаллар (юборилган элчилар) ёки улардан бошқаларнинг зурриёди шу умматдан кўра ўз пайгамбари зурёдичалик катта ҳақ-ҳуқуққа эга бўлдими? Аллоҳга қасамки, йўқ бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Сизлар ҳам Аллоҳникидирсизлар. Наҳотки сиз набиийингиз невараси (қизининг ўғли)га нисбатан қандай жиноят қилинганини кўрмадингиз ва хабардор бўлмадингиз. Қавм уни таҳқирлаганини, унинг ёлғизлигини мағлубият деб билганини, қип-қизил қонга белаганини ва ерда судраганларини кўрмадингиз. Бунда улар на Раббисидан ва на унинг расулуллоҳ (САВ)га яқинлигидан қўрқмадилар. Унинг пок зотига гараз билан қарадилар, (гўё) дуога қўл кўтариш учун уни мутлақ ташлаб кетдилар. Аллоҳга қасамки, бунга ўхшаган нарсани яна ким ҳам кўрибди. Аллоҳга қасамки, Ҳусайн бин Али (кўрди). Ундан: ростгўйлик ва сабр, садоқат, қатъият соҳиби, ҳамиша ёрдамга шай ва исломдаги илк мусулмоннинг ўғли, Оламлар Раббиси пайгамбари қизининг ўғлидан нима қолдирдилар? Унинг атрофида ҳимоячилари камайди, душманлари ошди (кўпайди), унинг душмани уни ўлдирди, валийси уни керак пайтда мададсиз қолдирди. Вайл (кулфат) бўлсин унинг қотилига, таъна-маломат бўлсин уни мададсиз қодирганга! Унинг қотили ва хозили (мададсиз қолдирувчи)га на бир баҳона ва на бир гуноҳидан кечили йўқдир. Фақатгина Аллоҳга чин дилдан тавба қилишидан бошқа. Аллоҳ қотиллар билан жанг қилади ва йўлдан озганлар билан адоватда бўлади. Шоядки, Аллоҳ шу иш (Ҳусайн билан бўлган иш) учун тавбани қабул қилса ва гуноҳни кечирса...”

Ушбу хитоба уммавийлар давридаги машҳур хатиб, воиз Убайдуллоҳ бин Абдуллоҳ ал-Муррийга тегишли.<sup>129</sup> Маълумки, омма олдида айтиладиган нутқда фикрни тўғри ва таъсирли баён этиш учун тартибга солинган, оммага таъсир кўрсата оладиган бир неча бўлақлар ва улар орасида кучли мантикий алоқа ўрнатилган бўлсагина тингловчи юрагидан жой олади. Аралаш, аниқ изчиллиги бўлмаган поэтик нутқ тингловчига таъсир ўтказиш нари турсин, ҳатто диққатини тортишга, уларни эшитишга ҳам ярамайди. Шу нуқтаи назардан, ушбу хитоба, шубҳасиз, мукамал композицион қурилишга эга. У ислом пайғамбарининг невараси Ал-Хусайннинг қатл этилиши ва нотикнинг бу ҳолат айнан мусулмонлар орасида рўй берганидан қаттиқ ўқиниши, афсусланиши, тақводор инсон сифатида юрагини ўртаган ҳисларнинг тажассуми сифатида юзага келган. Ал-Муррийнинг айни хитобасида, эътироф этмоқ жоизки, бадий нутқ қурилишининг кўплаб унсурлари: нотикнинг бадий нияти ҳамда ғояси, воқеалар ривож, кульминацияси, нотик фикрларининг тўғри эканини тасдиқловчи исбот-далиллар қисми, лирик чекинишлар ва, албатта, хитоба хотимасидан ташкил топган. Ушбу хитобада нотикнинг мақсади жуда кўп поэтик воситалар ёрдамида тингловчилар ҳисларини унинг мазмунига мос тарзда ўзгартириб туради ва нотик истаган натижага олиб келади. Сўздан-сўзга, жумладан-жумлага таъкид кучайиб боради. Айни хитоба матни келтирилган манбада унинг халқ орасида жуда машҳур бўлгани, мусулмонларнинг кўпчилиги хитобани ёдлаб олгани ҳамда одамлар кўп йиғиладиган жойларда айтиб юргани ҳам илова қилинади.

---

<sup>129</sup> Хитоба матни келтирилган манбадаги маълумотга кўра, ал-Муррийга ўз замонасида мантиқ ва ваъзхонликда етадиган киши бўлмаган.

## III БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР АРАБ ХИТОБАЛАРИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАР

### 3.1. Хитобаларда сажъ лафзий санъатининг қўлланилиши

Ўрта асрлар араб хитобалари бадииятининг асосий унсурларидан бири бу – ушбу хитобаларнинг барча замонларда эскирмай, йўқолмай ҳамроҳлик қилган, қайсидир нотик хитобаларида бутунлай, қай бирлариникидадир қисман иштирок этган, хатиб услубининг ёрқинлигини намоён этувчи восита – қофияли наср, яъни саждир.

“Сажъ ўз филологик моҳиятига кўра, маънавий-лафзий санъат ҳисобланади. Чунки у муайян асардаги мазмунни ёрқин ифодалабгина қолмай, балки нозик сўз ўйинлари, ифоданинг оҳангдорлигини таъминлашда ҳам муҳим рол ўйнайди”.<sup>130</sup> Ижодкор бу санъат фойдаланилиши мумкин ҳар қандай адабий жанрда қўллашага ҳаракат қилади. Шу маънода сажъ жоҳилият даври хитобаларида ҳам энг кўп учрайдиган бадиий санъатдир. Сажнинг араб адабиётида шеъриятдан ҳам аввалроқ пайдо бўлиб, кейинчалик унинг асосида шеърият келиб чиққани ҳақидаги қарашларнинг асосида, бизнинг фикримизча, араблар жоҳилият давридан аввалги (500 йиллар) замонлардаёқ оддий кундалик мулоқотда, йиғин ва кенгашларда оҳангдош сўзларни топиб гапиришни яхши кўришган ва бунда уста бўлишгани назарда тутилган.

Мавзу юзасидан манбаларни ўрганиш натижалари араб халқининг энг қадимий адабий жанрлари ҳисобланмиш мақол, матал, ҳикмат ва хитобалар сажда учраши бу бадиий санъатнинг анча қадим тарихга бориб тақалиши, жоҳилият даврида, эҳтимолки, сажъ юксак ривожланиш босқичини ўтгани ҳақидаги тахминларимизнинг асосли эканини тасдиқлайди.

Жоҳилият даврида қоҳинлар нутқида ишлатилгани сабабли уларнинг нутқи, хитобалари “сажъ ал-куҳҳан” номи билан машҳур бўлган. Жоҳилият хитобаларини поэтик жиҳатдан таҳлил қилиш асносида, исломгача бўлган

---

<sup>130</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Б. 12.

даврдда бу бадий санъатдан барча хитобаларда ўринли ва унумли фойдаланилганлигидан келиб чикиб хулоса қиладиган бўлсак, сажъ жоҳилият даври нотиклигини балиғлик ва фасоҳат юзасидан баҳолашнинг муҳим меъёри ҳисоблангани, нотикларнинг ўз нутқида ушбу санъатни вазият тақозосига кўра маҳорат билан қўллашнинг адабий урфга кирган дейиш мумкин. Негаки жоҳилиятда шоирлар, хатиблар ва қоҳинларга нисбат берилган таърифларнинг асосида уларнинг сўз санъатида қанчалик маҳоратли, “сирх ҳалол” орқали таъсир этишлари масаласи турар эди. Бундан ташқари, манбаларда илк шеърини вазн бўлган ражаз ҳам саждан кейин пайдо бўлгани ҳақида маълумотлар бор. Масалан: “Саждан ташқари арабларнинг энг қадимги машҳур вазни ражаз ҳам ривожланди”<sup>131</sup>.

Илк ислом ва уммавийлар ҳукмронлиги давларида хитобаларнинг мазмуни бутунлай ўзгарди ва, албатта, нотикларнинг таъбларида ҳам шундай ҳолат юз берди. Шу боис бўлса керак, хитобаларнинг анъанавий шаклий унсури бўлган сажнинг бу даврлардаги қўлланилиши жоҳилият давридаги нисбатан камайди. Бироқ айтилиши нисбатан камлик кейинги даврлар учун аҳамиятли даражада кўпдир. Хитобада таъсир кучини ошириш, мазмуннинг тингловчиларга осон ва тўлиқ етказиш хатибга баҳо бериш меъёрига айланган. Хатиблар хитобада қисқаликка, ихчамликка интиланган, хотирада муҳрланадиган, катта таассурот қолдирадиган сўз ва ибораларни танлашга ҳаракат қилганлар, чунки бундай хитоба ёдда осон қоладиган ва узок ҳудудларгача ёйилган. Бироқ жоҳилият даврида кўпчилик арабларнинг ёзувдан хабари бўлмагани сабабли хитобалар матнлари ёзма тарзда эмас, ровийлар қилган нақлларда етиб келган. Ровийларнинг эса хитобани ҳар доим ҳам тўла эса сақлаб қола олмагани туфайли уларнинг кўп қисми йўқолиб кетган. Фақатгина ўзининг асл маъносига муносиб қўлланган ва қалбларда ўрнашган, энг тез ва енгил ёдланадиган иборали матнларгина ровийлар орқали келган. Табиийки, хитоба тилини ёдда тез қоладиган, қалблардан жой оладиган қиладиган сажъ

---

<sup>131</sup> Nicolson R.A. Literary History of the Arabs. – P.74.

лафзий санъати эди. Қолаверса, араб тилининг кенг имкониятлари, улкан синоним ва антоним сўзлар заҳирасига эгаллиги; наҳвий қонуниятлари асосида кўплаб сўзларнинг ясалиши, бу тилнинг сермаънолик тамойиллари нафақат шеър, балки хитобада ҳам инсонга эстетик завқ бера оладиган, мусиқийлик, оҳангдорликни таъминлайдиган услубни – сажни қўллашга имкон берган. Зеро, “сажъ ғайриихтиёрий юзага келади ва у вазиятга алоҳида қасд билан тайёрланмайди. У эшитишга ёқимли, тингловчига яхши таъсир кўрсатади ва шу сабабли аксарият хитобаларда мақол, ҳикмат, ўзаро мақтаниш ва баҳсларда кўп қўлланган”<sup>132</sup>.

Айни иқтибос эса саждан маҳорат билан фойдаланиш араб хатибларининг туғма иқтидори бўлгани, уни қўллаш учун алоҳида тайёргарлик кўрилмаганини тасдиқлайди. Айнан шундай иқтидори бор кишилар кейинчалик машҳур нотик бўлиб етишиб чиққан. Шу билан бирга, “кўрамизки, сажъ ягона риторик нотиклик нақшига айланди, нотикликни кўрсатувчи ҳар қандай кўринишдаги – айтилган, ёзилган нутқий маҳорат белгиси бўлиб қолди. Аммо у, аслида, чуқурроқ, қарийб диний аҳамиятга эга бўлиб, шоирлар, қоҳинлар томонидан алоҳида шакл сифатида, худди уларнинг ғайриоддий кашфиётларидаги бир жиҳат ёки ҳар қандай шаклдаги сирли маҳфий илмга оид маълумотларни ташиш воситасидек қабул қилинди”<sup>133</sup>. Бундан араблар орасида ҳамма ҳам бу санъатни қўллай олмагани, жоҳилият даврларидаёқ кундалик оддий нутқдан фарқли бўлган бадий нутқ, асосан, сажъ орқали юзага чиққани аён бўлади.

Араб тилида сажнинг луғавий маъноси қуйидагича: 1) куқулади; хур-хур овоз чиқарди. 2) қофияли насрда гапирди; 3) биров учун қасида айтди; 4) мўътадил, бир маромда юрди.<sup>134</sup> Сажъ адабий истилоҳ сифатида эса “тапни

<sup>132</sup> الوسيط في الأدب العربي و تاريخه، ص 18.

<sup>133</sup> Nicolson R.A. Кўрсатилган асар. – Б. 74.

<sup>134</sup> Ал-Қомус: арабча-ўзбекча қомусий луғат. 2-жилд. – Б.490.

қофияли қилиб сўзлаш – гап охирини қофияли қилиш, аниқ бир тартибга келтириш”<sup>135</sup> ёки “бирор вазнсиз узилган қофияли сўз бўлаклари”<sup>136</sup> дир.

Ўрта аср араб хитобаларида сажъ санъатининг қўлланилишини кўп бўлмаган мисоллар асосида таҳлил этган бўлсак (диссертация ҳажмининг чекланганлиги тақозоси билан) ҳам, аслида, бу санъат араб хитобаларининг қарийб барчасида қўлланилган. Сажъ санъат сифатида адабиётларда турлича таснифланган, бироқ биз шарқ поэтикаси билан шуғулланган адабиётшунослар ва уларнинг тадқиқотларига асосланган европалик олимларининг фикрларига таянган ҳолда хитобалардаги сажни Б.Саримсоқов кўрсатган турларига кўра таҳлил қилишни лозим топдик<sup>137</sup>.

### Жоҳилият даври хитобаларида сажнинг қўлланилиши.

“قال: من أكرم الناس عشرة؟ قال: من إن قرّب منح،و إن بغد مدح،و إن ظلم صفح،و إن ضويق  
سمح”

“Одамларнинг орасида дўст сифатида энг кўп ҳурматга лойиғи ким? Деди: У – яқинлашса, мукофотлайди, узоқлашса мақтайди, агар зулм қилинса воз кечади, торлик қилинса, яъни нимадир тортилса – қўли калталиқ қилиб қолса, сахий, кенг феълли бўлади”<sup>138</sup>.

إن قرّب منح - Ин қаруба манаҳа

إن بغد مدح - Ин баъуда мадаҳа

و إن ظلم صفح - Ин зулима сафаҳа

إن ضويق سمح - Ин дувиқа самаҳа

Бу хитобадаги биринчи ва иккинчи гаплар **тўлиқ саж** бўлса, учинчи жумла *зулима-дзувиқа, сафаҳа-самаҳа* сўзлари ва ҳар тўрт жумланинг охирлари “*манаҳа, мадаҳа, сафаҳа, самаҳа*” – ўзаро вазндош, араб тилидаги I боб феълларининг ўтган замон аниқ нисбати шаклидалиги юзасидан

المبرد، الكامل غي اللغة العربية و الأدب، ج5، ص241، 135

القشندي، صبح الأعشى، ج2، ص269، 136

<sup>137</sup> Қаранг: Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Б. 12. Олимнинг фикрича: Сажъ тузилиши жиҳатидан 3 хил бўлади: 1. Тўлиқ сажъ (мутавозий сажъ) – бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзлар вазнда ҳамда равийда мос бўлади. 2. Қофияли Сажъ (мутарраф сажъ) – бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзлар равийда мос бўлиб, вазнда тенг бўлмайди. 3. Вазндош сажъ (мутавозин сажъ) – бир ёки бир неча гапдаги айрим сўзлар ҳамвазн бўлиб, равийда мос бўлмайди.

<sup>138</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С.19. Жоҳилиятдаги Ҳимёр шоҳларидан бирининг олдидаги таса’ул-савол жавоб хитобасидан парча.

шаклдошлик асосида қофияли сажга мисол бўла олади. “Зулима ва дувиқа” сўзларида равий ҳар хил бўлса-да, грамматик кўриниши - ўтган замон мажҳуллик нисбатида шаклдошдир. Бундай сажли жавоб, биринчидан, нотикнинг нафақат ақли, балки тили ҳам қудратли эканини, ҳозиржавоблигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, ушбу сажли жумлада алоҳида сўзларнинг ўзаро қофиядошлиги ҳисобига **тарсиъ санъати** ҳам намоён бўлган<sup>139</sup>.

قال "فأي النساء إليك أبغض يا عمرو؟" - Деди: “Айт-чи, эй Амр, сен учун аёлларнинг энг ёмони қайси?

قال: القاتاة الكذوب، - Деди: Чақимчи-ю ёлғончи,

الظاهرة العيوب، - Кўриниши нуқсонли,

و الطرافة الهيوب، - Бўрондек айланувчи, кезувчи,

العابسة القطوب، - Пешонаси тиришган (қовоғидан қор ёққан),

السبابة الوثوب، - Тилгинаси сакровчи.

التي إن انتمها زوجها خانتة، - Яна у шундай аёлки: агар завжи ишонса, унга хиёнат қилур. و إن لان لها أهانتة، - Агар юмшоқлик қилса, ерга уриб, камситур,

و إن أرضاها أعضبتة، - Агар кўнглини олса, йўққа чиқарур,

و إن أطاعها عصته<sup>140</sup> - Агар унга кўнса, қайсарлик қилур.

Бу сажъ намунаси жоҳилиятдаги “*таса’ул*” (савол-жавоб) шаклидаги хитобаларнинг типик мисолидир. Арабларда энг кўп қадрланадиган турли хил фазилатлар юзасидан бериладиган саволларга бундай сажли жавоблар жуда кўп учрайди. Ушбу хитобадаги ёмон аёлларга берилган таърифдаги сажъ санъатини иккига ажратиш мумкин: I. 1 – 5 –иборалар. II. 6 – 9-иборалар.

Биринчидан бешинчигача бўлган сифатлар араб тилидаги “**فَعُول**” вазни сифатлари орқали ифодаланиб, ўзаро қофиядошдир: “*ал-казуб, ал-айуб, ал-ҳабуб, ал-қатуб, ал-васуб*”. Аммо 1 – 3 – 5-сифатли бирикмалардаги биринчи келган: “*ал-қаттатату, ат-тавафату, ас-саббабату*”; 2 – 4-

<sup>139</sup> Ушбу сажъ намунаси айни пайтда тематик-психологик ва ритмик-синтактик параллелизмнинг ҳам ёрқин намунаси бўла олади.

<sup>140</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 22.

бирикмалардаги биринчи келган: “аз-заҳирату, ал-аъсибату” сўзлари ўзаро вазндош ва шаклдошлик асосида ўзига хос тўлиқ сажни юзага келтирган. Ҳозиржавоб доно ўғил хитобасининг олтинчи жумласига келгач, бир хилликдан қочади ва тингловчи эътиборини янги услубдаги таърифга ўтказди: 6 – 9-бирикмаларда энди у ёмон аёлларга таърифни феълли жумлалар билан беради, аёлларнинг турмуш ўртоқларига нисбатан муносабатларидаги камчилик ва салбий одатларини таърифлашни бошлайди. 6-гап ўзидан кейинги уюшиқ феълли жумлалар учун маънонинг тўлиқлигини таъминлаш кераклиги сабабли **زوجها التي** ва **زوجها** сўзларини ўз ичига олади, гарчи булар бирор сўз билан қофиядош бўлмаса-да, сажнинг бадий мукамал воқеланишига зарар етказмаган. “Ал-лати ин и’таманаҳа завжуҳа ханатҳу”, “ва ин лана лаҳа аҳанатҳу” “ин арадаҳа аъдабатҳу”, “ин атаҳа асатҳу”. Бу парчадаги ҳар бир сўз тўлиқ қофияланган. Ҳар бир гапдаги тартибдан тартиб, ишлатилган сўз ва уларнинг вазифасигача раво ва мусиқий. Сажнинг тарсеъ санъати билан бу қадар уйғунлашиши тингловчиларга шакл ва мазмун жиҳатидан ҳам эстетик таъсир қила олган, берилган жавобдан кутилган натижага эришилганига шубҳа қолдирмаган<sup>141</sup>.

Ушбу хитобадаги тагига чизилган сўзларда ҳам сажъ санъати воқеланган:

-“**القمر الباهر، والكوكب الزاهر، والغمام الماطر، و ما بالجو من طائر، لقد سبق هاشم أمية الى المآثر، أول منه و آخر، و أبو همهمة بذلك خابر**”

“Ёруғлик сочувчи ойга қасамки, чарақлаган юлдузга қасамки, ёмғирли булутларга қасамки, осмонда неки учса, унинг билан қасамки, Ҳошим (Ҳошим қабила номи) аллақачон тақдирга лойиқ ишларда Умайядан (қабила номи) ўзиб кетди. Ундан олдиндадир ва бу ундан кейинда қолибдир. Ва Абу Ҳамҳама (шахс номи) бундан хабардордир”<sup>142</sup>.

<sup>141</sup> Ушбу сажъли хитобада ҳам тематик психологик, ритмик-синтактик параллелизмлар ажойиб тарзда қўлланилган.

<sup>142</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 78.

Айни хитобадаги сажъ санъати “сажъ ал-куҳҳан”га мисол бўлади. Коҳинлар сажининг алоҳида номланишига асосий сабаб уларнинг қандай вазиятда, қандай мавзуда ва қандай тингловчига хитоба айтишларидан қатъи назар, “сирлилиқ, ғайриоддийлиқни” таъминлаш ва тингловчини ўз таъсирида ушлаб туриш мақсадида нутқни мусиқий ва оҳангдор қилишга ҳаракат қилганларидир, буни эса сажъ таъминлаган. Бу коҳин сажининг оддий сажли хитобалардан фарқи унда табиат ҳодисалари, жоҳилият даври кишилари тасаввурларида улар учун муқаддас ва ёрқин образларни яратиш учун қатор қасамлар сажда ифодаланганидир. Эътироф этиш жоизки, коҳин танлаган образлар тизими, қўллаган сифатлашлари ва сажни уларга мос даражада жойлаштира олгани сабабли ҳам хитобанинг таъсир кучи ошган.

#### **Илк ислом даврида сажнинг қўлланилиши.**

“يا رسول الله أتيناك من غورى تهامة بأكور الميس” ترمى بنا العيس، نستحلب الصبير، و نستحلب الخبير، و نستغضد اليرير، و نستخيل الرهام، و نستحيل الجهام، من أرض غائلة النطاء، و غليظة الوطاء، نشف المدهن، و يبس الجعثن، و سقط الأملوج و مات الغسلوج، و هلك الهدى، و مات الودى، برننا يا رسول الله من الوثن و العثن، و ما يحدث الزمن، لنا دعوة السلام، و شريعة الإسلام، ما طمى البحر، و قام تعار، و لنا نعم، همل <sup>143</sup>أغفال، ما تبض ببلال، و وقير كثير الرسل، قليل الرسل، أصابها سنية حمراء مؤزلة، ليس بها علل و لانهل”

*“Эй Оллоҳнинг элчиси, биз сенинг олдингга Тихоманинг гаройиботлари, ундаги (махсус) майс дарахтидан ясалган жабдуқларимиз билан келдик. Бизни оқ малла аралаш туяларимиз улоқтириб, отиб иргитади, биз қуюқ булутларни сиқамиз, ўт ўланни йигамиз (эга бўламиз), арок дарахти меваларини терамиз (қургоқчилик пайтида одамлар ҳам уни ейшиган), раҳом (булут номи)ни ёмғирли деб ўйлаймиз, жаҳом (булут номи – сувини йигишига улгурилмай оқиб кетади, ) олдида имконсизмиз, биз узоқ ҳалокатли ерданмиз, (бизга) кўп озорлар етадиган ўлкаданмиз. Сувдан узилганмиз: ҳар бир сув ичадиган ҳавзамизни сел ювиб кетди, ўсимликлар илдизигача қуриди, сарв дарахтлари (сахрода ўсади) япроқлари тўкилди. Дарахтларнинг эндигина кўкарган юмшоқ новдалари ўлди. Қурбонликка деб боқилган ҳадийларимиз (ҳайвонлар) ҳалок*

<sup>143</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 165. Расулulloҳ (САВ) олдиларига элчи бўлиб келган Таҳфа Аби Зухайр ал-Ҳиндининг хитобаси.

бўлди. Энди кўкарган дов дарахт (сўзма-сўз новда)имиз қуриб битди. Эй расулуллоҳ, биз васан ва асан (бут санамлар)дан халос бўлдик, замон нимани содир этмайди (дейсиз)? Биз учун ислом даъвати бор (найдо бўлди) ва ислом (дини) шариати ҳам, унданки (ислом даъвати) денгиз тўлиб тошди, Тиар тоғлари тикка турди, бизда подалар бор, кеча-ю кундуз ҳеч бир назоратсиз ўтлаб юрадиган, бирон белги тамғасиз туяларимиз (ҳам бор) ва томоқни ҳўллашга ҳам етмайдиган сувимиз бор (бунинг оқибатида туялар сут бермай қўйганига ҳам ишора қилинади) ва яна қўйлар подаси кўп (ҳар хил нарсалардан пода, тўдалар бор), (аммо) сут кам. Уларнинг барчасини ҳаддан ортиқ қизил олов (жазирама иссиқ) куйдириб ташлади (қурғоқчилик ва очлик дейилмоқчи), бунда на қайта-қайта сув ичиш ва на тўйиб қониш (сувдан) бордир”.

Унга расулуллоҳнинг жавоби:

”اللهم بارك لهم في مَحْضِهَا و مَخْضِهَا و مَذْقِهَا، و اعث راعيها في الدَّثْرِ، يَبِيع الثَّمَر، افْجُر له الثَّمَد، و بارك له في المال و الولد، من أقام الصلاة كان مسلماً، و من أتى الزكاة كان محسناً، و من شهد أن لا إله إلا الله كان مخلصاً، يا بني نهد، ودائع الشرك، و ضائع الملك، لا تُلطظ في الزكاة، و لا تُلجِد في الحياة، و لا تتأقَل<sup>144</sup> عن الصلاة”

“Аллоҳумма, буларнинг тўйимли сутларига, уларнинг тўлиб тошиб кўпиришига баракот бергин, уларнинг (ҳатто) сув қўшадиган сутларига ҳам баракот бергин, уларнинг яйловларига, подаларига мўл-кўллик юбор, пишган мазали меваларни (юбор), унга (шу қавмга) ердан сизиб чиқадиган булоқ оқизиб бер. Унинг молу дунёсини ва ўғилларини кўп, баракотли қилгин, кимки намозга турса, мусулмон бўлади, кимки закот берса, эҳсон берувчи бўлади. Кимки Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, деб гувоҳлик берса, садоқатли, мухлис бўлади. Эй Наҳд аҳли, муширлардан олинган ўлжаларни байтул молда асровчилар, мулкидан солиқ берувчилар, закотда оғринманглар (сўзма-сўз таржимаси – эгилманг, қийшайманг), ҳаётда куйфрга берилманглар, намозга бепарво бўлманглар!”

Ушбу икки хитобада сажъ санъати яна ҳам мукаммал, яна ҳам қийин кўринишда намоён бўлган. Тиҳомалик элчи расулуллоҳга шу қадар балиғлик

<sup>144</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 166.

билан сўзлайдики, ислом пайғамбари ҳам унга шундай санъатни қўллаб жавоб беради. Иккала хитобада ҳам **тажнисли сажъ, тажниси томмнинг** яхши намуналари мавжуд.

‘و نستجلب الخير، و نستخيل الرهام، و نستحيل الجهامنستحلب الصبير

“نستحلب - настаҳлибу” ва “نستجلب - настажлибу”, “نستخيل - настахилу” ва “نستحيل - настахилу” сўзлари шаклан қарийб бир хил бўлиб, фақат ҳарфлардаги нуқталари билан фарқланади. “Бу хил тажнислар – хатти тажнис деб юритилади”<sup>145</sup>. Бундай санъатни *сажда* ишлатиш, умуман, қофия санъатида ишлатиш мураккаб бўлиб, мукамалликни талаб этади. Сабаби нотик бу сўзларни хитобани вазиятга мос ҳолда, фикрларини тўғри ифода этиш – ўзи расулулоҳга айтишни режа қилиб келган ниятларини тўғри ва таъсирли етказиш учун танлаган ва зарур мазмун билан мукамалликка ҳам эришган. Нотик нутқнинг таъсирчан бўлиши учун ўзи ва қавмдошлари яшаётган ўлканинг шафқатсиз шарт-шароитларини оддий баён қилишни эмас, балки бадий гўзал шаклда етказиш мақсадида сажни қўллаган. Бунинг устига, нотик хитобасининг ёзув пайдо бўлгач, биз ёзувда кўриб турган *хатти тажнисий* юзага чиқишидан, табиийки, беҳабар бўлган. Зеро, ўша давр кишиси учун муҳим бўлган ва “ғайриихтиёрий келган” сажъ йиллар ўтиб, бадий санъат сифатида баҳоланмоқда. Хитобада сажнинг яна бошқа турлари ҳам бир пайтда намоён бўлган: “настаҳлибу ас-сабира”, “настажлибу ал-хабира”, “настаъдиду ал-барира” жумлалари ўзаро ҳамда “настахилу ар-раҳама” ва “настахилу ал-жаҳама” жумлалари ўзаро тўлиқ сажни юзага келтирган.

كثير الرسل ва قليل الرسل бирикмаларидаги “расал” ва “рисл” ҳам тажниси томмли сажга мисол бўлади.

Биз аввалги бобларда маълумот берганимиздек, араб қабилалари тилдан маҳорат билан фойдаланишни қадрлар, ўзларидан ҳам комил қилиб айтилган нутқларгагина диққат қаратганлар. Ана шуни ҳисобга олган ислом пайғамбари

<sup>145</sup> Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадийят малоҳати. – Б. 223.

элчига фавкулодда, кутилмаган бир вазиятда балиғлик ва фасихлик билан жавоб қайтарган.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки, хитобаларда сажнинг биз юқорида таҳлилга тортган уч туридан бошқа кўринишлари ҳам бўлган. Масалан, расулуллоҳнинг элчига жавобида:

و ابعث راعيها في الدثر،  
بيان الثمر، افجر له الثمد  
بارك له في المال و الولد

жумлалар охиридаги “الدثر”, “الثمر”, “التمد” сўзларида қайтарилган “д”, “т”, “м”, “р” ундошлари вазндошликдан ташқари “таркиби оҳангдош ва ўзаро қофиядош бўлган бир хил сўзларни ёнма-ён қўллаш санъати – тазмини муздаваж сажни<sup>146</sup> ҳосил қилган, кейинги жумла охиридаги **الولد** валад сўзи билан сажъи мутавозинни юзага чиқарган.

Расууллоҳ (САВ)нинг ислом рукнлари тавсифланган кейинги жумлаларида эса сўз охиридаги вазндошликдан ташқари ички қофия ҳам юзага келган ва сўзларнинг таъсир кучини янада оширган: “муслиман, муҳсинан, мухлисан” сўзлари ўзаро вазндош ва шаклдош. Бундан ташқари, ҳар бир жумлада сифатдошдан олдин ишлатилган “кана” феълининг такрорланиши эвазига оҳангдорлик кучайган ва бу сўз мазмуннинг сингдирилишига катта ҳисса қўшган.

من أقام الصلاة كان مسلماً،

жумлаларида ички қофия ҳосил қилиниб, хитоба услубининг аниқлиги ва равонлигини таъминлаган<sup>147</sup>.

اللهم بارك لهم في مَحْضِهَا و مَحْضِهَا و مَذْقِهَا – жумласида “махдиҳа” ва махдиҳа” сўзлари хатти тажнисий, ундан кейинги “мазқиҳа” билан биргаликда тўлиқ сажни ҳосил қилган. “ودائع الشرك” ва “و ضائع الملك” жумлаларидаги “вадаиъ”

<sup>146</sup> Ҳожиаҳмедов А. Кўрсатилган асар. – Б. 102.

<sup>147</sup> Ушбу жумлаларда бир пайтнинг ўзида лексик-морфологик, тематик-психологик ва ритмик-синтактик параллелизм ифода топган.

хамда “вад (з)аъи” сўзлари бир пайтнинг ўзида тажниси томмли тўлиқ сажни ҳосил қилган.

“لا تَأْتَلْ عَنِ الصَّلَاةِ” , “و لا تُلِحِدِ فِي الْحَيَاةِ” , “لا تُطْطِ فِي الزَّكَاةِ” , “хайат”, “салат” сўзлари ўзаро вазндош бўлиб, сажъи мутавозинни ҳосил қилган.

Маълумки, ҳар қандай бадий асарнинг қиймати, энг аввало, унинг мазмуни қанчалар теранлиги билан ва шундай мазмуннинг ўзига хос поэтик шаклга солиниши билан баҳоланади. Буни Абдулла Орипов ҳам қуйидагича тушунтиради: “Азал-азалдан ҳар қандай бадий асарни баҳолашда маъно-мазмун ва бадий савия асосий мезон бўлиб келган”.<sup>148</sup> Таҳлил қилинган иккала хитобада сажъ турли кўринишларда юзага чиққан.

#### Уммавийлар даврида сажнинг қўлланилиши

”رحم الله أبا بكر، كان والله للقرآن تالياً، وعن المنكر ناهياً، وبذنبه عارفاً من الله خائفاً، وعن الشبهات زاجراً، وبالمعروف آمراً، وبالليل قائماً، وبالنهار صائماً، فإق أصحابه، ورعا وكفاً، وسادهم<sup>149</sup> زهداً وعفافاً، فغضب الله على من أبغضه وطعن عليه”

*“Аллоҳ Абу Бакрни раҳматига олсин! У, Аллоҳга қасамки, Қуръонни тиловат қилувчи ва унга эргашувчи, гуноҳлардан қайтарувчи, ўз гуноҳини билгувчи ва Аллоҳдан қўрқувчи, шубҳа – гумонлардан тўхтатувчи, яхши ишларга буюрувчи, тунда бедор, кундуз рўзадор(эди). Асҳобларидан мартабаси баланд бўлди, уларнинг кафафи (етарли озиқ-овқати, рўзгор харажатлари) ҳақида қайғурди ва уни назорат қилди, уларни зуҳд ва поклик билан бошқарди. Аллоҳ унинг газабини келтирганларга ва унга таъна қилганларга газаб қилсин!”*

Халифа Абу Бакрни таърифловчи ушбу хитобада ҳам сажъ санъати қўлланилган. Ва ҳар бир жумла охиридаги “*талиийан, наҳийан, ғарифан, ха’ифан, зажиран, қа’иман, са’иман, кафафан ва ғафафан*” сўзлари бутун хитоба давомида ўзаро қофияланиб, уч ҳижолик сажъ мутавозинни ҳосил

<sup>148</sup> Орипов А. Мафтункор шеърят / Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. – Тошкент, Шарқ, 2019. – Б. 3.

<sup>149</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 91. Ибн Аббоснинг тўрт одил халифа ҳақида айтган хитобаси тематик, психологик, лексик-морфологик, ритмик-синтактик параллелизмларга ҳам ёрқин мисол бўла олади.

қилган. Бироқ хитобадаги “қа’иман ва са’иман”, “кафафан ва ѓафафан” сўзлари орқали тўлиқ саж намоён бўлган.

Иккинчи одил халифа Умар бин ал - Хаттобга берилган таърифни кўриб ўтамиз.

”رحم الله أبا حفص عمر، كان والله: حليف الإسلام، مأوى الأيتام، ومنتهى الإحسان، ومحل الإيمان، وكهف الضعفاء، معقل الحنفاء، قام بحق الله عز وجل صابراً محتسباً حتى أوضح الدين، وفتح<sup>150</sup> البلاد، وأمن العباد، فأعقب الله على من ينقصه اللعنة إلى يوم الدين ”

*“Аллоҳ Абу Ҳафс Умарни раҳматига олсин! У, Аллоҳга қасамки, исломнинг ёрдамчиси, етимларнинг паноҳи, яхшиликни охирига етказувчи, иймоннинг ўрни, заифларнинг тоғи (ҳомийси), ҳанифларнинг қўргони эди. Аллоҳ азза ва жалланинг ҳақларига сабр билан итоат қилар, Аллоҳ ризоси учун динни шарҳлар(ди). Шаҳарларни фатҳ этди, қулларини унга (Аллоҳга) иймон келтиртурди. Аллоҳ ундан гап топиб ёмонлаганларни қиёмат куни лаънатига олсин!”*

Бу таъриф – хитобаларнинг ҳар иккаласида ҳам сажнинг ўзгача бир кўриниши зоҳир бўлган. Ибн Аббос хитобасидаги сажнинг оригиналлиги нотик шахсияти, яъни теран фикрли, закий эканидан далолат беради. Хитобадаги ҳар бир таърифда халифаларнинг руҳий-маънавий қиёфасини тингловчилар олдида гавдалантириш учун нотик уларнинг характерини ўзларига мос сўзлар билан тасвирлайди. Бунда мазмун устунлигини таъминлаган сажли сўзлар гўё шу шаклга, вазнга тушишни истагандек таассурот қолдиради. Ундаги вазндош ва шаклдошлик халифаларнинг табиати, ислом дини равнақига қўшган ҳиссалари, яшаш тарзи билан ҳамоҳангликда юзага чиқади.

### **3.2. Хитобаларда маъновий санъатларнинг қўлланилиши**

Араблар тарихига бағишланган китобларнинг бирида “дунёдаги бирор халқ, эҳтимолки, бадий таъбирдан арабларчалик кўп фахрланмаса керак ва

<sup>150</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 91-92.

уларчалик сўз санъатида, хоҳ ёзма ва хоҳ оғзаки бўлсин, ўзларини кўчира олмасалар керак”, дейилган.<sup>151</sup> Буни тўлиқ маъқуллаган ҳолда яна шуни кўшимча қилиш мумкинки, бунда араб тилининг илоҳий табиати араблар лисоний сезгисининг нозиклашувиға ҳам ҳисса қўшган. Адабий асарда сўз тўғри ёки кўчма маънода қўлланилади. Агар асар тилида сўз тўғри маъносида эмас, балки кўчма маънода ишлатилса, у махсус бадий тасвир воситаси бўлиб келган ҳисобланади. Ўз номи билан сўз санъатининг юксак тажассуми, ҳар қандай тилнинг бемисл ва чегарасиз имкониятлари қудратини ўзида намоён этувчи нотиклик анъанаси, хусусан, араб нотиклик санъати намуналари – хитобаларда ҳам бундай бадий санъатлардан жуда кўп, самарали ҳамда юксак балоғат, маҳорат билан фойдаланилган. Араб хитобаларида бадий санъатларни қўллаш образлилик яратишдаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган. Бундай санъатларнинг вазифаси фақат адабий асарга зийнат, безак беришдангина иборат эмас, балки мазмунни таъсирчан, ёқимли, ишонарли, ҳаққоний қилиб етказиш, асосийси, хитоба руҳи, хатиб кайфияти ва фикрини тингловчиларга “юқтириш” ва шу орқали таъсир этишдир.

Араб хитобаларида хатиблар маҳоратига уйғун равишда бундай санъатлар, кўпинча, бири иккинчисига таъсир этмаган ҳолда бир хитобада, бир лексик бирликда ҳосил қилинган. Шу боис ушбу бўлимда таҳлилга тортилган хитобалар етакчи маъновий санъат намунаси сифатида кўриб чиқилди, айти пайтда, шу бирликларда акс этган бошқа бадий санъатларни қайд этиш билан чекланамиз.

Араб хитобларида етакчилик қилган асосий маъновий санъатлардан бири истиора бўлиб, у илк араб поэтик тасаввурлари ҳақидаги асар – Ибн ал-Муътазнинг “Китаб ал-бадий”<sup>152</sup>да алоҳида бобда ёритилган. Муаллифнинг ёзишича, “Биз китобимизда расулulloҳ (САВ) ҳадисларининг иснодини

---

<sup>151</sup> Қаранг: Хитти Р. К. History of the Arabs. – P. 90. Available at: [www.thecsspoint.com](http://www.thecsspoint.com). Яна қаранг шунга ўхшаш фикр: Al-Husseini H.A., Al-Mussawi E.N. The Rhetoric of Oratory in English and Arabic: An Applicable Study to One of Imam Ali's Oration. P.15. Available at: <http://academia.edu/>.

<sup>152</sup> Қаранг: Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. – Б. 231.

келтирмадик. Агар келтирсак, ишимиз чўзилиб кетар эди. Шунинг учун энг машҳур (ва саҳиҳ) ҳадисларни келтирамиз!”<sup>153</sup>

Ибн ал-Муътазнинг асарида ўзи таъкидлаганидек, эски, яъни Қуръони карим, ҳадиси шариф ва хатиблар нуткидаги бадиият унсурлари таҳлил қилинган. Бу Ибн ал-Муътазни илк руҳлантирган ва поэтика масалаларини ўрганишга ундаган омил ана шу қадим манбалар ва улардаги бадийлик намуналари эканлигини тасдиқлайди. Ўрта аср араб хитобаларининг аксариятида учраган бадий санъатлар Ибн ал-Муътазнинг асарида ёритилган.

“Истиора”<sup>154</sup> (арабчада – омонатга олиш; метафора юнончада – кўчириш) – кўп қўлланиладиган поэтик кўчимлардан бири. “Истиоранинг маъноси бир нарсани орият (омонат)га олиш бўлиб, унинг моҳияти ҳар сўзнинг ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир сўзни шу маъно нуқтаи назаридан нақл қилади ва бошқа ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатади. Агар истиора табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлайди”, - деб ёзган шеършунос олим Рашидиддин Ватвот<sup>155</sup>.

Жоҳилият даври хитобаларидаги истиоралардан намуналар:

" لا تَنشَطُوا عَقْلَ الشَّوَارِدِ، وَلا تَتَلَقَّحُوا الْعَوْنَ الْقَوَاعِدَ، وَلا تُورَثُوا نِيرَانَ الْأَحْقَادِ، ففِيهَا الْمَتَلَفَةُ الْمَسْتَأْصَلَةُ وَالْجَاعِحَةُ وَالْأَلِيَّةُ، وَعَفُوا بِالْحَلْمِ، أبلاد الكَلْمِ، وَأَنبِئُوا إِلَى السَّبِيلِ الْأَرْشِدِ وَ الْمَنْهَجِ الْأَقْصَدِ، فَإِنَّ الْحَرْبَ تَقْبَلُوا بِزَيْرِجِ الْغُرُورِ، وَتُدْبِرُ بِالْوَيْلِ وَ الثُّبُورِ..."<sup>156</sup>

*“Эски ва янги ипларни боғламанглар, беваларини юкли қилманглар, (бу иш) қоидага айланмасин. (Бу ибора аслида туя ҳақида айтилган ва масал бўлиб кетган, яъни “бия ўз уюридан ажраб кетди ва бошқа уюрнинг кучли айгир туясидан юкли бўлди”. Арабларда бесабаб уруш бошланса, ана шундай семантик фразеологизм қўлланилган). Яширин адоват оловларини алангалатманглар, уларда (урушлар)да илдизи билан сугуриб олувчи талафот-офатлар, энг яқин кишилардан жудоликлар бордир. Ақл билан жароҳат*

<sup>153</sup> Болтабоев Ҳ.Кўрсатилган асар. – Б. 231.

<sup>154</sup> Қаранг: Хусайний А.Бадойиъ-с-санойиъ(Аруз вази ва бадий воситалар ҳақида). - Тошкент, 1981. – Б. 219; Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси. –Б.5.

<sup>155</sup> Қаранг: Муродий Т. Истиора. Ўзбек тили ва адабиёти, 1972. № 6. – Б. 78-80; яна қаранг: Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Б. 53.

<sup>156</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 12. Мурсад ал-Хайр хитобасидан парча.

яраларини битиринглар. Тўғри йўлга тушмоқ учун шафқат сўраб илтижо қилинганлар, мақсадга элтувчи йўл сўранганлар. Дарҳақиқат, уруш такаббурлик зеб - зийнатларига юзланади, бало ва ҳалокат олиб келади”.

Нотик “эски ва янги ипларни боғламанглар” дейиш билан инсонлар ўртасидаги муносабатларни ипларга ўхшатади, “боғламанглар” сўзи орқали эса “эски гина-адонатларни янгиламанглар” демоқчи бўлган. Бу истиоравий мажоз санъатига мисолдир. “Яширин адонат оловини алангалатманглар” жумласидаги *яширин адонат* – сифатлаш, *яширин адонат олови* эса истиоравий муболаға. Адонатнинг оловга нисбатланиши ва унинг алангаланиши мажоз характерида бўлиб, бунда нотик қабилалар ўртасидаги урушларни назарда тутди. “Ақл билан жароҳат яраларини битиринглар” жумласидаги *жароҳат яраси* кучайтирилган, иккилантирилган истиора, чунки урушнинг ўзи – жароҳат, жароҳатнинг яраси – унинг оғир асорати. “Дарҳақиқат, уруш такаббурлик зеб - зийнатларига юзланади бало ва ҳалокат олиб келади” жумласида образли жонлантириш санъати намоён бўлган.

Жоҳилият даври хатибининг навбатдаги хитобасида ҳам мажозий образлар ажойиб истиоралар орқали тасвирланади:

“إن عداوة بني العلات لا تيرغها الأساة، لا تشفيها الرقاة، ولا تستقل بها الكفاة، والحسد الكامن هو الداء الباطن،... أنا لهم رداءً إذا رهبوا، وغيث إذا أجدبوا، وعَضْدٌ إذا حاربوا، ومفزع إذا نُكِبوا، وأنا وإياهم كما قال الاول:

157. “إذا ما علوا قالوا أبونا و أمننا وليس لهم عالين أم و أب ”

“Дарҳақиқат, бану ал-алати (“бану ал-алат” – “зиёнкорлар, нуқсонлилар қабиласи” дегани бўлиб, араб тилидаги “иллатун” (камчилик, нуқсон) сўзи билан маънодош; арабларда ота бир, она бошқа инсонлар шундай аталади). Уларни на табиб даволайди, на афсунгар шифо беради, улар истеъдод соҳибларининг ҳаракати билан ҳам тузалмайдилар. Яширин ҳасад бу – ички ботиний дард. Дарҳақиқат, агар уларга тазйиқ ўтказилса, биз улар учун таянч-тиргакмиз ва улар қақраб кетсалар, барака ёмғиримиз, улар

<sup>157</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 11. Сабиъ бин ал-Ҳараснинг хитобасидан парча.

урушсалар, билакмиз, агар уларга азият етса, биз улар учун соябонмиз, паноҳмиз. Ва ҳақиқат (шу)ки, биз улар учун аввалгилардан бири айтганидек: “Агар юксалмасалар айтдиларки: онамиз ва отамиз, юксалганларида эса уларнинг на ота ва на онаси бордир””.

Тагига чизилган бирликларда бир қабила бошқаси учун “таянч, барака ёмғири ва билак, бошпана” сифатида жоҳилият даври адабиётидаги фаол мажозий образлар истиора орқали тасвирланган. Бу истиоралар бир қабиланинг бошқа қавм билан, гарчи улар ичи қора, ҳасадгўй бўлсалар ҳам, дўстлик алоқаларини тиклашга шай экани англашилади. Хитоба охиридаги шеърӣй парчада нотик киноя санъатидан фойдаланган.

Қуйида тагига чизилган бирликларда ҳам истиора мавжуд:

"...ولم تنزعنا أعرافُ السوء ولا إياهم... فعلام مطّ الخدود..."<sup>158</sup>

- “..На улар (оналар) биздан ёмонлик илдизларини суғура олди ва на улар (оталар).. Унинг зиммасида ажсинларнинг текисланиши бордир...”

".. و ناضل عوارض الحزن بالأنفة عن مضاهاة.. فعال أهل وهي العقول، فإن العزاء لخزماء<sup>159</sup> الرجال، و الخزع لربيات الجبال..."

“..Ғам-ҳасрат тўсиқларини худди ақл соҳиблари қилгани каби мағрурлик билан енг! Дарҳақиқат, сабрли ва бардошли эркакларга хос. Келган балога сабр қилмай бетоқатлик қилиш тақинчоқлар соҳибаларининг ишидир..”

"..استقبال الموت خير من استدبار..."<sup>160</sup>

“..Ўлимни кутиб олиш, ундан юз ўгиргандан кўра яхшироқдир...”

"..يا صعصة إنك جئت تشتري منى كبدى..."<sup>161</sup>

“..Эй Саъсаъа, дарҳақиқат, сен мендан жигаримни сотиб олишга келдинг...”

<sup>158</sup> Сафут А. З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 11. Майсам бин Масуб хитобасидан парчалар.

<sup>159</sup> Сафут А. З. Юкоридаги асар. – Б. 18. Жабада бин Афлаҳ хитобасидан парча.

<sup>160</sup> Сафут А. З. Юкоридаги асар. . – Б. 37. Ҳани бин Хубайса хитобасидан парча.

<sup>161</sup> Сафут А. З. Юкоридаги асар. – Б. 20. Омир бин аз-Зарб ал-Удвоний кизини турмушга бераётганида айтган хитобасидан парча.

Таҳлиллар янада асосли бўлиши учун илк ислом даври хитобларидаги истиоралардан намуналарни таҳлилга тортамыз:

Иккинчи одил халифа Умар бин ал Хаттоб хитобасидан парча:

“وإن للعدل أماراتٍ و تباشيرَ، فأما الأمارات: فالحياء، و السخاء، و الهين، و اللين. و أما التباشير: فالرحمة، و قد جعل الله لكم أمراً بآباً، و يسرّ لكل باب مفتاحاً. فباب العدل الاعتبار و مفتاحه الزهد، و الاعتبار<sup>162</sup> ذكر الموت بتذكر الأموات، و الإستعداد له بتقديم الأعمال...”

*“Дарҳақиқат, адолатнинг белгилари, ундан дарак берувчи нишонлари (аломатлари) бордир. Аммо белгиларига келсак, улар ҳаё (тавба), саховат, осонлик ва юмшоқликдир. Аммо унинг аломатларига келсак (даракчиларига), у раҳматдир. Аллоҳ таоло алақачон (бу) ишни эшик қилиб қўйибди. Ва сизларга ҳар бир эшик учун калитни ҳам тайёрлабди. Адолат эшиги бу эътибордир, унинг калити эса зухд, эътибор эса ўлганларни хотирга олиш йўли (қилган), ишларни тақдим этишга таййоргарлик орқали ўлимни зикр этишдир...”*

Ушбу хитобадаги мазмунан теран истиоралар адолатнинг юксак инсоний фазилатлар билан тенглаштирилиши, бу фазилатларнинг “эшик ва калит”га ўхшатирилиши натижасида кучли фалсафий мазмун юксак бадий шаклда ифода топган.

Бошқа бир хитобадан олинган парчадаги истиора нотик хитобасини янада жозибали қилган ва бу билан тингловчиларни ўйлашга, англашга ундаган: “... إنها بنو أصفر، حد حديد، و ركن شديد، و الله ما أرى أن تُقحم الخيل، إليهم إقحاماً...”<sup>163</sup> – *“Дарҳақиқат, шубҳа йўқки, Асфар қабиласи мустаҳкам тўсиқ, чегара ва кучли устундир...”*

Ушбу истиорада нотик бану Асфар (қабила номи)нинг қанчалар кучли рақиблиги ва обрў-эътиборининг юқори эканлигини таъкидламоқчи бўлган. Қолаверса, “ҳаддун” сўзининг бошқа маънолари ҳам унинг ўзакдоши “ҳадид” билан келиб, янада кенгроқ маъновий ассоциацияларни ҳосил қилган. Масалан, ўткир тиғли тўсиқ – ҳарбий жиҳатдан яхши тайёргарлик кўрган

<sup>162</sup> Сафут А. З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 224.

<sup>163</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. – Б. 191. Абдурахмон бин Авф хитобасидан парча.

рақиб. Ёки “рукнун шадид” ибораси “кучли устун” маъносидан ташқари, устунлар кучи уларнинг ер остига қанчалар чуқур кириши ва яна ер устида қанчалар баланд туришига нисбатланса, бану Асфар иттифоқчиларининг кўплиги, бошқа қабилалар билан яхши муносабат ўрнатгани учун юқори кўтарилган ҳамда географик жойлашувининг ҳимояланишга қулайлиги жиҳатидан устуннинг ер остига чуқур ўрнашгани ишора қилинган.

Қуйидаги тагига чизилган бирликларда ҳам истиора санъати намоён бўлган:

“أ لا إن الدنيا عرض حاضر، يأكل منه البر والفاجر، أ لا و إن الآخرة وعد صادق، يحكم فيه ملك قادر، أ لا و إنكم معروضون على أعمالكم، فمن يعمل مثقال ذرة خيرا يره، و من يعمل مثقال ذرة شرا يره، أ لا و إن للدنيا بنين و للآخرة بنين، فكونوا من أبناء الآخرة و لا تكونوا من أبناء الدنيا، فإن كل أم يتبعها بنوها يوم القيامة...”<sup>164</sup>

*“Дунё (ёнимизда) ҳозир матаҳ эмасми, ундан художўй ҳам, гуноҳкор ҳам (бирдек) емасми? Дарҳақиқат, охиратда сидқ билан айтилган ваъда бор эмасми ва унда қодир подшоҳ ҳукм чиқармасми? Ҳақиқатан, сизлар ўз қилган ишларингиз билан (унинг олдига) тақдим қилинасизлар. Кимки заррача яхшилик қилган бўлса ҳам уни (қиймат кунда) кўрур, ким заррача ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрур”*<sup>165</sup>, шундай эмасми, дунёнинг ҳам охиратнинг ҳам дарҳақиқат, фарзандлари бордир. Охиратнинг фарзандларидан бўлинглар, (бу) дунёнинг фарзандларидан бўлманглар. Дарҳақиқат, ҳар бир онанинг қиймат кунда унга эргашадиган фарзандлари бордир”.

Хитобалардаги истиоралар таҳлилининг салмоқли бўлиши учун қуйида уммавийлар даври хитобаларидаги истиораларнинг таҳлилинини ҳам келтирамиз:

“...”<sup>166</sup> “... و الزموا بيوتكم، و كفوا أيديكم، حتى يستريح برّ أو يرتاح من فاجر...” *уylларингизда керак бўлинглар, қўлларингизни тўхтатинглар, токи художўйлар (қуруқлик, ер) дам олсин ва фожир-гуноҳкордан дам олинсин”*.

<sup>164</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 261. Убада бин ас-Самитнинг хитобасидан парча.

<sup>165</sup> Қуръони Каримдан айрим суралар. Асмоул хусно ва салаотлар. Залзала сураси, 7-, 8-оятлар. – Б.214.

<sup>166</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – Б. 16. Ал-Ҳасан бин Али хитобасидан парча.

“Уйларингиз учун масъул бўлинглар, яъни оилаларингиз, яқинларингиз учун кераксиз, бу ниҳояси йўқ урушга рағбат қилманглар”, дейди нотик. “Қўлларингизни тўхтатинглар” жумласи “жангга кирманглар, қўлингизга қилич тутманглар, ўзаро урушманглар” маъносида. “Токи художўйлар ҳам дам олсин” гапида ал-Ҳасан тўхтовсиз урушлар оқибатида мусулмон, художўй бандаларнинг ҳатто ибодатга ҳам вақтлари қолмаганини, улар ҳам дам олишга эҳтиёжмандлигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Айни жумладаги “баррун” сўзинининг иккинчи маъноси ҳам назарда тутилса, нотикнинг “қонли урушлардан чарчаган қуруқлик ҳам дам олсин” демоқчилиги маълум бўлади.

“... و إن الدنيا قد تغيرت و تنكرت، و أدبر معروفها و استمرت جدا، فلم يبق منها إلا صبابة .  
<sup>167</sup>كصابة الإناء، و خسيس عيش كالمرعى الوبيل ، أ لا ترون أن الحق لا يعمل به... ”

“Дарҳақиқат, дунё ўзгарди, у таниб бўлмас даражада ниқоб тақиб олди. Ундаги яхшиликлар чекинди, тез-тез ўтиб кетди. Ундан идишда ҳеч нарсага етмайдиган ҳўплам сувдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Ҳаётдаги қабих, хасис киши, зиёнкор яйлов кабидир. Ахир кўрмадингизларми, дарҳақиқат, ҳақиқат бундай қарор топмаслигини?”

“رحم الله أبا حفص عمر، كان والله: حليف الإسلام، مأوى الأيتام، ومنتهى الإحسان، ومحل الإيمان، وكهف الضعفاء، معقل الحنفاء، قام بحق الله عز وجل صابراً محتسباً حتى أوضح الدين، وفتح البلاد، و أمن العباد، فأعقب الله على من ينقصه اللعنة إلى يوم الدين!”

“Аллоҳ Абу Ҳафс Умарни раҳматига олсин. У, Аллоҳга қасамки, исломнинг аҳди, етимларнинг паноҳи, яхшиликни охирига етказувчи, иймоннинг ўрни, заифларнинг тоғи (ҳомийси), ҳанифларнинг кўргони эди. Аллоҳ азза ва жалланинг ҳақларига сабр билан итоат қилар, Аллоҳ ризоси учун динни шарҳлар, шаҳарларни фатҳ этди, қулларини унга (Аллоҳга) иймон келтиртурди. Аллоҳ ундан гап топиб ёмонлаганларни қиёмат куни лаънатига олсин!”

“رضي الله عن أبي الحسن، كان والله علم الهدى، وكهف التقى، ومحمل الحجا، وبحر الندى، وطود النهى، وكهف العلا، للورى داعياً، إلى المحجة، متمسكاً بالعروة الوثقى، خير من آمن واتقى، وأفضل من

<sup>167</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 47. Ал - Ҳусайн бин Али хитобасидан парча.

تقمص وارتدى، وأبر من انتعل وسعى، وأفصح من تنفس وقرا، وأكثر من شهد النجوى سوى الأنبياء  
والنبي المصطفى، صاحب القبلتين، فهل يوازيه أحد؟ وأبو السبطين فهل يقارنه بشر؟ وزوج خير النسوان  
فهل يفوقه قاطن بلد؟ للأسود قتال، وفي الحروب ختال، لم تر عيني مثله ولن ترى، فعلى من انتقصه لعنة  
الله والعباد إلى يوم التناد!

“Абу ал-Ҳасан, Аллоҳ ундан рози бўлсин! У Аллоҳга қасамки, ҳидоят байроғи (йўлбоишчиси), тақводорларнинг Каҳфи, ақл-заковат таянчи, даъват нидо денгизи, осмонўпар тоғ, инсоният учун (ҳақ йўлга) чорловчи, ҳақ йўл учун мустаҳкам ҳалқани ушловчи, иймон келтирганларнинг ва художўйларнинг энг яхшииси, ҳокимлик қилганларнинг энг афзали ва хайрлиси, ҳаракат қилган ва (ислом хулқини) кийганларга ибрат бўлди, сўзда тортишувларнинг энг фасихи, пайгамбарлар ва мустафо (пок) набийдан ташиқари энг кўп пинҳоний дуоларни кўрган, икки қибла соҳиби эди. Унга кимдир тенглаша оладими? Пайгамбар икки набирасининг отаси, унга башар қиёсланса бўладими? Аёлларнинг энг хайрлисининг завжи, ундан оддий шахарлик (аҳоли) баланд бўла оладими? Ёвузлик учун курашчи, урушларда гафлатда қолдирувчи, менинг кўзларим унга ўхшаганни кўрмаган ва ҳеч қачон кўрмайди ҳам. Уни айбловчиларга ва қулларига ҳисоб-китоб кунда лаънат бўлсин!”<sup>168</sup>

“أما بعد. فإن الله قد أهلك من من رعوس أهل العراق مُلقح فتنة، و رأس ضلالة، سليمان بن صرد،  
ألا و إن السيوف تركت رأس المسيب بن نجبة خذارييف، ألا و قد قتل من رعوسهم رأسين عظيمين ضالين  
مُضَلِّين.... فلم يبق بغد هولاء أحد عنده دفاع و لا امتناع”

“Амма баъд. Дарҳақиқат, Аллоҳ фитнани уруғлантирувчи Ироқ халқи бошларидан бўлганларни ва залолатнинг боши бўлган Сулаймон бин Сардни ҳам муқаррар ҳалок этди. Дарҳақиқат, (аниқ) қиличлар Мусайб Нажбани парча-парча, қийма қилиб ташлаб кетмадими? Уларнинг бошлиқларидан икки улкан адашган ва адаштирган бошларни муқаррар қатл этмадими? Булардан сўнг уларда (уларни) ҳимоя қиладиган ёки монелик қиладиганлар асло қолмади”<sup>169</sup>.

<sup>168</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 92. Ибн Аббос хитобасидан парча.

<sup>169</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. – Б. 73. Абдулмалик бин Марвон хитобасидан парча.

"... إنك لنطق بلسان طلق، يتبىء عن مكنون قلب حرق، فاطو على ما أنت عليه كَشْحَا، فقد محا  
ضوء حَقْنَا ظلمة باظلمكم"<sup>170</sup>

"..*Дарҳақиқат, сен озод тилда нутқ айтдинг, қуйган қалб сирларидан хабар беради у тил. Қандай бўлсанг (ўзингнинг аслингни кўрсат), биздан юз ўгириб кет, бизнинг ҳақиқатимиз нуруни Сизларнинг ботил (ёлгонингиз) зулмати аллақачон йўқ қилиб бўлди*".

Жоҳилият даври хитобаларида параллелизм санъатининг қўлланилиши.

Дарҳақиқат, параллелизм ўзининг барча турлари билан шарқ бадий санъатида тазод (зидлов параллелизми), синонимик параллелизм, тематик-психологик, лексик-морфологик, ритмик-синтактик ва бошқалар араб хитобаларидаги энг муҳим ва етакчи санъатлардан ҳисобланган. Шу боис биз бу бўлимда айни шу санъатлар намуналарини таҳлил қилдик.

" يا معشرَ بكر، هالكٌ معذورٌ، خير من ناج فرور، إن الحدّر لا يُنجي من القدر، و إن الصبر من أسباب الظفر، المنيّة و لا الدنيّة، استقبال الموت خير من استدباره، الطعن في نُعر النحور، أكرم منه في الأعجاز الظهور،  
يا آلَ بكر، قاتلوا فما للمنايا من يد!"<sup>171</sup>

"*Эй Бакр аҳли! Юзи ёруз бўлиб ҳалок бўлиш, қочиб нажот топишдан яхшироқдир. Дарҳақиқат, қўрқув тақдири азалдан қутқармайди ва дарҳақиқат, сабр галаба омилларидандир. Тақдир (ўлим) айб-нуқсон эмасдир. Ўлимни кутиб олиш, ундан юз ўгириб чекинишдан яхшироқдир. Заиф жойларнинг очилишига таъна қилиш (душман хавф соладиган нуқталар назарда тутилмоқда)дан кўра, ожизлик билан бўлса-да зоҳир бўлиш (душман қаршисига чиқиш) ҳурматга муносиброқдир. Ё Бакр эли, жанг қилинглари ва тақдирлар муқаррардир!*"

Бу хитобада тематик-психологик ҳамда ритмик-синтактик параллелизм ёрдамида араб нотиғи жангчиларни руҳлантиришни мақсад қилади, араб жангчисидаги ор-номус ва жасорат ҳисларини жунбушга келтиради.

<sup>170</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 108. Язид бин Муовия хитобасидан парча

<sup>171</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. Ж. 1. – Б. 37. Ҳаниъ бин Ҳубайса хитобасидан парча

Қуйидаги хитоба эса қарийб тўлалигича параллелизмнинг тематик-психологик, ритмик-синтактик, лексик-морфологик, контраст-тазодли ва синонимик шаклларини ўзида акс эттиради:

أيها الملك، نعم بالك، و دام في السرور حالك، "إن عاقبة الكلام مُتَدَبِّرَةٌ، وأشكال الأمور مُعْتَبِرَةٌ، و في كثير ثقلة، و في قليل بُلْغَةٌ، و في الملوك سَوْرَةٌ العز، و هذا منطق له ما بعده، شَرُفٌ فيه من شَرُفٍ، و خَمَلٌ فيه من خَمَلٍ، لم نأت لضيحك، و لم نغد لسُخْطك، و لم نتعرض لرفدك. إن في أموالنا مُنْتَقَدًا، و على عَزْنا مُعْتَمَدًا، أن أورينا ناراً أْتَقَبْنَا، و إن أودَ دهر بنا اعتدلنا، إلا أنا مع هذا لجوارك حافظون، و لَمِن رَامِك كَافِحُونَ، حتى يُحْمَدَ الصِّدْرَ و يُسْتَطَابَ الخَبِرُ

*“Дарҳақиқат, каломнинг оқибати чуқур ўйлашдир, ишларнинг шакллари муҳимлигидир. Кўп нарсада оғирлик бордир, камда етуклик бордир. Шоҳларда куч-қудрат бордир, ундан кейинги учун бунда мантиқ бордир. Унда кимки шарафли бўлган бўлса, у яна шариф бўлади. Кимки танилмаган бўлса, у яна танилмай қолади. Биз сенинг зулм-адолатсизлигинг учун келмадик, газабингга ҳам дучор бўлмадик. Сенга ўз молларимиздан нақд тўхфалар беришда эътироз билдирмадик. Биз ўз қудратимизга суянганмиз, агар биз оловни бошқарсак, бизни ёндиради, даҳр – дунё бизни оғир аҳволга солиб майиб қилса, ўзимизни тўғри тутамиз. Бизлар, ҳақиқатан, фақат сени ҳифз қилувчи қўшнилариғимиз, сенинг истагинг учун курашувчилармиз. Токи яхши хушхабар олиб келинмагунча ва қайтишлар мақтовга лойиқ бўлмагунча!”<sup>172</sup>*

*“أخضر الله الملك إسعاداً، و أرشده إرشاداً، إن لكل منطق فرصة، و لكل حاجة غصة، و عي المنطق أشد من عي السكوت، و عثار القول أنكأ من عثار الوعث ما فرصة المنطق عندنا، إلا بما نهوى، و غصة المنطق، و رقابنا بالنصيحة خاضعة، أنفسنا بطاعة لك باخعة، و أيدينا لك بالوفاء رهينة.”*

*“Аллоҳ шоҳга бахт-саодат ҳозирласин ва уни тўғри-ҳақ йўлга йўлласин! Дарҳақиқат, ҳар бир мантиқ (нутқ маъносида)нинг ўз фурсати бор, ҳар бир ҳожатнинг ўз қайғуси – кулфати бор. Нутқнинг бемажоллиги (яроқсизлиги) сукутнинг чарчогидан кучлироқдир. Тил, қавлда қоқилиш ерда юриб қоқилишдан кўра кўп жароҳатловчидир. Биз фақат ўзимиз севган нарсани айтиш – бу нутқ учун фурсатдир, яхши қабул қилинмайдиган ва биз*

<sup>172</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 59. Амр бин аш - Шарид хитобасидан парча.

истамаган нарсани айтиш – нутқнинг кулфатидир (ғуссасидир). Бизнинг бўйинларимиз насиҳат учун итоатдадир, қўлларимиз сенга вафодорлик, содиқлик учун кафилдир”<sup>173</sup>.

Мазкур хитобани айтган нотик мавжуд вазият, тингловчиларининг саъвиясини назардан қочирмаган ҳолда ўз ҳаётий тажрибалари ва донишмандлигига таяниб, садоқатини тасвирлайди. У бунда ёрқин тематик-психологик, лексик-морфологик ва ритмик-синтактик параллелизмлар, пурмаъно истиоралардан фойдаланади. Бундан ташқари, нотик хитобада тил офатлари матнига алоқадор сўзларни танлаб олиб, улар иштирокида таносуб лафзий санъатини ҳосил қилган.

Илк ислом даври хитобларида ҳам параллелизм санъати фикр ифодалаш ва таъсир этишнинг синалган, кўп қўлланадиган воситаси бўлган. Қуйида шундай санъатни асос қилиб мураккаб бадий восита-оксиморон ва бошқа қатор санъатлардан маҳорат билан фойдаланиб айтилган хитоба намунасининг таҳлилини келтирамыз.

”الحمد لله، أ لا إن الدنيا دار غرور، و منزل الباطل، نُضحك باكيا، و تُبكي ضاحكا، و تخيف آما، و تؤمن خائفا، و تُفقر مثريا، و تُثرى مُقترا مِيالة غرارة، لعابة بأهلها. عباد الله، فاتخذوا كتاب الله إماما، و ارتضوا به حكما و اجعلوه لكم قائدا، فإنه ناسخ لما كان قبله، و لم ينسخه كتاب بعده. واعلموا عباد الله أن هذا القرآن يخلو كيد الشيطان، كما يخلو ضوء الصبح إذا تنفس ظلام الليل، إذا عسعس.”

*“Аллоҳга ҳамдлар бўлсин! Дунё кибр, ғурур уйи, ёлгон манзил эмасми? Йиғлатиб кулдиради, кулдириб йиғлатади, хавфсиз қилиб қўрқитади, қўрқитиб хавфсиз қилади, бой қилиб камбағал қилади, камбағал қилиб, бадавлат қилади. Йўлдан оздирувчи (ҳар нарсага), майл қўювчи, аҳли билан найранглар ўйновчи (кўз богловчи)дир дунё. Аллоҳнинг қуллари! Аллоҳнинг китобини имом деб танланглар, уни ҳакам деб билинглар, уни ўзингизга йўлбошчи қилинглар. Дарҳақиқат, у (китоб) ўзидан аввалги бўлганлардан нусха олувчидир(ўзидан аввалги самовий китоблар сингари илоҳийдир), аммо ундан кейин бу китобга ўхшагани асло бўлмас. Эй Аллоҳнинг қуллари!*

<sup>173</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. – Б. 60. Холид Бин Жаъфар ал - Килабий хитобасидан парча.

Билингларки, бу Қуръон шайтоннинг васвасаларидан холидир, худди тонг нури тун зулмати танаффус қилганда (ноёнига етганда холи) бўлгандек<sup>174</sup>.

Дунёга таъриф берган, унинг сиру хабарларидан воқиф бўлганлардан бири Сулаймон бин Абдулмаликдир. Унинг бу хитобаси ўз даври воқелигида яшаб туриб, атрофда кечаётган шиддатли ҳодисаларнинг оқибатларига гувоҳ, бир ғолиб, бир мағлуб бўлган шахснинг таърифидир.

“الحمد لله، ألا إن الدنيا دار غرور، و منزل الباطل”

Дунё ўзининг асл маъносида ватан, манзилни англатади, бироқ нотикнинг истиоралари билан бу сўз фалсафийлашади. “*Фурур*” араб тилида ғафлатда қолдириш, ғафлатда қолиш, кеккайиш маъноларини англатади. Дунёни ана шу барча маънолар ифодаси тўла уйга, ёлғонлар манзилига ўхшатар экан, нотик тингловчиларини дунёнинг ёмонликлари, салбий таъсирлари ҳақида ўзи билган ҳақиқатларни сўзламоқчи эканига тайёрлайди.

“تضحك باكيا، و تبكى ضاحكا”

1. Дунё - бахтиёрлик ва бахтсизликнинг эгаси, чунки инсоннинг бахтиёрлиги унинг кулгуси, мусибати эса унинг йиғиси билан ифода қилинади. У шу қадар алдамчики, ростни ботилга, ёлғонни ҳақиқатга айлантира олади.

“و تخيف آمنا، و تؤمن خائفا”

2. Дунё инсон ҳаётининг яна бир муҳим унсури хавфсизликни ҳам бошқаради. Дунёнинг кўрикчи, ҳимоячига ўхшатилишида нотик ўзи кўрган ҳад - ҳисобсиз урушлар, фитналар, ихтилофлар, низоларни ва уларнинг гирдобида ожиз қолиб айланаётган, урушаётган ва урушдан ҳимояланаётган одамларни назарда тутди.

“و تُفقر مثرىا، و تُثري مُقترا”

3. Дунё инсон ҳаётидаги бошқа унсур-фақирлик ва давлатмандликни ҳам бошқаради. Инсоннинг бой бўлиб камбағаллашуви ёки камбағал бўлиб давлатманд бўлиши бу номинатив маъноларидан ташқари, инсонни бой ёки

<sup>174</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 200. Сулаймон бин Абдулмалик хитобасидан парча.

камбағал қиладиган материал бойликдан ҳам муҳимроқ руҳий - маънавий фақирлик ва бойликни ҳам англатади.

Нотик дунёнинг ҳаракатларини -унинг бир пайтнинг ўзида бир неча бирига зид фаолиятларни олиб боришини, феълий жумлаларда ўзига хос такрор орқали васф қилади, бунда ҳар бир қисқа жумладаги сўзлар ўзаро қаршилантрилиб кучли тазодни ҳосил қилади: “ кулдиради ва йиғлатади”; ”кўрқитади (хавфли қилиб) ва кўриқлайди”; “фақир қилади ва бой қилади”, буларнинг ёнида худди шу маъноли сифатдошлар ҳам тазод усулида кўлланилган ва такрор ҳосил қилинган.

Дунёнинг ана шундай ҳатти ҳаракатларини маромига етказиб тасвирилаб берган нотик ,энди шу таърифлардан кейин дунёни биргина сўз билан аташни бошлайди: "مِيَالَةٌ غَرَارَةٌ، لَعَابَةٌ بِأَهْلِهَا"

Аммо нотикнинг мақсади дунёнинг у таърифлаган хислатларидан нолиш эмас,балки одамларни огоҳ этиш ва дунёнинг таърифланган ўйинларига алданиб қолмасликлари учун тўғри йўлни кўрсатишдир:

"..عباد الله، فاتخذوا كتاب الله إماماً، وارتضوا به حكماً و اجعلوه لكم قائداً..."

Нотик шу ўринда тингловчиларига бошқача ном билан ҳам мурожаат қилиши мумкин эди, бироқ гапининг давомига тингловчиларни тайёрлаш учун- “Аллоҳнинг қуллари”ни ишлатади. Аллоҳнинг китоби-Қуръони каримни имомга, йўлбошчига, ҳукм чиқарувчи ҳакамга, раҳбарга ўхшатган нотик мусулмонларнинг Аллоҳнинг мавжудлигига бўлган ишончларини унинг китобига амал қилиб намоён этишларида кўришни истайди.

"..واعلموا عباد الله أن هذا القرآن يخلو كيد الشيطان، كما يخلو ضوء الصبح إذا تنفس ظلام الليل، إذا عسعس..."

Қуръони каримнинг бемисллиги ва унинг инсониятга юборилган охириги илоҳий китоб эканини таъкидлагач, нотик юқорида таърифланган дунёни унинг барча камчиликлари, гуноҳлари билан шайтонга, дунёнинг қилмишларини эса унинг васваса –найрангларига нисбатан олади ва Қуръони Карим шайтоннинг найрангларидан холи эканини – бу билан унинг пок ва қудратли эканини таъкидлайди. Аммо нотик хитобаси охирида айтган

фикрларининг кучли тасдиғи сифатида Қуръони каримни узун ва қоронғу тундан кейин келадиган тонг нурига ўхшатади. Нотикнинг Қуръонни айнан тонг нурига ўхшатиши у қўллаган “тун зулмати танаффус қилиб, поёнига етганда” деган жумласи билан жуда ажойиб табиат манзарасига асосланган тазодни ҳосил қилади. Ва унинг “тун зулмати танаффус қилганда” жумласи Қуръоннинг қоронғулик ҳар қачон давом этса ҳам , Қуръони карим ҳамиша тонгнинг нури борлиқни ёриштиргандек дунёни ёриштираверади демоқчилигини англатади. Нотикнинг илоҳий китобни нега оддий нурга ўхшатмаганининг сири ҳам айти шу ҳақиқатни тингловчиларига етказмоқчи эканлигидадир.

Сулаймон бин Абдулмалик хитобада дунёга таъриф берар экан, оксюморондан<sup>175</sup> фойдаланиб параллелизм ҳосил қилади. Тагига чизилган лексик бирликлар, айти пайтда, лексик-морфологик ва ритмик-синтактик параллелизмга мисол бўлади, қолаверса, қўлланилган истиора ва ташбиҳлар биргаликда хитобага жазб, таъсир кучи бахш этган.

"يا عباد الله، انصروا الله ينصركم ويثبت أقدامكم، فإن وعد الله حق، يا معشر المسلمين اصبروا، فإن الصبر منجاة من الكفر، ومرضاة للرب و مدحضة للعار، فلا تبرحوا مصافكم، و لا تخطوا إليهم خطوة و لا تبدءوهم بقتال، و أشرعوا الرماح، و استتروا بالدرق، و الزموا الصمت إلا من ذكر الله، حتى أمركم إن شاء الله"

*“Эй Аллоҳнинг қуллари! Ғалаба ҳадея этинг ва Аллоҳ сизни қўллаб қувватлайди, оёқларингизни собит (мустаҳкам) қилади. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақиқатдир. Эй мусулмонлар жамоаси! Сабр қилинглар, ҳақиқат шуки, сабр бу куйфрдан нажотдир, Аллоҳнинг розилигидир, шармандалик (хўрлик) учун халос этилишидир, Сизлар зийракликдан тўхтаманг, улар томонга қадам ташламанг, уларга биринчи бўлиб уруш очманг, найзаларни ўқталинглар, қалқон ортига яширининглар, Аллоҳ зикридан бошқа нарса учун сукут сақланглар, токи Аллоҳ сизларни амир (ҳоким) қилиб қўйгунча!”<sup>176</sup>*

<sup>175</sup> Оксюморон ҳақида қаранг: Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Б. 207.

<sup>176</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 203. Абу Убайданинг хитобасидан парча.

"الله ابتعثنا و الله جاء بنا لنُخرج من شاء من عبادة العباد إلى عبادة الله، و من ضيق الدنيا إلى سَعَتها، و من جور الأديان إلى عدل الإسلام، فأرسلنا بدينه ألى خلقه لنُدعوهم إليه... "

"Аллоҳ бизни уйғотди, Аллоҳга қасамки, у биз (ларнинг орамиздан)кимники хоҳласа, бандага ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, дунёнинг торликларидан унинг кенгликларига, динларнинг адолатсизлигидан исломнинг адолатига чиқариш учун. Ва бизга ўз динини унинг халқини Унга (Аллоҳга) даъват қилишимиз учун юборди!"<sup>177</sup>

Энди уммавийлар даври хитобларидаги параллелизм санъати бор намуналарни таҳлил қилиб кўрамиз:

" ولا تسارعوا إلى الفتنة والفرقة، فإن فيهما يهلك الرجال، و تسفك الدماء، و تُغصب الأموال... " لكنكم، إن أديتكم صفحتكم لي... لأضربنكم بسيفي ما ثبت قائمه في يدي و لو لم يكن لي منكم ناصر... "

"Фитна ва айрилиққа шошманглар! У иккаласида эркаклар ўлади, қон тўкилади ва мулклар тортиб олинади... Агарда сизлар менга сахифангизни очсангизлар (адоватингизни кўрсатсангизлар)... қиличим билан шундай кучли ураманки, менинг қўлимда уни тик тутган – қоими тура олмайди – қиличим билан йиқитаман, ўлдираман, агар сизларнинг орангиздан менга ёрдам берувчи бўлмаса ҳам"<sup>178</sup>.

"... أقتل أحسن، و الله لأضربه باسيف في عز، أحب إلي من ضربة بسوط في

ذل، قال: إنى أخاف إن قتلوني أن يمثلوا بي. قالت: يا بني إن الشاة لا يضرها سلخها بعد نجبها... "

"..Қатл яхшироқ, Аллоҳга қасамки, ҳурмат-иззатда қилич зарбидан қатл этилмоқ, мен учун хўрликда қамчи зарбида тирик юрмоқдан ёқимлироқдир. Эй ўғилгинам, қўй сўйилгач, унинг терисини шилиш, қўйга зарар бермайди"<sup>179</sup>.

Хитобадан олинган мазкур парчада араб аёлининг, тўғрироғи, онанинг фарзандига айтган мардона сўзлари акс этган. Асмо бинт Абу Бақрнинг ўғли Абдуллоҳ бин аз-Зубайр уммавийлар билан жангларда енгилгач, кам сонли одамлари билан ҳал қилувчи жангга кириши олдидан онасининг ҳузурига

<sup>177</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 242. Рабиъа Омир хитобасидан парча.

<sup>178</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 37. Ан-Нуъмон бин Башир хитобасидан парча.

<sup>179</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. – Б. 178. Асмо бинт Абу Бақр хитобасидан парча.

киради ва “Улар мени ўлдириб, ибрат қилиб кўрсатишларидан кўрқаман” – дейди. Шунда она юқорида келтирилган нутқни ўғлига айтади. Ушбу хитобада юраги муқаррар жудоликдан парчаланиб турган, бироқ шу ҳолда ҳам ўз насли, насаби ва мақсадларига хиёнат қилмайдиган араб аёли зўр нотик сифатида пайдо бўлади, матнда унинг фикрлари мажозий образлилик, тазод ва параллелизмлар билан акс этади.

.. إن الحرب صعبة مرة، وإن السلم أمن مسرة، وقد زينتنا الحرب وزيناها، فعرفناها و ألفناها، و

نحن بنوها و هي أمانا... ”

*“Дарҳақиқат, уруш жуда оғир мусибатдир, ҳақиқатан, тинчлик шод қилувчи хавфсизликдир. У муқаррар бизни ўзига яқинлатмади, биз ҳам уни ўзимиздан узоқлаштирдик. Сўнг уни танидик ва унга кўникдик. Биз унинг фарзандларимиз, у бизнинг онамиздир”<sup>180</sup>.*

Хитобадан келтирилган парчада нотик уммавий халифалар даврида мамлакат бошидан кечирган нотинчликлар, тўхтовсиз урушлар ҳақида гапиради. Унинг шоҳ сифатида инсоннинг урушга иштиёқмандлиги, “уруш ва урушаётганлар”ни энг яқин инсоний муносабат тажассуми – “она ва фарзанд”га ўхшатишида; самимий меҳр-муҳаббат каби ҳисларни кулфат, жудолик келтирувчи “уруш”га нисбат беришида, унинг қанчалар маҳоратли нотик ва қалби нозик ҳукмдор эканлиги сезилиб туради. Кўринадикки, парчада истиора, муболаға, жонлантириш, мажозий образлилик намунаси акс этган.

“أيها الناس، إنما نحن من أصول قد مضت فروعها، فما بقاء فرع بعد أصله؟ إنما الناس في هذه الدنيا اغراض تنتضل فيهم المنايا، و هم فيها نصب المصائب، مع كل جرعة شرق، و في كل أكلة غصص، لا ينالون نعمة، إلا بفراق أخرى، ولا يعمر مُعمر منكم يوماً من عمره إلا بهدم آخر من أجله. ”

*“Эй одамлар, дарҳақиқат, биз шохлари аллақачон қуриб битган илдишлармиз. Илдишдан сўнг шохнинг қолиши нимадир? Бу дунёда одамларнинг фақат мақсадлари – улардаги тақдирлар (ўлимлар) ўзаро рақобатлашади, дунёда улар кулфатлар ҳайкалидирлар. Ҳар бир ютумида унинг чақини чақади, ҳар бир тишламида тиқилиб қолади. (Исталган)*

<sup>180</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 194. Уммавий халифа Абдулмалик бин Марвон хитобасидан парча.

неъматга бошқасидан ажрамай туриб этишмайдилар, сизлардан умри узунларингиз умрининг бир кунини ҳам бошқаси учун барбод бермай, узоқ умрга эга бўлолмайди”<sup>181</sup>.

Мазкур хитоба парчаси, аввало, такводор халифа Умар бин Абдулазизнинг қанчалар кенг ва чуқур фикрли, ўткир мантиқ ва фалсафий мушоҳада соҳиби эканидан далолат беради. Нотиқ қўллаган образлилик ва ташбих, қолаверса, таъсирчан параллелизм, муболаға ҳамда иштиқоқ санъати – “*йуъаммар, муъаммар*” қалбини эзган ҳисларни тингловчиларига етказишда ажойиб восита вазифасини бажарган.

Жоҳилият, илк ислом ва уммавийлар даври хитобаларида ташбих санъатининг қўлланилишининг ёритилиши ҳам мавзу учун муҳим. Масалан:

يا بني قصى: أنتم كغصنى شجرة أيهما كُسر أوحشٌ صاحبه، و السيف لا يسان إلا بغمده، و رامى العشيرة يصيبه سهمه، و من أمحكه اللجاج أخرجته الى البغى. ”

“*Эй бани Қусси, сизлар бир дарахтнинг икки шохи (новдаси) кабидирсизлар. Улардан исталган бири синдирилса, ўз соҳибини қуритиб қўяди, қилич ўз қинидан бошқа жойда яхши сақланмайди, қабила мерганининг ўқи унинг (қабила) ўзига тегади ва яна кимки унинг газабини келтирса, қайсарлик уни шафқатсизликка ундайди*”<sup>182</sup>.

Ушбу хитобада қабила бошлиғи ўз қабиласидаги урушаётган икки уруф аъзоларига шаклан содда, мазмунан теран ташбих – бир дарахтнинг икки шохи”, “қилич ва сопи”, “овчи ва ўқи” мажози орқали уларнинг кимлигини тушунтиради ва хитобадан кўзланган мақсад образли ифода топади.

..أين خطباء مُصرَ الذين ألسنتهم كالمخاريق فى الدعوة، فإذا جدَّ الجدُّ فرَوَّاغون كالثعلب، أما تخافون  
مقت الله! و لا عيبها و عارها... ”

“*Қани шахрингиз хатиблари, тиллари тинчликда қиличдек бўлган, агар улар бир ишга ҳаракат қилсалар, худди тулкидек маккорлик қиладилар, аммо Аллоҳнинг нафратидан қўрқадилар...*”<sup>183</sup>

<sup>181</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 202. Уммавий халифа Умар бин Абдулазиз хитобасидан парча.

<sup>182</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. Ж.1. – Б. 75. Жоҳилиятдаги қабила бошлиғи Ҳошим бин Абдуманноф хитобасидан парча.

<sup>183</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. Ж.2. – Б. 9. Адди бин Ҳотам хитобасидан парча.

Ушбу парчада ҳам риторик сўроқ ва ташбих санъати қўлланилган.

"هذا كتاب مهديكم، و صريح أهل بيت نبيكم، وقد تركوا محظورا عليهم كما يُخَطَّر على الغنم و ينتظرون القتل و التحريق بالنار فى آناء الليل، و تارات النهار، و لست أبا إسحاق إن لم أنصرهم نصرا مؤزرا، و إن لم أسرب إليهم الخيل فى إنر الخيل، كالسَيْل يتلوه السيل، حتى يَحَلَّ بآبن الكاهلية الويل. "

*"Бу сизларнинг маҳдийингиз (ҳидоятга чорловчингиз)нинг китоби (номаси) набийингиз оиласи (ҳақида) очиқ равшан сўзловчидир. Улар аллақачонлар (сўйиш учун) таъқиқланадиган қўй каби ман этилган ҳолда қолдирилдилар. Қатлни кутаётирлар ва ўтда қуйдирилишни. Тун келиши билан ва кундуз ҳозир бўлган маҳал. Агар уларга галабада кучли ёрдам бермасам, Абу Исҳоқ эмасман. Отлар изидан отларни пода-пода қилиб қўйиб юбормасам, худди кучли сел кетидан сел келгандек. Токи ибн ал-Каҳилийага мусибат етказмагунимча!"<sup>184</sup>*

Мазкур хитобада эса тематик-психологик, синонимик, контраст (тазод), ритмик-синтактик, лексик-морфологик параллелизмлар ҳамда ташбихдан фойдаланилган. Айни санъатлар ёрдамида хитоба айтаётган киши қалбидаги исёнкор ҳисларни пафос билан ифодалаган.

"كان أبوك شر القريش لقريش، لسيفه لدماءها، و قطعه لأرحامها، طويل السيف و اللسان، يقتل الحي و يعيب الميت... و أما رجاؤك الخلافة فلست فى زندها قادحا، و لا ميزانه راجحاً... "

*"Сенинг отанг Қурайшни Қурайшга хунрезлик қилиши, қони (тўкилишига), қариндошликни узишгача (сабабчи бўлиб) ёвузлик қилганлардан эди, тили ва қиличи узун, тирикни ўлдирар, майитни ҳақоратлар эди. Аммо сенинг халифаликдан умидворлигинг – худдики чақмоқтошдан олов чиқаришга уриниш кабидир, (аммо) сен чақмоқтошдан олов чиқарувчи эмассан..."<sup>185</sup>*

Бу хитоба парчасида ҳам образлилик, истиора, тазод ва ташбих санъатларидан фойдаланилган.

"المغيرة فارسهم و سيدهم، نار زاكية، و صعدة عالية، و كفى ببيزید فارسا شجاعا، ليث غاب، و بحر جمّ عباب، و جوادهم و سخيمهم قبيصة، ليث مغار، و حامى الذمار، و لا يستحيى الشجاع أن يفرّ من مُدرك، فكيف

<sup>184</sup> Сафут А. З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 86. Ал-Мухтор хитобасидан парча.

<sup>185</sup> Сафут А. З. Юкоридаги асар. – Б. 22. Утба бин Абу Суфён ал-Ҳасанни маломат қилиб айтган хитобасидан парча.

لا يفرّ من الموت الحاضر، والأسد الخادر؟ و عبد الملك سمّ نافع، و سيف قاطع، و حبيب الموت الرّعاق، أنما هو طودٌ شامخ، و فخر باذخ، و أبو عيينة البطل الهمّام، و سيف الحسام، و كفاك بالمفضّل نجدةً لبث هذار، و بحر موار، و محمد ليث غاب، و حسامٌ ضراب... "

“Уларнинг бошлиғи ва сайиди Муғирадир. У довуллаб турган оловдир, юқорилаб кетган тепаликдир, унинг жасур чавандозлари ортиғи билан етарли, чангалзор арслони, суви тошиб кетиб мавжланадиган, суви сероб денгиздир. Тулпорлари учқур, чопқир, хамлакор шер, ор-номус ҳимоячиси, ботирлари хотирига қочишни келтиришидан уялади, ҳозир бўлган ўлимдан инида ётган ёввойи шер қандай қочади? Абдулмалик Ноқий деб атайдилар, у кескир қиличдир, бемаҳал ўлимнинг ҳабиби, осмонўпар юксак тоғ, баланд обрўлидир. Абу Уйайна азамат қаҳрамон, ўткир қилич, сенга бир ўзининг ёрдами етарли, айқирган жўшқин арслондир, тошқин денгиздир. Муҳаммад ҳам чангалзор арслони, тегган жойни узадиган қиличдир”<sup>186</sup>.

Ушбу хитобада ташбиҳ, муболага, истиора ва рамз каби бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланилган. Араб нотиғи ўз қабиласини душман қалбига кўрқув ва ваҳима соладиган даражада қудратли эканини, қолаверса, жангчиларининг мардлиғи, ор-номуси ва қатъиятини фахр билан таърифлайди. Бунда азалдан араб халқига хос тафахур – фахрланиш, қолаверса, арабий жўшқинлик кўзга ташланади.

Илк ўрта асрлар араб хитобаларида маъновий санъатлардан ташқари, алоҳида бадий санъат намуналари бор бўлиб, улар ҳали таҳлил ва талқин этилмаган. Кузатинг:

“يا أهل الكوفة، يا أهل الدين، و أعوان الحق، و أنصار الضعيف، و شيعة الرسول، و آل الرسول،  
إن فراركم الذين بغوا عليكم أتوا أشباههم من الفاسقين فاستغوهم عليكم، ليمصح الحق، و ينتعش الباطل،  
<sup>187</sup>و يُقتل أولياؤ الله...”

“Эй Куфа халқи, эй дин аҳли, ҳақиқат кўмакчилари, заифлар ёрдамчилари расулнинг шиъаси – жамоаси, пайгамбарнинг оиласи,

<sup>186</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.2. – С. 404. Каъб ал - Ашқари ал - Ҳажжонинг олдиға элчи бўлиб келганда, ўз қабиласини тасвишлаб айтган хитобасидан парча.

<sup>187</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 86. Ал-Мухторнинг хитобасидан парча

дарҳақиқат, сизларнинг қочоқларингиз сизларга тажовуз қилди (зулм қилди), ўзларига ўхшаган фосиқ-бузғунчиларни олиб келди, уларни ёлгон ваъдалар билан йўлдан оздирди: ҳақиқатнинг синдирилиши, ботилнинг қайта жонлантирилиши, Аллоҳнинг авлиёлари ўлдирилиши учун...”

Мазкур парчада намоён бўлган истиоравий нидо ва тазод (контраст параллелизм) хитобанинг таъсир кучини янада оширган.

” إن الله عز و جل قد جمع على الإسلام أهله فألف بين القلوب، و جعلهم إخواناً، و المسلمون فيما بينهم كالجسد لا يخلو منه شيء من شيء أصاب غيره. ...”

“Дарҳақиқат, Аллоҳ азза ва жалла халқини исломга бирлаштирди ва қалбларни (унга) ошно қилди. Уларни ака-ука қилди, бунда мусулмонлар худди бир жасаддекларки, унда бирига зарар бермай бошқасини бир-биридан (ажратиб) холи қилиб бўлмас”<sup>188</sup>.

Умар бин ал - Хаттоб томонидан айtilган ушбу хитоба парчасидаги тагига чизилган ўринларда тадриж санъати юзага чиққан. Яъни ислом динининг фазлу карами ифода этиларкан, халифа Умар мусулмонлар жамоаси ягона ислом дини остида жамлангач, қандай ҳодисалар рўй берганини даражама-даража ифодалайди:

1-даража: дарҳақиқат, Азза ва Жалла ислом орқали халқни бирлаштирди.

2-даража: қалбларни бир-бирига ошно қилди.

3-даража: уларни ака-ука қилди. Бирлашув, руҳий ошноликдан сўнг нотик ислом динининг бу каби яқинликларини янада аниқроқ – оилада ака-укаларнинг қон риштаси билан боғланишига ўхшатади.

4-даража: мусулмонлар ислом динида бир аниқ жасад кабидирлар, бирига озор бермай, бошқасини ажратиб бўлмас – бирлашув, руҳий ошнолик, ака-укалик муносабатлари ҳам Умар бин ал - Хаттобнинг мусулмонлар жамоасининг аҳиллиги ҳақидаги тасаввури чанқоғини босолмайди. Тадрижнинг охирги босқичи ташбиҳ ва муболаға санъатларига уйғунлашиб

<sup>188</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 228. Умар бин ал-Хаттоб хитобасидан парча.

кетоди: мусулмон жамоанинг ҳар бир аъзоси соғлом фаолият эвазига тириклиги таъминланадиган жасадга нисбатланади.

" ايها الناس: غضوا أبصاركم، و اجثوا على الركب، و أشرعوا الرماح، و الزموا مراكزكم و مصافكم، فإذا حمل عليكم عدوكم فأمهلوهم، حتى إذا ركبوا أطراف السنة، فثبوا في وجوههم وثوب الأسد، فوالذي يرضى الصدق و يمقت الكذب و يعاقب عليه، و يجزى بالإحسان، لقد بلغنى أن المسلمين سيفحونها كفرا كفرا، و قصرا قصرا، فلا يهولنكم جموعهم و لا عددهم، فإنكم لو قد صدقتموهم الشدة لقد اندعروا اندعار <sup>189</sup>اولاد الحجل..."

*“Эй одамлар, тикилиб қарашидан сақланинг ва тиззангизга (чўккалаб) ўтириб олинг, найзаларни ўқталинг ва ўз марказларингизда, сафларингизда қолинг. Агар душман сизларга ҳамла қилса, уларга токи тишларига эрк бермагунларича муҳлат беринг, сўнг шердек ҳамла қилиб уларнинг юзига ташланинг! Садоқатни (ҳалоллик)ни ёқтирадиган ва ёлгондан нафратланадиган Удир ва У уни жазолагувчидир, эҳсонлар билан мукофотлайдиган – тақдирлайдиган ҳам Удир. Менга етиб келдики, мусулмонлар уларни (румликларни) қишлоғи, қалъа-истеҳкоми билан фатҳ этажаклар. Уларнинг сони – адади сизларни қўрқита олмас, чунки сизлар уларга газаб ҳақида рост сўзладингиз, каклик болаларидек ваҳимада қолдилар”.*

Ушбу хитобада муболағавий ташбиҳ – “шердек ҳамла қилиб - *فثبوا في* мажозий истиора “ *каклик болаларидек ваҳимада қолдилар* - *لقد اندعروا اندعار اولاد الحجل* - санъатлари билан бирга, тематик-психологик, лексик-морфологик, ритмик-синтактик, контраст ва синонимик параллелизм ҳамда жуфт такрорлардан ҳам самарали фойдаланилган.

" و أما يا مغيرة، فلم تكن بخليق أن تقع في هذا و شبهه، و إنما مثلك مثل البعوضة إذ قالت للنحلة: "استمسكي فإني طائرة عنك" فقالت النحلة: "فهل علمت بك واقعةً على، فأعلم بك طائرة عنى؟" و الله ما <sup>190</sup>نشعر بعدواتك إيانا، و لا اغتمنا إذ علمنا بها و لا يشق علينا كلامك..."

*“Аммо, сен Мугира, бу ва бунга ўхшаш нарсада ўзингни муносиб тутмадинг. Сен ва менинг масалим чивин хурмо дарахтига айтганига*

<sup>189</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж.1. – С. 205. Амр бин ал -Асининг хитобасидан парча

<sup>190</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. – С. 30. Ал-Ҳасан бин Али хитобасидан парча.

*ўхшайди (Чивин деди: Ерга қаттиқроқ ёпиш, мен, ҳақиқатан, сендан учиб кетаман. Хурмо деди: Сенинг устимда эканлигингни билганмидимки, мендан учиб кетишингни билсам?). Аллоҳга қасамки, биз ҳатто адоватингни ҳам ҳис қилмаймиз, буни билганимизда ҳам нафасимиз сиқилмайди, сенинг сўзларинг бизга муаммо келтирмайди”*

Ушбу хитоба парчасида фикрни далиллаш мақсадида араб масали ўринли келтирилган бўлиб, бу орқали ташбиҳли талмиҳ санъати ҳосил қилинган.

*“..أبدأ بحمد الله و الصلاة و السلام على أبيه، أما بعد.: يا أهل الكوفة!، ي أهل الختر و الخذل، لا فلا رَفَات العبرة، و لا هدأت الرنة، إنما مثلكم كمثل التي نقضت غزلها من بعد قوة أنكاثاً تتخذون أيمانكم دخلا بينكم، أ لا و هل فيكم إلا الصلف و الشنف، و ملق الإماء و غمز الأعداء، و هل أنتم إلا كمرعى على دمنة،<sup>191</sup> و كفضة على ملحودة، أ لا ساء ما قدمت أنفسكم أن سخط الله عليكم....”*

*“Аллоҳга ҳамдлар айтишдан, унинг икки бобосига салаватлар йўллашдан бошлайман. Эй Куфа халқи, эй ёлгончи хоинлар аҳли, эй (ёрдам керак бўлганда) мададсиз қолдирувчилар аҳли! Йўқ, йиғилган кўз ёшлар ҳали оқишдан тўхтамади, овозлар пасаймади (тинчимайди). Бу фақат сизнинг аҳволингиз худди унга (изоҳ: Рита бинт Саъад бин Таййим ал-Қурайшийя исмли аёл кун бўйи ип йигириб, нарса тўқир ва кейин ҳамма тўқиганларини бузиб чиқаркан. Шунга ишора қилинмоқда, яъни, тўқиганини куч-қувватини сарфлаб бўлганидан кейин бузиб ташлайдиганга) ўхшайди. Қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб оласизлар. Наҳотки сизда манманлик, гурур ва нафратдан бошқа нарса бўлмаса, жорияга тилёғмалик қилишдан, душманларга кўз қисишдан бошқа? Сизлар харобага айланган – қуриб кетган яйловдаги қўйхона, қабрга қўмилган қумушдан бошқа нарса эмассиз-ку, қилган ёмонликларингиз Аллоҳнинг сиздан газабланишига сабаб бўлмасми?”*

Ушбу хитобада Умму Кулсум бинт Али юрагининг тубидан чиқаётган алам ва оғриқни ифода қилади. Ана шундай ҳисларни душманга етказишда кўплаб бадий санъатлардан спонтан фойдаланади. Истиорали мурожаатлари

<sup>191</sup> Сафут А.З. Юқоридаги асар. – Б. 134. Умму Кулсум бинт Али хитобасидан парча.

нидо санъатининг юксак намунаси бўлса, халқ ичида машҳур нақлдан фойдалангани талмиҳ санъатини юзага келтирган.

Қуйида келтирилган ушбу хитобада нотик бир пайтнинг ўзида бир неча санъатни қўллайди. Хитобада бошдан охир энг кичик ва энг катта ёки бутун ва унинг бўлаги тамойили асосидаги чоғиштириш орқали истиорали иборалар, муболағалар ҳосил қилинган. Тингловчилар олдида, айниқса, ўз ҳукмдорининг шубҳа-гумонларига барҳам беришни истаган ва уларни аниқ ишонтиришни мақсад қилган нотик, “кичик катта қиёси”нинг кичик қисмини бўрттириб - муболаға қилиб ифодалаш орқали ўз шоҳининг устунликларини бирма-бир санайди ва нисбат бутуннинг бир бўлаги орқали яхлит ва улкан бутунликни яратади. Бундай синекдохалар эса хатиб яшаган давр кишилари учун тушунилиши осон, таъсири кучли бўлган. Араб нотиғи ҳар сафар шоҳни ифодалаган қиёсий қисм олдида “ла” кучайтириш юкламасини қўйиш орқали ўз садоқатини янада намоён этади:

"فو الله لَقَفَاكَ أَحْسَنَ مِنْ وَجْهِهِ، وَ لَأَمَّكَ أَشْرَفَ مِنْ أَبِيهِ، وَ لَأَبُوكَ أَشْرَفَ مِنْ جَمِيعِ قَوْمِهِ، وَ لَشِمَالِكَ أَجُودَ مِنْ يَمِينِهِ، وَ لِحِرْمَانِكَ أَنْفَعُ مِنْ نِدَاهِ، وَ لِقَلِيلِكَ أَكْثَرَ مِنْ كَثِيرِهِ، وَ لِثِمَادِكَ أَزْرَ مِنْ غَدِيرِهِ، وَ لَكُرْسِيِّكَ أَرْفَعَ مِنْ سُرِيرِهِ، وَ لِحِدْوَلِكَ أَغْمَرَ مِنْ بَحُورِهِ، وَ لِيَوْمِكَ أَفْضَلَ مِنْ شَهْرِهِ، وَ لِشَهْرِكَ أَمَدَ مِنْ حَوْلِهِ، وَ لِحَوْلِكَ خَيْرَ مِنْ حَقْبِهِ، وَ لِرِزْدُكَ أَوْرَى مِنْ زَنْدِهِ، وَ لِحِنْدِكَ أَعَزَّ مِنْ جَنْدِهِ، وَ إِنَّكَ لَمِنْ غَسَّانِ أَرْيَابِ الْمُلُوكِ، فَكَيْفَ أَفْضَلُهُ عَلَيْكَ؟"<sup>192</sup>

*“Аллоҳга қасамки, сенинг биргина энсанг – бўйнингнинг орқа қисми – унинг бутун юзидан яхшироқ; сенинг онанг унинг ҳатто отасидан шарифроқ бўлса; сенинг биргина отанг унинг бутун бошли қавмидан ҳурматга сазоворроқ бўлса; сенинг чапинг унинг ўнгидан сифатлироқ, сарароқ бўлса; озгинанг ҳам унинг кўпидан кўп бўлса; сенинг курсинг унинг тахтидан баланд бўлса; сенинг ариқчанг унинг денгизларидан серсувроқ бўлса; сенинг бир кунинг унинг ойларида афзалроқ бўлса; сенинг бир ойинг унинг бир йилидан узунроқ бўлса; сенинг бир йилиннг унинг бир асридан яхшироқ бўлса; сенинг биргина*

<sup>192</sup> Сафут. А.З.Жамҳарату хутаб. Ж. 1. – С. 32. Жоҳилият даврида яшаган Қайс бин Рафаъати бир йилни Ироқда Нуъмон ал Лаҳмий (Ҳирадаги лаҳмий шоҳлардан) саройида ўтказди, сўнгра Шомдаги Азд шоҳларидан бири ал-Ҳарис ибн Аби Шамр ал-Ғассоний ҳузурида бир йил яшади. Кунлардан бир кун ал-Ҳарис унга қараб, менга хабар етдики, сен мендан кўра Нуъмонни афзал кўрармишсан-деди, шунда Рафаъатининг айтган хитобаси.

*чақмоқтошинг унинг чақмоғидан алангалироқ бўлса; сенинг қўшининг унинг қўшинидан улканроқ бўлса, сен, дарҳақиқат, Ғассон шоҳларининг энг арбобларидан бўлсанг, қандай қилиб у (Нуъмонни) сендан афзал кўраман!”*

Қуйида келтирилган хитобада араб хатиби биргина такрор ва тажнис санъатини маҳорат билан қўллаши орқали, энг аввало, хатибнинг ўз вазифасини адо этиш асносида ислом элчисига хос донишмандликни қисқа жумлаларда намоён этганидан дарак беради ва хитоба парчасидан асл арабга хос ўз насл-насаби, шарафини кучли ҳимоя этиш ҳислари сезилади.

"إن هؤلاء رؤوس العرب و جوههم، و هم أشرف يستحيون من الأشراف، و إنما يكرم الأشراف  
الأشراف،<sup>193</sup> و يعظم حقوق الأشراف الأشراف، و يفخم الأشراف الأشراف.."

*“Дарҳақиқат, булар арабларнинг бошлари ва уларнинг юзларидирлар. Улар аниқ (шариф-аслзода, олий насаб) шариф кишилардан ҳаё қиладиган шарифлардир, фақат олийнасаблар олийнасабларни ҳурмат қилади, аширофлар аширофларнинг ҳуқуқларини қадрлайди, аширофлар аширофларни кўкларга кўтаради...”*

Булар, яъни олдингга келганлар оддий одамлар эмас, улар “арабларнинг бошлари, юзлари” (бошлиқлари, эътиборли, кўзга кўринган кишилари дейилмоқчи), дея истиорали гап бошлагач, нотик сўз ўйини қилади. الأشراف - *шараф* - ор номус ва шараф, шон сўзининг кўплиги, яна “шариф” – аслзода, олийжаноб, мард кишиларни кўпликда англатувчи сўздир. Нотик айна парчада тажнис, такрор ва киноя санъатларидан баравар фойдаланади.

هم أشرف يستحيون من الأشراف – улар гарчи обрў-эътиборли бошлиқлар бўлса ҳам, аниқ бажарилган (“ал” артикли ана шундай ишларнинг кўплигини таъкидлаш учун ишлатилган) шарафли ишлари (кўп бўлса ҳам), уларни айтиб (мақтанишдан) уяладиган аслзодалардир. Бунда биринчи *ал-ашироф* “олийжаноб инсонлар”, иккинчи *ал-ашироф* “шарафли ишлар” маъносида.

<sup>193</sup> Сафут. А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 1. - С. 240. Иккинчи одил халифа Умар бин ал - Хаттоб Саъд бин Ваққосга форс шоҳи Зайд Жирд ҳузурига аҳволни билиш учун бир неча кишини элчи қилиб юбориш ҳақида буйруқ берди. Муғира бин Зарара мусулмонлар номидан форс шоҳи олдига элчи бўлиб боради. Бироқ ўздан олдин чиққан элчиларни писанд қилмай, кўпол муносабатда бўлган шоҳга ўз навбати келганда айтган хитобасидан парча.

‘إنما يكرم الأشراف الأشراف’ - фақат олийжанобликка лойиқ аслзодаларгина олийжанобларни хурмат қилади. Бу билан нотик шоҳнинг элчиларга қилган муомаласи унинг насабига тўғри келмаслигини киноя орқали билдиради ва ал-ашрофни иккала ўринда ҳам “олийнасаблар” маъносида ишлатади ва шоҳга киноя қилишда давом этади:

‘و يعظم حقوق الأشراف الأشراف’ - донишманд нотик шоҳни тартибга чақириш мақсадида эътиборли кишиларга, хусусан, элчиларга қандай муомала қилиш лозимлигини, айниқса, аслзодаларгина билади ва улар эътиборли кишиларнинг ҳуқуқларини хурмат қилишлари керак, демоқчи бўлган. Ҳар иккала *ал-ашроф* “аслзодалар” маъносида келиб, шоҳлар ва қабила бошлиқлари назарда тутилган.

‘و يفخم الأشراف الأشراف’ - шон-шараф қадрини шарифлар билади ва кўкларга кўтаради, дея давом этади нотик. Яъни *шараф* дейилганда, арабларнинг мардлик ва жасорати, ор-номус ишлари назарда тутилган ва бундай ишларни оддий халқдан кўра аслзода кишилар яхшироқ тушунади, улуғлайди ва қадрлайди, дейилади. Ушбу парчада ислом элчиси – нотик кичик жумлаларда тажнис бўлиб келган бир “ал-ашроф” сўзи билан мағрур шоҳга яширин киноя қилади, шоҳни аямай жавоб қайтаргани намоён бўлади.

Ушбу хитобаларда ҳам киноянинг бадий расо кўринишлари бор:

"لو ولينا أحسنا المواساة، و امتننا بالأثرة، ثم لم نغشم الحى و لم نشتم للميت، فلستم بأجود منا أكفا و لا أكرم أنفسنا، و لا أصوق لأعراض للمروءة، و نحن و الله أعطى للأخرة منكم الدنيا، و أعطى فى الحق منكم فى الباطل، و أعطى على التقوى منكم على الهوى، و القسّم بالسوية و العدل فى الرعية يأتیان على المنى ..."<sup>194</sup>

*“Агар сен бизга валийлик қилганингда эди, биз тенгликни ҳис қилардик ва сенинг шаънингни шарафлаб эътироф этардик. Биз тирикка асло зулм қилмадик (сенга ўхшаб), майитни асло ҳақоратламадик (сендан фарқли равишда). Сизлар биздан саховатда яхшироқ ҳам, ҳурматлироқ ҳам, мурувватда эса самимий, ростгўйроқ ҳам эмассиз. Биз, Аллоҳга қасамки,*

<sup>194</sup> Сафут А. З. Жамҳару хутаб. Ж. 2. -С. 96. Ибн Аббоснинг уммавий халифа Муовияга айтган хитобасидан парча.

сизлар(дан) фарқли равишда бу дунё учун эмас, охиратга берилганмиз, сизлардан (фарқли) ёлгонга эмас, ҳақиқатга берилганмиз. Сизлардан (фарқли) ҳою ҳавасга эмас, тақвога берилганмиз. (Ўлжа, мол-давлатни) тенглик билан тақсимлаш ва раъиятга (қўл остидагилар) адолат қилиш, иккаласи ишонч ва тақдир(насиб қилган бўлсагина) билан келади.

Ёки айни нотиқнинг бошқа бир хитобасидан олинган парчада ҳам киноя санъати ажойиб истиора ва мажозлар билан берилган:

"و الله ما منحتنا شيئاً حتى سألناه، و لا فتحتنا لنا باباً حتى قرعناه، و لئن قطعت عنا خيرك، لله<sup>195</sup> أوسع منك، و لئن أغلقت دوننا بابك لنكفّن أنفسنا عنك..."

“Аллоҳга қасамки, ўзимиз сўрамагунимизча ҳеч нарсани мукофот қилиб бермадинг, ўзимиз таққиллатмагунимизча эшигингни очмадинг, биздан хайрингни кессанг, (билгилки) Аллоҳнинг хайри сеникидан кенгроқдир, агар эшигингни бизларсиз ёпсанг, сенсиз ҳам ўзимизни тўхтата оламиз...”

Демак, ўрта асрлар араб хитобаларининг қарийб барчасида турли маъновий ва лафзий санъатлар бадиий юксак савия билан қўлланилган. Хитобалардан келтирилган парчаларнинг ўзи ҳам араб нотиқлик санъатида балоғат ва бадиънинг нақадар уйғунлашиб кетганини кўрсата олади.

---

<sup>195</sup> Сафут А.З. Жамҳарату хутаб. Ж. 2. -С. 97. Ибн Аббоснинг уммавий халифа Муовияга қарата айтган хитобасидан парча.

## ХУЛОСА

Илк ўрта аср араб хитобалари поэтикасини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Араб хитоба жанри жоҳилият даври араб шеърятидан ҳам қадимийроқ. Негаки, хитоба араб халқининг туғма генетик ва ментал характер хусусиятларини акс эттирадиган санъат сифатида пайдо бўлган.

2. Араб хитобаларининг санъат даражасига кўтарилишида араб халқи тафаккури, фикрлаш тарзи, араб тилининг бой луғат захирасига эгаллиги асосий омиллар бўлган. Қолаверса, араб тилининг грамматик ва семантик имкониятлари муайян сўз ўзагидан янги маъно ва шаклдаги сўз яшашга имкон бериши, бир сўзда ўхшаш ва зид маънолар ифодалаш мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

3. Тил ва характерга асосланган нутқ арабларнинг ҳақиқий ҳаёт тарзини акс эттирувчи илк адабий шакл бўлган. Арабларнинг қадим ҳаёти ҳақидаги маълумотлар араб халқ оғзаки ижоди намунаси ҳисобланмиш “Аййам-ул-араб”да учраган бўлса, уларнинг ақлий тафаккурлари, уларнинг қадриятлари ҳақидаги маълумотлар турли мақол, масал, ҳикматли сўз, васият ва хитобаларда акс этган.

4. Араб хитобасининг қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ маълумот йўқ ва дастлаб адабий жанр сифатида пайдо бўлмаган. Хитоба араб халқининг ижтимоий-сиёсий эҳтиёжлари самараси ўлароқ юзага келган. Илк араб хитобалари сўзга уста кишиларнинг талаб этилган вазиятда ўз нутқларини халқ орасида машҳур мақоллар, афоризмлар ва бадий тасвир воситалари билан бойитилган тарзда таъсирли айтиши натижасида бадий нутқ мақомига кўтарилган. Хитобаларда арабларнинг узоқ йиллар давомида орттирган тажрибаларига асосланган, тингловчиларга кучли таъсир кўрсатадиган сўзлар, грамматик ва семантик структуралардан фойдаланилган.

5. Жоҳилият даври хитобалари қабила бошлиқларининг ўз қабиласига ўзлари билган ҳақиқатлар ҳақида панд-насихатлари тарзида айтила бошланган. Зотан, хитобалар турли йиғин ва урушларда насл-насаб билан

фахрланиш – тафахур ёки тортишувлар – мунафараларда, жанг олдидан лашкарни руҳлантиришда, шоҳ олдига келган элчиларнинг мунозара – таса’улларида, қайғули вазиятларда ҳамдардлик (таъзия) билдиришда, яхши воқеалар юзасидан табриклаш – таҳни’аларда сўзга уста кишиларнинг нутқлари деб қабул қилиниши керак.

6. Дастлаб араб халқи истак-хоҳишларини ифодалаган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этган хитоба илк ислом даврига келиб, яъни ислом динининг пайдо бўлиши, араблар тафаккури ва ҳаёт тарзидаги янгиланишлар натижасида нубувватни, янги диннинг моҳиятини оммага етказишнинг ягона воситасига айланган.

7. Ислом динини кенг ёйиш ва исломий жамиятни мустаҳкамлаш уммавийлар давридаги муҳим вазифалардан бўлган. Бу давр сиёсий воқелигида исломгача ва илк ислом даврида бўлмаган кўплаб бўлинишлар: ўзаро низолашаётган гуруҳлар, бу гуруҳлардаги ички фирқалар юзага келган. Ҳар бир жамоанинг ўз мақсади ва ғояси, талаб ва истагини ифодалашга бўлган кучли эҳтиёжи таъсирида хитоба айтувчилар ҳам, хитобалар ҳам кўпайган, айти пайтда, хитобанинг мақоми исломгача ва илк ислом давридагидан кўра баланд бўлган.

8. Араб хитобалари айнан Аристотель риторикаси ёки араблар нотиклик санъати деб атайдиган “илму-л-балаға” ҳам эмас. У анча йиллар аввал қадим Юнонистонда пайдо бўлган ва дунё маданиятига, илм-фанига риторика номи атамаси билан кирган санъатдан мустақил равишда пайдо бўлган ва тараққий қилган алоҳида жанрдир. Балоғат (балоғат илми) риторика ёки хитобанигина эмас, оғзаки ёки ёзма, шеърий ёки насрий эканлигидан қатъи назар, балоғат талаблари (илму-л-байан, илму-л-маъани ва илму-л-бадиъ унсурларини акс эттирадиган)га жавоб берадиган ҳар қандай нутқни ўз ичига олади. Шунга кўра, хитоба илму-л-балағанинг айнан ўзи эмас, балки у ўрганадиган, таҳлил қиладиган нутқ турларидан биридир.

9. Араб адабиёти тарихида, танқидчилигида, умуман, шарқшуносликда араб хитобалари ва уларнинг поэтик жиҳатлари етарли ўрганилмаганининг

сабаблари: 1) адабиётшунослар араб хитобаларидан етиб келган намуналар уларни адабий асар шаклида эътибор қаратишга арзимади деб ўйлагани; 2) хитобани фақат риторика предмети, унинг бадиияти эса арзирли эмас деб тушунилганидир.

10. Жоҳилият даврларида хитобаларнинг вазифаси аҳамиятга молик бўлмагани сабабли бу давр хитобаларида хотиржамлик, доноликни тинч вазиятда намойиш этиш мотивлари кучли. Бу давр хитобаларининг аксарида мажозий образлар, мавзу қамрови кўпроқ шаклий жиҳатдан юксак бўлган. Илк ислом ва уммавийлар даври хитобаларида эса оҳангдорлик, муסיқийлик ҳамда қувноқлик кайфияти бор сўзларни қўллаш вазиятга тўғри келмаган, аксинча, жиддийлик, асослилик, ишонтириш воситаларига кўпроқ эҳтиёж сезилган.

11. Хитобанинг тугал композицион структураси илк ислом даврида шаклланган. Бироқ жоҳилият замонлари хитобаларида ҳам мантикий изчилликка риоя қилинган. Илк ўрта аср хитобаларининг барчаси бир хил услубда: риториканинг ишонтириш элементлари, семантик ва лингвистик маркерлари, юксак ва бир-бирига ўхшамайдиган поэтик воситаларни вазиятга мос тарзда ишлатиш талаби остида шаклланган.

12. Ўрта асрлар хитобаларида энг кўп ишлатилган лафзий санъат саждир. Сажнинг хитобаларга бу қадар сингиб кетиши хитобанинг асоси оддий кундалик халқ тилида пайдо бўлиб, кейинроқ омма орасидан сўзга чечан кишиларнинг ажралиб чиқиши билан боғлиқ. Сажъ жоҳилиятдан анча аввал ҳам бўлган, жоҳилият даврига келиб эса бадий баркамол санъатга айланган. Сажъ араб нотиклигининг илк меъёрларидан ҳисобланган.

13. Хитобаларнинг поэтик юксаклигини кўрсатувчи бош омил баъзи хитобаларда шеърийтагидан кўра ҳам кўп бадий воситалар қисқа, муайян қолипда қўллангани, бунда бир жумланинг ўзида бир неча бадий санъатлар уйғун ишлатилганидир.

14. Араб хитобаларининг барчасида арабларнинг энг қадим замонлардан бошлаб борлиқ, табиат қонунлари, ўлим ва мангуликни англашга

кизиқишлари, бу масалаларга ўз ақлий даражасида ёндашувлари кузатилади. Шунинг учун ҳам жоҳилият даври арабларида фалсафий қарашлар бўлмаган дейиш ноўрин. Фалсафий мушоҳадалар жоҳилият кишисининг содда тасаввурларида, бироқ аниқ тартибга келтирилмаган ҳолда мавжуд бўлган. Илк ислом давридан бошлаб эса хитобаларда бундай мотивлар кучайган ва тасаввуф таълимотига асос солган.

15. Хитобаларнинг кўп қисми етиб келмагани, етиб келганлари эса парчалар шаклида турли тарихий, адабий, тилга ёки бошқа соҳаларга оид манбаларда, адабий тўпламлардагина сақланиб қолгани, бу адабий жанрнинг эҳтимолки, жоҳилият шеърятидан ҳам кўпроқ ва мукамалроқ бўлган бўлиши мумкинлиги ҳақида илмий тахмин қилишга изн беради.

16. Илк ўрта аср хитобалари ўзидан кейинги даврлар насрига катта таъсир кўрсатган, хусусан, хитоба негизида рисоалар жанри вужудга келган.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

### **Сиёсий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, – 2017 йил 8 февраль.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, - 2019 йил 22 октябрь.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирларит тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи, - 2017 йил 21 апрель.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори // Халқ сўзи, - 2020 йил 17 апрель.

**Илмий адабиётлар**  
**Ўзбек тилидаги адабиётлар**

5. Абу Наср Форобий. Шеър санъати. — Тошкент, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. -68 б.
6. Адабиёт назарияси. Биринчи том. -Тошкент,Фан,1978. -416 б.
7. Адабиёт назарияси. Иккинчи том. -Тошкент,Фан,1979. -449 б.
8. Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий луғат. Ж.1. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 848 б.
9. Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий луғат. Ж.2. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 896 б.
10. Ал-Қомус. Арабча-ўзбекча қомусий луғат. Ж.3. – Тошкент: Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2019. – 912 б.
11. Аристотель. Поэтика. Масъул муҳаррир И. Султон. Русчадан М.Маҳмудов таржимаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б.
12. Асаллаев А., Раҳмонов В., Мусурмонқулов Ф. Бадиий санъат жозибаси.- Тошкент, Янги аср авлоди, 2005. – 24 б.
13. Бекмирзаев Н. Нотиқлик асослари: ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006;-144б.
14. Белинский В.Г. Адабий орзулар. –Тошкент, Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1977. – 246 б.
15. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. -Тошкент, Ўзбекистон миллий энциклопедияси,2008. -426 б.
16. Ёқубов И. Бадиий матн ва эстетик талқин.-Тошкент, Фан ва технология, 2013. -152 б.
17. Жуманиёзов Р. Нотиқлик санъати.-Тошкент, 2016. -136 б.
18. Иброҳимов Н. Ўрта аср араб халқ адабиёти. –Тошкент: Фан, 1994. – 244 б.
19. Иномхўжаев С. Нотиқлик санъати асослари. –Тошкент, 1982. -88б
20. Иномхўжаев С. Ўтмиш шарқ нотиқлиги. – Тошкент, 1972. -32б.
21. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. - Тошкент, Фан, 2008. – 160 б.
22. Рустамов А.Сўз гавҳари. –Тошкент, Хазина, 1995. -44 б.

23. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. –Тошкент, Ёш гвардия, 1987. -160 б.
24. Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. Тошкент, Фан, 1978. -152 б.
25. Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент, Ўқитувчи, 1986. – 408 б.
26. Умунов Х. Бадиий ижод асослари.- Тошкент, Ўзбекистон, 2001. -120 б.
27. Қаҳҳоров И. Нотиқлик санъати. –Тошкент,2015. -216 б.
28. Қуронов Д.,Мамажонов З., Шералиева М.Адабиётшунослик луғати, / ф.ф.д. Д.Қуроновнинг умумий таҳрири остида. - Тошкент: Akademnashr, 2010 йил. - 400 б.
29. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси.-Тошкент, Шарқ, 2004. -288 б.
30. Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тавсифи. Таржима ва тавсиф муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004. – 624 б.
31. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Шайх Алоуддин Мансур. Тошкент, 2004. – 767 б.
32. Ғойибов Н. Нотиқлик санъати: Маърузалар курси/ Ғойибов Н., Юсубов Д., Мавлонов А. –Тошкент,Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2012. -98 б.
33. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати.- Тошкент: Шарқ, 1999. -240 б.
34. Ҳожиаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз қофия. –Тошкент: Шарқ, 1998. – 160 б.
35. Ҳусайний А. Бадойи ус-санойи.Форсчадан А.Рустамов таржимаси.- Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981.- 400 б.

### **Хорижий тиллардаги адабиётлар**

#### **Рус тилидаги адабиётлар**

36. Аксенов В. И. Искусство художественного слова / Под общ. ред. В. Н. Шацкой. Москва: Изд-во Акад. пед. наук РСФСР, 1962. - 175 с.
37. Аль-Фахури Х. История арабской литературы. В 2 т. Москва: Издательство иностранной литературы, 1959-1961, т.1, с.368; т.2, с.483.

38. Античные риторика. Под ред. А. А. Тахо-Годи. Москва, Изд-во Моск. ун-та, 1978. -352 с.
39. Апресян Г. З. Ораторское искусство. Москва: Изд-во МГУ, 1969, Плевако Ф. 11. Избранные речи. Тула: Автограф, 2000. - 368 с.
40. Аристотель. Риторика. Поэтика. (Перев. с древнегреческого. П.Цыбенко.) – Москва, Лабиринт, 2000. -224 с.
41. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: 1985. – 944 с.
42. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. - Москва, Высшая школа, 1989. – 406 с.
43. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. -Москва, Наука, 1980. -362 с.
44. Гибб Х.А.Р. Арабская литература. Классический период. Москва: Издательство восточной литературы, 1960. с.116.
45. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики -в сравнительно-историческом освещении. Москва: Издательство восточной литературы, 1963. -594 с.
46. Грязневич П.А. Развитие исторического сознания арабов (У1-УШ вв.)| Очерки истории арабской культуры У-ХУ, вв. -Москва: Наука, Глав.ред| вост. лит-ры, 1983. - С. 75-155.
47. Жинкин Н.И. Избранные труды: Язык – Речь – Творчество. –Москва, Лабиринт, 1998. -368 с.
48. Жирмунский В.М. Задачи поэтики. В кн.: Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. Л., 1977, с.15-55.
49. Жирмунский В.М. Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX в. Избранные сочинения. Т.2. М.-Л., 1956, с. 360-372.
50. Ибрагимов Н.И. Арабский народный роман. - Москва, Наука, 1984. - 255 с.
51. Керкегор С. Повторение. – Москва, Лабиринт, 1997. -160 с.
52. Крачковский И.Ю. "Китаб ал-бади". Избранные сочинения. Т.6. М.-Л., 1960, с. 97-179.

53. Крачковский И.Ю. Арабская поэтика в IX веке // Изб. Соч., - М.-Л.: Академия наук, Т. 2. – 1956. - 712 с.
54. Куделин А.Б. Мотив в традиционной арабской поэтике VIII-X вв. В кн.: Восточная поэтика. Специфика художественного образа. - Москва., 1983, с. 7-24.
55. Куделин А.Б. Средневековая арабская поэтика. – Москва: Наука, 1983. - 258 с.
56. Лосев А.Ф. "Риторика" и ее эстетический смысл. В кн.: Античные риторики. Москва, 1978, с. 2 Лосев А.Ф. Художественные каноны как проблемы стиля. - Вопросы эстетики, 1964, с. 351-399.
57. Лосев А.Ф. О понятии художественного канона. В кн.: Проблема канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. Москва, 1973, с. 6-15.
58. Мухтаров Т.А., Саттиев Л.И., Шамусаров Ш.Г. Очерки средневековой арабской прозы. – Ташкент, Фан, 1992. - 222 с.
59. Платон. Диалоги / Пер. с древнегреч.: Сост., ред. и авт. вступ. статьи А. Ф. Лосев; Авт. примеч. А. А. Тахо-Годи. Москва: «Мысль», 1986. - 607 с.
60. Платон. Сочинения. В 3-х т. / Под общ. ред. А. Ф. Лосева и В. Ф. Асмуса. Пер. с древнегреч. Т. 3. Ч. 2. Москва: «Мысль», 1972. - 678 с.
61. Потемня А.А. Мысль и язык. - Москва, Лабиринт, 1999. - 272 с.
62. Розен В.Р. Древнеарабская поэзия и ее критика. СПб. Тип. Акад. наук, 1872. с.82.
63. Сатторов А "Поэтика" Аристотеля на Востоке. (К проблеме взаимосвязей художественной мысли Востока и Запада). В кн.: Мушкилоти Ибни Сино. (Мероси адаби, анъана ва алока). Душанбе, 1980, с. 132-142.
64. Фильштинский И.М. Арабская литература в средние века. Арабская литература VIII-IX веков. Москва: Наука, 1978. - 531 с.
65. Фильштинский И.М. История арабской литературы. V-начало X века. Москва, Главная редакция восточной литературы, 1985. -.529 с.

66. Фильштинский И. М. Арабская литература в средние века: словесное искусство арабов в древности и раннем средневековье. - Москва, Наука, 1977. - 289 с.
67. Шамусаров Ш.Г. Арабский фольклор.-Ташкент, Фан,1992. -88с.
68. Шидфар Б. Я. Образная система арабской классической литературы (У1-ХП вв.). Москва: Наука, 1974. -254с.

#### **Инглиз тилидаги адабиётлар**

69. Al-Husseini H.A., Al-Mussawi E.N. The Rhetoric of Oratory in English and Arabic: An Applicable Study to One of Imam Ali's Oration, 2009. Available at: <http://academia/edu/>.
70. Arabic literature to the end of the Umayyad period, edited by A. F. L. Beeston, T. M. Johnstone, R. B. Serjeant and G. R. Smith. – Cambridge, New Rochell Cambridge University Press, 1983.-P.547.
71. Buehler, E.C. and Johannesen, R.L. Building the Contest Oration. New York: The H.W. Wilson., 1965;
72. Biesecker, B.A. Rethinking the Rhetorical Situation from within Thematic of Difference. *Philosophy & rhetoric*, 22(2). – P.110-130, 1989;
73. Cantarino V. Arabic Poetics in the Golden Age: Selection of Texts Accompanied by a Preliminary Study. – Leiden: Brill, 1975.
74. Classical Arabic Literature: A Library of Arabic Literature Anthology. Selected and translated by Geert Jan van Gelder. – NY: New York University Press, 2013.
75. Cothran, M. What is classical rhetoric? Memoria Press, 2018;
76. El Sadda H. Figurative Discourse in Medieval Arabic Criticism: Introduction and Translation. – *Alif: Journal of Comparative Poetics*. 12 (1992).
77. Encyclopedia Of Arabic Literature. Edited by Julie Scott Meisami. 1998
78. Fogelin R.J. Figuratively Speaking. 2nd ed. revised. – Oxford: Oxford University Press, 2011.
79. Gibb H.A.R. Arabic Literature; an Introduction. 2nd ed. – Oxford: OUP, 1963.

80. Harb L. *Arabic Poetics Aesthetic Experience in Classical Arabic Literature*. – NJ, Princeton University, 2020.
81. Harb L. *Poetic Marvels: Wonder and Aesthetic Experience in Medieval Arabic Literary Theory*. PhD Dissertation. – New York University, 2013.
82. Harris, R. A. *A Handbook of Rhetorical Devices'*, 2010. <http://www.academia.edu>.
83. Hitti P.K. *History of the Arabs*. – London, 1967.
84. Horner W.B. *Rhetoric in the Classical Tradition*. New York, 1988.
85. Jones L.G. *The power of oratory in the medieval Muslim world*. Cambridge University Press, 2012.
86. Kane T., Peters L.J. *A Practical Rhetoric of Expository Prose*. – Oxford: Oxford University Press, 1966.
87. Lynch, J. *What are stem cells?: Definitions at the intersection of science and politics (Rhetoric, Culture and Social Critique)*. The University of Alabama Press, 2011.
88. Marshall, David “Some Early Islamic Sermons,” *Journal of the Faculty of Arts, Royal University of Malta*, 1972.
89. *Nahj Al-Balaghah: Sermons, letters and Sayings*. By Imam Ali. Vol. 1. – Karachi: Ansariyan Publications.
90. Nicolson R.A. *A Literary History of the Arabs*. – NY: Charles Scribner’s Sons, 1907. – P. 153-157.
91. Noth, Albrecht and Lawrence Conrad (1994), *The Early Arabic Historical Tradition*, trans. M. Bonner, Princeton.
92. Ouyang W. *Literary Criticism in Medieval Arabic-Islamic Culture: The Making of a Tradition*. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1997.
93. Qutbuddin T. *Khutba: The Evolution of Early Arabic Oratory*”in *Classical Arabic Humanities in their own Terms: Festschrift for Wolfhart Heinrichs*, ed. Beatrice Gruendler and Michael Cooperson. – Brill, 2008.
94. Shurter E.D.B. *The Rhetoric of Oratory*. – NY: The Macmillan Company, 1909.
95. Steel C. *Roman Oratory*. – Cambridge: Cambridge University Press, 2006.

96. The Arabic Lexicographical Tradition: From the 2nd/8th to the 12th/18th Century. Handbook of Oriental Studies, vol. 107. – Brill: Leiden, 2014.
97. The New Oratory. American Management Association. – Johannesen, 1965.
98. Wehr H. A Dictionary of Modern Written Arabic: Arabic-English. Edited by J. Milton Cowan. 3rd printing. – Beirut: Librairie du Liban, 1980.

### Араб тилидаги адабиётлар

99. ابن الأثير، ضياء الدين، المثل السائر في أدب الكاتب و الشاعر، (1979)، تحقيق أحمد الحوفي، دار النهضة مصر للطباعة و النشر، الفجالة-القاهرة.
100. ابن الكثير، أبو الفضاء إسماعيل بن عمر، البداية و النهاية، تح: عبد الله بن عبد المحسن التركي، دار هجر للطباعة و النشر.
101. ابن الرشيقي، العمدة في محاسن الشعر و أدبه و نقده، (2007)، تح: عبد الحميد الهنداوي، المكتبة العصرية، صيدا، لبنان.
102. ابن النديم محمد ابن أسحاق، الفهرست. Online, Available at: [www.alkottob.com](http://www.alkottob.com).
103. ابن منظور، ابي الفضل جمال الدين محمد بن مكرم، لسان العرب، ج3، (1990)، بيروت: دار مصادر للطباعة و النشر.
104. ابن عبد ربه، أبو عمرو أحمد بن محمد الأندلسي، العقد الفريد، (1962)، تحقيق أحمد أمين، و أحمد الزين، و إبراهيم البياري، مطبعة لجنة التأليف و الترجمة و النشر، القاهرة.
105. أبو زهرة محمد، الخطابة (أصولها، و تأريخها في أزهر عصورها عند العرب)، (1980)، دار الفكر العربي، القاهرة.
106. أحمد حسن الزيات، الأدب العربي و تأريخه، (2008)، دار المعرفة، ط4، بيروت.
107. أسامة بن منقذ، (ت ٨٤٥ هـ)، البديع في نقد الشعر، تحقيق د. أحمد أحمد بدوي، و د. حامد عبد المجيد، وزارة الثقافة و الإرشاد القومي، الجمهورية العربية المتحدة، (د. ت).
108. اشرف موسى، الخطابة العربية و فن الإلقاء، (1978)، مكتبة الخانجي، القاهرة.
109. البستاني، بطرس، محيط المحيط، قاموس مطول للغة العربية. Online, available at: <https://foulabook.com>.
110. البستاني محمود، تأريخ الأدب العربي في ضوء المنهج الإسلامي، (1990)، بيروت: مجمع البحوث الإسلامية.

111. البلاذوري، أحمد بن يحيى بن جابر، أنصاب الأشراف، (1996)، تحقيق و تقديم د. سهيل زكار و د. رياض الزركلي، ط1، مكتب البحوث و الدراسات، دار الفكر للطباعة و النشر و التوزيع
112. البقالاني أبي بكر محمد بن الطيب، إعجاز القرآن، (1979)، تحقيق، السيد أحمد الصفرة، دار المعارف.
113. الجاحظ، أبو عثمان عمرو بن بحر، البيان و التبين، (1968)، تحقيق عبد السلام هارون، مكتبة الجاحظ، بيروت.
114. الجرجاني عبد القاهر، أسرار البلاغة في علم البيان، (1996)، تحقيق محمد الإسكندراني، دار الكتاب العربي، بيروت.
115. الجرجاني عبد القاهر، دلائل الإعجاز، (1966)، دار المنار، القاهرة.
116. الإصفهاني، أبو الفراج علي بن الحسين بن محمد، كتاب الاغاني، (1963)، الهيئة المصرية العامة للكتاب، القاهرة.
117. إسحاق بن إبراهيم وهب، البرهان في وجوه البيان، (1969)، حنفي محمد شرف، مطبعة الرسالة.
118. د. إسماعيل علي محمد، فن الخطابة و مهارات الخطيب، (2016)، دار كلمة النشر و التوزيع القاهرة.
119. د. الحمداني، محمد حاصر الفياض، خصائص النثر الإسلامي: الخطابة أنموذجاً. Route educational and social Sce Journal, V5 (3).2018.
120. الحوفي أحمد محمد، (1972)، فن الخطابة، ط4، دار نحضة مصر للطباعة و النشر، القاهرة.
121. الزمخشري، أبو القاسم، جار الله محمود بن عمر بن احمد، أساس البلاغة، تحقيق محمد باسل عيون السود، (1998)، دار الكتب العلمية، بيروت، لبنان.
122. الشيخ علي محفوظ، فن الخطابة و إعداد الخطيب، دار الإعتصام، القاهرة.
123. العسكري، ابو هلال . الصناعتين. (الكتابة و الالشعر )، (1981)، تح. محمد قميحة، (دار الكتب العلمية).
124. ألقاموس المحيط، (2005)، مجد الدين محمد بن يعقوب الفيروز آبادي، مؤسسة الرسالة، بيروت، لبنان.
125. القلقشندي، أبو العباس أحمد بن علي، صبح الأعشى في صناعة الإنشاء، (1971)، تحقيق محمد حسين شمس الدين، دار الكتب العلمية ، بيروت.
126. النص، إحسان، الخطابة العربية في عصرها الذهبي، (1969)، دار المعارف، مصر.
127. الوسيط في الادب العربي و تأريخه، تأليف الشيخ الإسكندراني و الشيخ مصطفى عناني(1919)، ط1، مطبعة المعارف بشارع فجاله، مصر.
128. الولي، محمد، الإستعارة في محطات يونانية و عربية و غربية، (2005)، دار الأمان، الرياض.

129. زيدان، جرجي، تاريخ الأدب اللغة العربية، (2012)، مؤسسة هنداوي للتعليم و الثقافة، القاهرة.
130. صفوت، احمد زكي، جمهرة خطب العرب في العصور العربية الزاهرة، (1933)، المكتبة العلمية، القاهرة.
131. ضيف، شوقي، تاريخ الأدب العربي / العصر الإسلامي، (1963)، دار المعارف، مصر.
132. عثمان موافي، في نظرية الأدب العربي من قضايا الشعر و النثر في النقد العربي القديم، (2002)، ج-1، دار المعرفة الجامعية .
133. عمر فاروق الطباع، مواقف قي الأدب الأموي، (تحليل، دراسة، منتخبات)، (2013)، دار العلم، بيروت، لبنان.
134. قدامة بن خعفر بن قدامة، ابو الفرج البعدادي، نقد النثر، (1982)، تحقيق طه حسين و عبد الحميد العبادي، دار الكتب العلمية، بيروت.
135. مبارك، زكي، النثر الفني في القرن الرابع، (1934)، دار الكتب المصرية، القاهرة.
136. مصطفى محمود ، تاريخ الأدب العربي في عصور صدر الإسلام و دولة الأموية، ج-1، الحلبي
137. مع الله محمد الغزالي، ( 1981)، ط-5، دار الكتب الإسلامية، القاهرة.
138. مقدمة ابن خلدون ، عبد الرحمان بن خلدون ، ط. عبدالله محمد الدرويش ، دار العرب، ج3.
139. ناصيف، إميل، أروع ما قيل عن الخطب، (1990)، ط1، دار الجيل، بيروت.

### Интернет сайтлар

1. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
2. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-s/saj-uz/>
3. <http://hindavi.org>.
4. <http://academia.edu/>.
5. <http://e.lanbook.com>
6. <http://www.krugosvet.ru>
7. <http://www.slovopedia.com>
8. <http://www.slovari.ru>
9. <http://znanium.com>
10. <http://wdl.com>
11. <http://almaani.com>
12. <https://quronov.uz>.

## МУНДАРИЖА

<b>МУҚАДДИМА</b> .....	2
<b>I БОБ. АРАБ АДАБИЁТИДА ХИТОБА ЖАНРИ ВА УНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ ТАДРИЖИЙ БОСҚИЧЛАРИ</b>	
1.1. Араб адабиётида хитоба илк насрий жанр сифатида.....	6
1.2. Хитоба жанрининг илк ўрта асрлардаги тараққиёти.....	23
I боб бўйича хулосалар.....	41
<b>II БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР ХИТОБАЛАРИ УСЛУБИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИ</b>	
2.1. Хитобаларнинг услубий –тематик хусусиятлари тизими.....	43
2.2. Араб хитобалари композициясининг бадиий хусусиятлари.....	68
II боб бўйича хулосалар.....	83
<b>III БОБ. ИЛК ЎРТА АСРЛАР АРАБ ХИТОБАЛАРИДА БАДИИЙ САНЪАТЛАР</b>	
3.1. Хитобаларда сажъ лафзий санъатининг қўлланилиши.....	85
3.2. Хитобаларда маъновий санъатларнинг қўлланилиши.....	96
III боб бўйича хулосалар.....	121
<b>ХУЛОСА</b> .....	123
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	126



**ASES**  
PUBLISHING

ISBN 978-625-92363-2-2



9 786259 236322